



European Commission

TEMPUS



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ



ФАРГОНА ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

**Темпус дастурининг UnIvEnt—“ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА ВА ТАДБИРКОРЛИК
ФАОЛИЯТИДА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ТАДБИҚЭТИШ
БОРАСИДА УНИВЕРСИТЕЛARНИНГ РОЛИНИ
КУЧАЙТИРИШ”
лойиҳаси доирасида тайёрланган
«Тадбиркорликда маркетинг ва бошқарув фаолияти»
курси**



Т е м п у с Р ғ о յ е с т

Муаллиф-тузувчилар: Х. Сатторова, А. Асраккулов

Фарғона 2011

АННОТАЦИЯ

Мазкур қўлланма Европа ТЕМПУС дастури бўйича Фарғона давлат университети ва Фарғона политехника институтида 2011-2013 йилларда амалга оширилаётган “UnIvEnt” лойихаси доирасида тайёрланган “Тадбиркорликда маркетинг ва бошқарув фаолияти” номли курснинг мазмунини акс эттиради.

Кўлланма тадбиркорларга мўлжалланган бўлиб, уларни корхонани самарали бошқариш услублари ва маркетинг асослари билан таниширади.

Мазкур қўлланма Европа комиссияси кўмагида ТЕМПУС дастури “UnIvEnt” лойихаси доирасида молиялаштирилган. Кўлланмада берилган материалнинг мазмунига муаллиф масъул бўлиб, Европа комиссиясининг нуқтаи-назарини акс эттирмайди.

ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВ АСОСЛАРИ

Иқтисодиётни бошқариш тизимини тубдан қайта қуриш – мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотларнинг мухим йўналишларидан биридир. Янги шартшароитларга тушиб қолган корхона учун бу жуда катта аҳамиятга эга. Товар – пул муносабатлари объекти бўлиб, иқтисодий мустақилликка ва ўз фаолияти натижаларига тўлиқ жавоб бериш ҳуқукини эгаллаган корхона, шундай бошқариш тизимини шакллантириши керакки, бунинг натижасида юқори иш самараадорлигига, рақобатбардошликка ва бозордаги мустахкам ҳолатга эришсин.

Менежмент – бу бозор иқтисодиёти ривожланиши талабларига тўлиқ жавоб берадиган бошқаришнинг бир туридир. Бошқариш ишлаб чиқариш ва жамият ривожланишидаги мураккаб тадбир сифатида кўп омиллар билан характерланади. Фарқ яна технологик, ижтимоий – психологик ва бошқа ривожланиш даражалари билан хам аниқланади. Бошқариш кичик ва йирик бизнесда хам фарқланади.

Инсонлар фаолиятини бошқариш профессионал-менежердан юксак санъатни, у томонидан қўлланиладиган усул ва услубларнинг кенг тўпламини, бошқариш ва тадбиркорлик малакаларини талафутини таддиби.

Менежмент – бу бозор иқтисодида амал қилаётган корхонанинг оптималь хўжалик натижаларига кўп турли менежмент механизмининг ижтимоий – иқтисодий тамойиллари, функциялари ва услубларини қўллаш асосида эришишга йўналтирилган алоҳида касб фаолиятидир. Менежмент корхонада одамлар ишини ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган фаолият соҳасини хам билдиради. Бу самарали бошқариш имкониятлари ўрганиладиган билимлар соҳасидир.

Замонавий менежмент учун қўйидагилар характерли:

- Ишлаб чиқаришнинг ва умуман бизнеснинг самараадорлигини оширишга мунтазам интилиш;
- Фирманинг бозордаги фаолияти оҳирги натижаларига жавоб берадиган шахсга эркин қарор қабул қилишни таъминлайдиган кенг хўжалик мустақиллиги;
- Бозор холати ва ташки мухит ўзгаришларидан боғлиқ равишда мақсадлар ва дастурларга доимий тузатишлар киритиш;
- Режалаштирилган пировард натижага эришишга фаолиятни қаратиш;
- Кўп вариантили ҳисоблар учун замонавий информацион базани қўллаш;
- Жорий режалаштиришдан перспектив режалаштиришга ўтишда режалаштириш функцияларини ўзгартириш;
- ЭҲМ дан максимал равишда фойдаланиш;
- Бошқаришда компаниянинг хамма ходимларини жалб этиш;
- Ўзгаришларни кўзда тўтиш, ўзгарувчан қарорлар асосида бошқаришни амалга ошириш;
- Инновацияларга эътиборни кучайтириш;
- Хар бир бошқариш қарорларини чукўр таҳлил қилиш;
- Оқилона таваккал қилиш ва таваккални бошқариш қобилияти;
- Маркетинг ролини таянч даражасигача кўтариш.

Менежментнинг вазифаси аввалига хоҳишини имконият даражасига келтириб, сунг эса уни хақиқатга айлантиришдан иборатdir.

«Менежмент» термини турлича талқин килинади. Унинг қўйидагича умумий тарифини келтириш мумкин: **менежмент** – бу хўжалик юритиш самараадорлигини ошириш, бозор эҳтиёжлари хамда умуман жамият эҳтиёжларини кондириш, фойдани ошириш мақсадида дастурли-мақсадли бошқариш, илмий-техник ишланмаларни

прогнозлаш хамда жорий ва истиқболли режалаштириш, ишлаб чиқаришни ташқил этиш, маҳсулот ва хизматларни сотиш тизими ҳисобланади.

Менежментда икки муҳим соҳа мавжуд – маркетинг ва инновация.

Инновация – бу янги товарларни, хизматларни, технологияларни ва бошқариш жараёнларини юқорирок сифатда ишлаб чиқишидир.

Менежмент охирги натижаларга эришиш учун хамкорликдаги фаолиятни мувофиқлаштириш мақсадида алоҳида одамларга ёки жамоага тизимли таъсир кўрсатиши таъминлайди.

Менежментнинг асосий инструментлари – башоратлаш, режалаштириш, ташқил қилиш, назорат, мувофиқлаштириш, фаоллаштириш ва одамларни мотивлаштириш.

Менежментни жамиятнинг иқтисодий негизи билан боғлаб, шу билан бирга бошқарувнинг икки - ташқилий-техникавий ва ижтимоий-иктисодий томонларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш лозим.

Ташқилий-техникавий бошқарув аниқ истеъмол қийматини олиш учун маҳсулот тайёрлашда меҳнат тақсимоти ва кооперацияси билан ажralиб туради. Ижтимоий-иктисодий бошқарув мавжуд ишлаб чиқариш муносабатлари билан боғлиқ бўлиб, менежмент мақсадларини белгилайди. Ташқилий-техникавий бошқарув меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиши учун шароит яратишга имкон берувчи фаолият туридан иборатdir. Ижтимоий-иктисодий бошқарувнинг мақсади ишловчилар самарали меҳнат қилиши учун шароит яратиш уларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг ишончли умумдавлат тизимини шакллантириш, бандликни таъминлаш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашдан иборатdir.

Менежмент моҳияти ишлаб чиқариш усули, ижтимоий-иктисодий муносабатлар даражаси, ишлаб чиқариш кучлари ривожланишига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Ишлаб чиқариш ривожланиши ва иқтисодий алоқалар мураккаблашуви билан бошқарув хам мураккаблашади ва мустақил фан сифатда ажralиб чиқади. Ишлаб чиқариш воситаларига мулкчиликнинг турли шакллари мавжуд бўлган шароитда товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат вужудга келиб, ишлаб чиқаришни бошқариш, фойдани кўпайтиришга йўналтирилади.

Бошқарув фаолиятининг моҳияти. Раҳбар иши кўп қиррали. У амалга ошириладиган фаолиятнинг қисқа муддатлилиги, турли-туманлиги ва фрагменлилиги билан характерланади. Гестнинг тадқиқотларига мувофиқ бошқарув бўйича уста бир кунда 583 турли операцияларини бажаради.

Раҳбар роли – бу, Минцберг таърифи бўйича, «алоҳида ташкилот ёки алоҳида лавозим учун мос бўлган маълум хатти-харакат қоидалари тўплами» ҳисобланади. Алоҳида шахс роль бажариш характеристига таъсир кўрсатиши мумкин, лёкин унинг мазмунини ўзгартира олмайди.

Минцберг раҳбарнинг турли даврларда ва турли даражада ўз зиммасига оладиган 10 ролини ажратади. У бу ролларни уч категория чегарасида туркумлади: шахслараро роллар, информацион роллар ва қарор қабул қилиш бўйича роллар. Унинг фикрича, роллар ўзаро боғлиқ ва яхлитни яратишда ўзаро харакат килади.

Шахслараро роллар раҳбарнинг ташкилотдаги мавқеидан келиб чиқади ва унинг одамлар билан ўзаро муносабати соҳасини қамраб олади:

- бош раҳбар: ҳуқуқий ёки ижтимоий характеристдаги мажбуриятларни бажаради;
- лидер (сардор): мотивлаштириш, ишловчиларни фаоллаштириш, ишга қабул қилиш ва тайёрлашга жавоб беради;
- алоқа соҳаси: ташқи алоқаларни таъминлайди.

Ушбу роллар раҳбарни информация тўпланадиган пунктга айлантириши мумкин ва бу эса информацияни қайта ишлайдиган марказ сифатида информацион ролларни бажаришга мажбур килади. Раҳбарнинг информацион роллари:

- информацияни қабул килувчи: турли ахборотларни излайди ва қабул қиласди;

- ахборотни тарқатувчи: ташкилот аъзолариға ташқи ва ички ахборотларни етказади;
- вакил: ташқи алоқалар учун ахборотни узатади.

Шахслараро ва информацион ролни ўз зиммасига олган ҳолда раҳбар қарор қабул қилиш билан боғлиқ бўлган ролларни хам бажаради:

- тадбиркор;
- бузишиларни бартараф этувчи: ташкилотда бузилишлар бўйича бўладиган ҳаракатларни тузатиш учун жавоб беради;
- ресурсларни тақсимловчи: ташкилотда мавжуд ресурсларни тақсимлашда жавобгар бўлади;
- келишувлар олиб борувчи.

Ана шу 10 роллар менежер ишининг ҳажми ва мазмунини аниқлаб беради.

Хозирги вақтда бошқариш адабиётларда бошқарув функцияларини амалга ошириш сифатида қаралади. Шунинг учун бошқарувнинг қўйидаги қоидаси қабул қилинган: **бошқарув** – бу ташкилот мақсадларини аниқлаш ва уларга эришиш учун зарур бўлган режалаштириш, ташқил қилиш, мотивлаштириш ва назорат жараёнлари ҳисобланади. Питер Ф.Друкер (бошқарув соҳасидаги йирик назариётчи) бошқа таърифни таклиф этади:

Бошқарув – бу тартибсиз оммани (оломонни) самарали мақсадга йўналтирилган ва унумдорли гурухга айлантирувчи маҳсус фаолият кўриниши.

Хамма раҳбарлар маълум роль ва функцияларни бажаришса хам, йирик корхонадаги раҳбарларнинг кўплиги уларнинг хаммасининг факат бир ишни бажаришини билдирамайди. Хар бир раҳбарнинг иши чегараланган. Айрим раҳбарлар ўз вақтини ходимлар ишини мувофиқлаштиришга сарфлайди, бошқалари эса ўз навбатида бошқа раҳбарлар ишини мувофиқлаштиради. Шундай қилиб, биз бевосита ишловчилар ишини мувофиқлаштирувчи раҳбар даражасигача тушишимиз мумкин. Бундай вертикал меҳнат тақсимоти бошқариш поғонасини ташқил этади.

Корхонада лавозим асосида бир раҳбар бошқасига нисбатан қандай даражада турганлигини аниқлаш мумкин. Корхона қўлами (масштаби) – бу бошқарув поғонасини аниқловчи омиллардан факат бири ҳисобланади. Лёкин оптималь натижаларга кам поғонали бошқарув орқали хам эришиш мумкин.

Бошқарув поғоналарининг сонига қараб раҳбарларни уч категорияга бўладилар. Социолог Талкотт Парсанс бу уч категорияни раҳбарнинг ташкилотда бажарувчи функциялари нуқтаи-назаридан қўйидагича бўлади:

1. техникавий поғона (самарали ишлаб чиқаришни таъминлашга қаратилган кундалик операция ва ҳаракатлар бажарувчилар).
2. бошқарув поғона (улар ташкилотнинг турли бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштиришади).
3. институционал поғона (улар асосан перспектив режалар тўзиш, мақсадни аниқлаш, ташкилот ва ташқи муҳит ўртасидаги муносабатларни бошқариш билан шуғулланишади).

Бошқача қилиб, бошқарув поғоналарини кўпчилик томонидан қабул қилинган қуи, ўрта ва юқори бўғин раҳбарларига ажратиш мумкин.

Қуи бўғин раҳбарлари – бу бевосита ишчилар устида турадиган ташқилий даража. Кичик бошлиқлар ишлаб чиқариш топширикларининг бажарилишини назорат қиласидилар ва тўғри бажарилаётганилиги тўғрисида ахборот берадилар (уста, бўлим бошлиғи). Раҳбарларнинг кўпи қуи бўғин раҳбарлари ва кўп кишилар бошқариш фаолиятини шу тарика бошлайди.

Кичик бошлиқлар иши ўрта бўғин раҳбарлари томонидан мувофиқлаштирилади ва назорат қилинади. Агар корхона катта бўлса, унда ўрта бўғин икки поғонага бўлиниши мумкин: юқори ўрта ўва қуи ўрта бўғин. Ўрта бўғин раҳбарлари юқори ва қуи бўғин ўртасидаги воситачи ҳисобланади. Улар юқори раҳбарлар қарор қабул қилиши учун

ахборот тайёрлаб, бу қарорларни конкрет топшириклар сифатидаги қўлай шаклга айлантириб, қуйи бўғинга ўзатадилар.

Юқори бўғин раҳбарлари – олдингиларга нисбатан кам сонли. Уларга корпорация президенти, вице-президенти, министрлар киради. Юқори бўғин раҳбарлари бутун ташкилот учун муҳим бошқариш қарорларини қабул қилишга жавобгар. Улар қабул килувчи қарорларга кўп нарса боғлиқ ва бундай раҳбарлар шухрат қозониши мумкин. Лёкин бу ишнинг оғирлиги хам, масъулияти хам катта. Бунинг асосий сабаби шундаки, юқори раҳбар иши аниқ якунга эга эмас ва у хар доим хам ишнинг муваффақиятли тутатилганлигини тасдиқлаб беролмайди ва доимо таваккалчилик мавжуд бўлади.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА МЕНЕЖМЕНТ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Хамма бошқарувнинг ўзлуксиз ишлаш жараёни менежментdir. Бу бошқарув аппаратининг меҳнат жараёнидир. Умумий холда менежментни қуидагича тавсифлаш мумкин: технология нуктан-назаридан (қандай бажарилади), ташқиллаштириш (ким томонидан ва қандай тартибда) ва мазмунан (аниқ нима қилинади).

Менежмент иқтисодий нуктаи-назаридан - бу, аввало, хамма иқтисодий муаммоларни бошқариш системаси, инсонларни бошқариш. Менежмент ижтимоий нуктаи-назаридан - бу, аввало, меҳнат жамоалари ижтимоий талабларини қондириш, инсонни тарбиялаш. Менежмент жараёни технологияси эса бошқарув аппарати ходимларининг бажараётган амалий ишларидир.

Шундай қилиб, менежмент жараёни қуилган масалага эришиш учун бошқарув аппарати раҳбари ва одамларнинг келишилган холда хамоханг фаолият кўрсатишидир.

Менежмент жараёни *бостум*, операция, восита ва операциясини амалга ошириш билан тавсифланади. Менежмент жараёни моҳиятидан келиб чиқиб, қуидаги босқичларни ажратиш мумкин:

[МАҚСАД] (ХОЛАТ) [МУАММО] ЕЧИМ

Кўрсатилган кетма-кетлик билан бошқарув фаолияти бажарилади. Хар қандай фаолият мадксадли бошқарувга йўналтирилган бўлиши керак, зеро бошқариш мақсадга эришиш учун амалга оширилади. Менежментнинг навбатдаги босқичи ҳолатларини таҳлил этиш дейилади. Бу босқичда ишлар мажмуу, система ҳолатини баҳолаш, уни такомиллаштириш йўллари, ишга халақит берувчи элементларидан қутилиш чоралари кўрилади.

Менежментнинг асосий мақсадлари: башоратлаш, режалаштириш ва бизнеснинг кўзланган натижаларига эриштириш. Менежерларнинг вазифаси мавжуд бўлган моддий ресурслар асосида истеъмолчилар эҳтиёжини ҳисобга олиб товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни ташқил қилиш, фирманинг фойдалилигини, ишлаб чиқариш жараёнини рационал ташқил қилиш орқали бозорда унинг барқарор мавкеини таъминлаш, илмий-техника базасини ривожлантириш, кадрлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш ҳисобланади.

Бунинг учун қуидагилар зарур:

- Технологик кайта кўриш ва ишлаб чиқаришни автоматлаштиришни амалга ошириш, юқори малакали ишловчилардан фойдаланишга ўтиш;
- Ходимлар ишини рағбатлантириш;
- Фирманинг самарали фаолияти устидан доимий назорат қилиш, барча бўлинмалар ишини мувофикаштириш;
- Янги бозорларни доимий излаш ва ўзлаштириш.

Менежерларга фирманинг ривожланиш мақсадларини аниқлаш, устувор вазифаларни, уларни амалга ошириш тартибини белгилаш, фирмани ривожлантириш

стратегиясини ишлаб чиқиш, қуйилган вазифаларни муддатида бажариш тадбирлари тизимини тайёрлаш, зарур бўлган ресурсларни ва бушликни тулдириш манбаларини баҳолаш, белгиланган топширикларни бажариш устидан назоратни кучайтириш ва одамларни самарали бошқариш каби масалаларни ечишга тўғри келади.

Менежмент жараёни мазмуни уни функцияларида кўринади. Менежмент функцияси дейилганда бошқарувга доир маълум масалаларни ечишга йўналтирилган бир турли ишлар йигиндиси тушунилади. Бошқарув органлари ва ижрочилар маъсулиятли бошқариш функциясини белгилайди. Бу вазифалар функционал бўлим тўғрисидаги Низом ва мансабдор бошқарувчilar учун кўрсатмаларда ўз ифодасини топади. Бошқарув жараёнининг функционал таҳлили хар бир функция учун иш ҳажми асосларини ташкил этади, бошқарувчilar сонини белгилайди, ва бошқарув тизимини лойихалаштиради.

Бошқарув органлари асосий ва аниқ функцияларга бўлинади. Асосий функция хам ишлаб чиқариш жараёнида хам муомала ва ноишлаб чиқариш амалга ошади.

Улар қуидагилар:

- | | |
|------------------|----------------------|
| а) маркетинг; | г) мувофикаштириш; |
| б) режалаштириш; | д) рағбатлантириш; |
| в) ташқил этиш; | е) ҳисоб ва назорат; |

А) **маркетинг** - бу инсон эхтиёжи ва талабларини таъминлаш ва фойда олиш мақсадида бозор билан амалга ошадиган, товарлар сотилишини таъминлаш, айирбошлиши тезлаштиришга қаратилган фаолият. Масалан, асосий товарни кайта ишлаш, бозорни таҳлил этиш, коммуникацияни йўлга қўйишни, тақсимлашни ташқил этиш, баҳоларни белгилаш, сервис хизматини ривожлантириш. Бўлар бошқарувни функцияларига таъсир этади.

Б) **режалаштириш** - бу ижодий лойихалаштириш истикболини, иқтисодий системани белгилаш. Режалаштириш барча хўжалик субъектлари стратегиясида ўз аксини топади.

В) **ташқил этиш** - бу техник, иқтисодий, ижтимоий ва бошқариш системаларини тартибга келтириш. Менежменти ташқил этиш, аввало, энг макбўл ташқилий тўзилмалар кўриш, моддий, меҳнат, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш, бошқариш тизимлари орасидаги муносабатларни уюштириш.

Г) **мувофикаштириш** - техник, иқтисодий, ижтимоий масалаларни бирга хал этишда барча бошқарув функцияларининг келиши. Бундан ўзаро алоқа ўрнатилади, амалдаги меъёр ва меъёрий ҳужжатлардан четланилса огохлантирилади.

Д) **рағбатлантириш** - бу инсон омилини кенг демократия асосида фаоллаштириш, унинг манфаатлари йўлида гамхўрлик қилишни бошқариш;

Е) **ҳисоб ва назорат** - бу бошқарилувчи система ҳолатининг назорат ва ҳисобга олиш, ишни бир меъёрда таъминлашни бошқариш.

Бозор муҳитининг тез ўзгариши корхонага доим "ташвиш" келтириб туради. Аҳоли даромади, харид қилиш қобилияти, маҳсулот ва хизматларга бўлган талаб, демографик шароит тез-тез ўзгариб туради. Бу дегани, ташкилот муваффақияти учун самарали коммуникация-доимий ахборот алмашинуви зарур.

Ахборот ва мақсадларга эришиш тўғридан-тўғри боғлиқ. Самарали раҳбар – бу коммуникацияда самарали бўлган кишилардир.

Ташкилотлардаги коммуникацион жараёнлар таҳлилидан бошлаймиз. **Ахборот алмашинуви** деганда, одатда шахсий сухбат ёки мажлисда ёки телефон орқали гапирадиган ёки хат, ҳисбот тўзадиган, ўқийдиган одамларнинг мулокотлари тўғрисида уйлаймиз. Бу ҳолатларга ташкилот коммуникациясининг асосий қисми тўғри келса хам, коммуникациялар мураккаб жараён ҳисобланади.

Раҳбар ўз вақтининг 50-90 % ни коммуникацияга сарфлайди. Индивидлар хамда ташкилотлар муваффақияти учун самарали коммуникациялар зарур бўлади.

Хуш, ташкилотда каерда самарали коммуникация талаб килинади?

Ташкилот ва мухит ўртасидаги коммуникация. Ташкилот фаолиятига таъсир кўрсатадиган омилларга ташкилотнинг коммуникацион эҳтиёжлари боғлиқ. Ташкилотлар ташки мухит билан коммуникация учун турли воситалардан фойдаланадилар. Истеъмолчилар билан реклама орқали муносабатда, давлат бошқармалари билан ҳисобот ёрдамида мулокотда бўлишади. Бу ташки мухит ўзгаришларига ташкилотнинг сезирилигига бир нечагина мисолдир (мухокама, мажлис, телефон, хат, ҳисобот ва бошк.).

Бошқарув погоналари ва бўлинмалар ўртасидаги коммуникация. Ташкилотда вертикал хамда горизонтал коммуникациялар фарқланади. **Вертикал коммуникация** юқоридан пастга ва пастдан юқорига йўналган бўлади. Ахборот ташкилот ичкарисида босқичдан-босқичга вертикал коммуникация чегарасида харакат килади. У пастга йўналган, яъни юқори босқичдан қўйига юбориладиган (жорий масалалар, топширикдаги ўзгаришлар ва хоказо) ва юқорига йўналтирилган бўлади. Қўйи босқичдан юқорига йўналган ахборот унумдорликка катта таъсир кўрсатади. Энг қўйи босқичда яратилган нарса барча ўртадаги босқичлардан утиб, энг юқорига кутарилиши керак. Юқорига йўналган ахборот одатда ҳисобот, таклиф, тушунтириш хатлари кўринишида бўлади.

Горизонтал коммуникация бўлимлар ўртасида ахборот алмашуви вазифа ва ҳаракатларни бир йўналишда мувофиқлаштириш учун зарур. Ташкилотлар пастга ёки юқорига йўналган информациядан ташқари горизонтал коммуникацияга эҳтиёж сезадилар.

Рахбар ва буйсунувчи ўртасидаги коммуникациялар вертикал ахборот алмашинувига мисол бўлиб хизмат килади. Бу буйсунувчиларга вазифаларни, имтиёзлар ва кутилаётган натижаларни тушунтириб бериш, бўлим вазифаларини ечишда уларни жалб қилишни таъминлаш ва х.к.

Рахбар ва гурух ўртасидаги коммуникация раҳбарга гурух ҳаракатлари самарадорлигини оширишга имкон беради.

Норасмий коммуникациялар – бу миш-мишлар таркаладиган канал. Хар кандай яширин йўл билан олинган ахборот, норасмий таркалган (сартарошхонада, чойхонада) ноаниқ ахборот миш-миш ҳисобланади. Миш-миш каналлари бўйича ахборот тез таркалади ва раҳбарлар улардан фойдаланадилар. Кўпинча миш-мишлар тўғри бўлиб чиқади.

Ахборот алмашуви ташкилотларда кўпинча самарали эмас. Бундан ташқари, кўп холларда ахборот нотўғри тушунилади ва мулокотдагилар бир келишувни келишмайди. Бундай самарасизликнинг сабаби коммуникация – ахборот алмашинуви эканлигини унўтишdir. Алмашув жараёнида хар иккала томон актив роль уйнайди. Масалан раҳбар хизматчига вазифани тушунтириши, бу алмашувнинг бошланиши. Хизматчи раҳбар кутилаётган натижага нисбатан кандай тушунганини билдириши керак. Ахборот алмашуви бир томон ахборотни таклиф этиб, бошқаси қабул қилганда содир бўлади. Шундай бўлиши учун коммуникация жараёнига катта эътибор бериш керак.

Ахборот алмашуви жараёнида бир неча тўсиқлар мавжуд бўлиб, улар бошқарув самарасига катта таъсир кўрсатади.

- **Англаб олишдаги тўсиқлар.** Одамлар хакикатда атроф-мухитларида нима содир бўлаётгандарига эмас, балки содир бўлаётган сингари нимани англаш мумкинлигига таъсирланадилар. Шундай тўсиқлардан бири омилкорлик соҳалари, яъни ахборотни жуннатувчи ва қабул килувчи фикрлашларининг асослари, хамда одамларнинг ижтимоий келиб чиқишлиари ўртасидаги низолар сабабида келиб чиқади. Айнан бир хил бўлган ахборотни турли одамлар томонидан англанилиши турлича бўлади. Ахборот бизнинг тажрибамиз ёки олдиндан ўрнатилган тушунчамиз билан қарама-каршиликка кирган бўлса, ё тула инкор килинади, ё бундай тажриба ёки тушунчага мувофик бўзилиб кўрсатилади.

Ахборотни ўзатиш пайтида унга қўйиладиган асосий талаб – бу унинг ошкоралигидир.

- **Семантиқ түсікілар.** Одамлар ахборот алмашинуви жараёнида қуйидаги символлар билан алмашишилады: сўзлар, жестлар, интонация. Жўнатувчи хабарни вербал хамда новербал символлар ёрдамида кодлаштиради. Семантика сўзлар ва сўзлар орқали ўзатиладиган маъноларни қўллаш усулини ўрганади. Айрим сўзлар турли одамлар учун турлича маънога эга бўлиши мумкин ва турлича англаниши мумкин. Семантиқ кийинчиликлар одамларнинг символлар моҳиятини тушуниш усуллар зиддиятлари билан хам берилган бўлиши мумкин.
- **Новербал түсікілар.** Новербал коммуникацияда сўзлардан ташқари барча символлар ишлатилади. Масалан, нигохлар билан алмашув, юз киёфаси, табассум, юкори кутарилган кошлар, бармокларни ишлатиш, қўл билан оғизни ёпиб олиш, ланж туриш ва х.к. Новербал коммуникациянинг яна бир кўринишини шунда кўриш мумкинки, сўзларни биз кандай талаффўз киламиз: интонация, нутк равонлиги ва х.к. Хабарларнинг 55 % юз киёфаси, позалар, жестлар орқали англанилади, уларнинг 38 % эса интонация орқали.
- **Ёмон тескари алоқа.** Тескари алоқа жуда муҳим ҳисобланади, чунки қабул килувчи томонидан олинган хабарингиз дастлабки сиз юборган маънода хакикатан хам тушунтирилганлигини билиб олишга имкон беради.
- **Қўлок солишини билмаслик.** Агарда сизга вазифа, ишдаги янги имтиёзлар, иш процедураларининг ўзгарганлиги, иш билан боғлиқ муаммолар ёки бўлим ёхуд ташкилот самарадорлигини оширишга имкон берадиган янги гоялар тўғрисида хабар беришса, конкрет изхор килинаётган масалаларни қўлок солиб туриш муҳим бўлади.

Мулокот қилиш санъатини такомиллаштириш йўллари:

- Ўз ғояларингизни ўзатишдан олдин уларни тўғри аниқлаб олинг.
- Потенциал семантиқ муаммоларга таъсирчан бўлинг.
- Шахсий юриш-туришлар, жестлар хамда интонацияларнинг услуби устидан қўзатиб юринг.
- Эмпатия ва очиқликни ўрганинг. Эмпатия – бу ўзга одамлар туйгуларига эътибор бериш.
- Тескари алоқани ўрнатишга интилнг.

Бошқарувчи ташкилотдаги ахборот алмашинуви йўлида келиб чиқадиган тўсиқлар хамда бундай алмашинувни такомиллаштириш усуллари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши керак.

Ташқилий коммуникация тўсиқларини аввал кўриб утамиш:

1. Ахборотнинг бўзилиб етказилиши. Ахборот юқоридан пастга бир канча сабабларга кўра бўзиб етказилиши мумкин. Бирон бир бошқарувчи олинган ахборот билан рози бўлмаса, ўзи англаган холда уни бўзиши мумкин ва ўзи хоҳлаган маънода ўзлаштириши мумкин. Ахборот бузилиши юқоридан пастга ҳаракат қилиш давомида фильтрация натижасида хам содир бўлиши мумкин, яъни бир босқич бошқасига факат унга тегишли ахборотни бериши мумкин. Бундай танлов натижасида керакли ахборот етиб бормайди. Бундан ташқари босқичлар статуси тўғри келмаслаги сабабли ва юқори босқич юқори статусга эга эканлиги сабабли, уларни факат ижобий ахборот билан таъминлаш тенденцияси мавжуд. Бунинг натижасида раҳбар муҳим муаммо тўғрисидаги ахборотга эга бўлмаслиги мумкин.

2. Информацион юкланиши. Коммуникация каналлари тулиб кетиши хам ахборот алмашуви тусиги ҳисобланади. Раҳбар ахборотнинг кўплигидан энг асосийларини (у бўйича) ажратиб, колганларини этиборга олмаслиги мумкин.

3. Коникарсиз ташкилот структураси. Кўп погонали ташкилот структурасида ахборот бузилиши эҳтимоллиги ошади, чунки хар бир босқич тузатиш киритади. Коммуникацияда муаммоларни келтириб чиқарадиган бошқа аспектларга кумиталар, ишчи гуруҳлари, умуман кадрларнинг коникарсиз таркиби ва улардан коникарсиз

фойдаланиш, хамда коникарсиз хокимиятни ташқил этиш ва вазифаларни таксимлашни хам киритиш мумкин. Бундан ташқари, тўсиқлар турли гурухлар ўртасидаги конфликт хам чиқаради.

Ташкилотларда коммуникацияни такомиллаштириш:

1. *Информацион оқимларни тартибга солиши.* Раҳбар ўз информацион эҳтиёжларининг сифат миқдор томонларини баҳолашни ўрганиши керак.
2. *Маъмурӣ ҳаракатлар.* Раҳбар вақти-вақти билан ўз ходимлари билан бевосита алоқада бўлиши керак, масалан, янги режалар, стратегиялар вариантлари, мақсадларни хамда мўлжалларни аниқлаб олиш ва мухокама қилиш учун алоҳида сұхбатдан ташқари умумий мажлис ўтказиш.
3. *Тескари алоқа тизими.* Тескари алоқа тизимларидан бири – бу аниқ масалаларни мухокама қилиш мақсадида одамларни ташкилотнинг бир қисмидан бошқа қисмига ўтказиш.
4. *Таклифларни туплаш тизими.* Кўпинча бу тизим таклифлар учун мўлжалланган яшиклар вариантида амалга оширилади, унда фирма ишловчилари ўз таклифларини аноним тарзда беришади. Бундан ташқари телефон тармогини хам ўтказиш мумкинки, у орқали ишловчилар аноним тарзда телефон қилиб, лавозимни тайинлаш тўғрисидаги саволларни бериш имкониятини оладилар. Линияда эса берилган саволларга тезда жавоб бера оладиган менежерлар ишлашлари мумкин.
5. *Информацион бюллетенлар* (нашриётлар, видеоленталар).
6. *Замонавий информацион технология.* Информацион технологиялар соҳасидаги охирги ютуклар хам ташкилотларда ахборот алмашинувини такомиллаштиришга ёрдам бериши мумкин, яъни копьютерлар, электрон почта, телефон орқали бир вақтнинг ўзида бир неча кишига ахборот ўзатиш, видеоконференциялар ва хоказо.

МЕНЕЖЕРНИНГ КАСБИЙ ВА ШАХСИЙ СИФАТЛАРИ

Менежер – ўзига бўйсунган ходимларни профессионал тарзда бошқарувчи раҳбар. Профессионаллик қуидаги вазифаларнинг бажарилишини талаб этади:

- Максадларни, конкрет вазифаларини қуилиши ва уларга эришишнинг йўлини танлаш;
- Ишни ташқил этиш, тизим ва бошқарув тизимини самарали шакллантириш;
- Жамоага одамларни танлаш ва мотивлаштириш тизимини яратиш;
- Мехнат натижаларини улчашни, уларни таҳлил қилишни, баҳолашни ва шарҳлашни амалга ошириш;
- Ходимлар малакаси ўсишини рағбатлантириш ва ўзининг шахсий малакасини хам ошириш;
- Ташкилотда муносабатлар хамда хатти-ҳаракат қоида ва нормаларни ишлаб чиқиш. Менежернинг асосий жавобгарлик соҳалари стратегия, структура ва персонал хисобланади.

Менежер олдида тўрган вазифалар тўпламини таҳлил қилиш раҳбар эга бўлиши зарур бўлган асосий фазилатларни шакллантиришга имкон беради.

1. *Профессионал билимлар:* мутахассислик бўйича билимлар; умумий менежмент; ташкилот функциялари.
2. *Одамларни бошқарни маҳоратини аниқлаб берадиган фазилатлар:* ишонтириш кучи; ўзининг истагига эришиш қобилияти; хамкорликка тайёр туриш; хушёрлик ва интуиция; коммуникабеллик.
3. *Фикрлаш қобилияти:* аналитик ва яхлит фикрлаш; ижодий қобилиятлар; мантиқий холосалар чиқариш қобилияти.

4. *Мақсадға әришишігә қаратаған хатты-харакат*: катыйлик ва чидамлилик; харакатлар эркинлиги; ташаббус; карьеризм; стрессли вазияттарга тұра олиш қобилияти.
5. *Маъмурый қобилиятлар*: режалаштириш қобилияти; қарорлар қабул қилиш; ташкилотчилик қобилиятлари.

Менежмент ва тадбиркорлықдаги муваффакият. Ғарб мутахассислари баҳолашича, корхонанинг 90 % муваффакияти ёки муваффакиятсизлиги менежмент самарадорлигига боғлиқдир.

Тадбиркорликда 3 та шахслар гурухи асосий рол уйнайды:

1. Корхонанинг эгаси бўлган мулкдор;
2. Ишларнинг самарали олиб борилишига жавоб берувчи мулкдор томонидан ёлланган менежер ёки менежерлар гурухи.
3. Ишлаб чиқариш функцияларини бажарувчи менежер томонидан ёлланган персонал.

Бу гурухлар ўртасида аниқ чегараланиш йўқ. Менежер бошқарувчи ва корхона эгаси хам бўлиши мумкин.

Тадбиркорлик ривожининг муайян даврларида биринчи уринда муваффакиятни ташқил килувчиларга қўйилган.

Муваффакиятли корхоналар ракобатчилардан химояланмайдилар, балки улардан ўрганиб, истеъмолчилар учун кўрашишга интиладилар. Истеъмолчи учун кўрашишда асосий восита сифат бўлсада шу билан бирга савдо маркаси хам катта урин тутади.

Сотишини бошқаришни ташқил этиш соҳасидаги савдони «муваффакиятли ташкилотлар» биринчи уринда ташкилотнинг муҳим функцияси деб кўрсатадилар: улар бозорни ўзлариники ва бегонаникига бўлмайдилар, бошқа бозорларга чиқиш тўғрисида осон қарорлар қабул киладилар, бозор сегментини танлаб, уни тула эгаллашга интилиб, бошқаларни унга якин йўлатмайдилар, сотишини хизматларининг ахамиятини яхши тушунадилар, улар нарх шаклланиши идеологиясини ўзгартирганлар ва харажатлар механизмидан «коча» олганлар.

Муваффакиятли ташкилотлардаги бошқарув хам бир канча белгиларни ўзида мужассамлаштирган:

- Юқори звено раҳбарлари «вазифадан» мустақил ишлай оладиган кишилардан тўзилган;
- Бўлинмалар ва уларнинг раҳбарлари учун мустақил фаолият юритиш учун майдон яратилади, лёкин бунда уларга аниқ чегарагача йўл қўйилади, чунки марказлашган бошқарувнинг ҳақиқий дастаклари сакланиб колади;
- Мўлжалларни ўрнатиши, харакатларни мувофиқлаштириш ва назорат хамда назорат учун режалаштириш механизмлари ишлатилади.

Муваффакиятли ташкилотларда персонал билан ишлашга биринчи даражали ахамият берилади. Бу қўйидагича амалга оширилади: якин кунларда иш билан тула таъминлана олмайдиган ходимлар қисми ишдан бушатилади, бунда яхшилар кетмаслиги учун катый тартибга амал килинади: ривожланаётган кадрлар сакланиб, янгича ишлай олмайдиганлари ишдан бушатилади: супер кадрларни танлаб, янги одамлар ишга жалб килинади, корхона келажаги билан боғланган холда ўзларининг қарорларини тушунтиришга харакат килинади.

бошқарув илми ва амалиётидан олинган замонавий билимларга асосланган янги самарали менежментсиз, пайдо бўлган вазиятнинг спецификасини ҳисобга олмасдан, буни амалга ошириш кийин бўлади.

Менежер меҳнатини ташқил қилиш. Менежер меҳнатини ташқил қилиш талаби бўйича бошқарув аппаратидаги хар бир бошқарувчи иложи борича чекланган ва етарли

даражада бир хил ишга эга бўлиши керак. Бу конкрет амалий тажриба тупланишида ёрдам беради. Ихтисослаштиришда ходимнинг малакаси ошади.

Мехнатни кооперативлаштириш бошқарув органлари ва бошқарув аппарати бўлинмалари ишчилари орасида муносабатларни ўрнатишни такозо этади. Менежерлар меҳнатини кооперативлаштириш ва таксимлаш тизими бўлинмалар ҳақидаги низомларда ва бошқарув аппарати ходимларининг лавозим йўрикномаларида ўз ифодасини топади. Ташкилотлар тўғрисидаги қонун асосида ташкилотда ва унинг тизим бўлинмаларида хар бир раҳбар, мутахассис ва техник ходим учун аниқ лавозим йўрикномалари ишлаб чиқилади. Лавозим йўрикномалари ходимларнинг маъмурий ва функционал муносабатларини, хуқуқ ва мажбуриятларини, яккахокимлик тамойили асосида лавозимли шахсларнинг буйсунувчанлигини, берилган ишга жавобгарликни аниқлаб беради.

Ишлаб чиқаришни, меҳнатни ва бошқаришни мукаммаллаштириш билан боғлиқ бўлган ўзгаришларни ҳисобга олиш учун низом ва лавозим йўрикномаларини вақт-вақти билан тузатиб кўриб туриш керак. бошқарув иши технологиясида ҳужжатлар билан ишлаш (70 % иш вақти) катта ҳажмни эгаллайди. Бу ҳужжатлар оборотининг доимий рационализацияси зарурияти билан аниқланади.

Менежер меҳнатига, шунингдек, ахборотлар график жадвалининг рационаллиги ва корхонада ҳужжатлаштиришни ўtkазиш технологияси катта таъсир кўrsатади. Бундай катта таъсирни бирлаштириш эвазига ҳужжатлар окими инстанциялари сонининг қисқартиришини кўrsatiш мумкин, натижада асоссиз келишувлар тугатилади. Агар келишувлар зарур бўлса, унда ҳужжатлар окими кетма-кетлигининг ўзгаририлиши самарали ҳисобланади. Ҳужжатлар окими муддатининг қисқарилиши оким технологияси билан аниқланади ва рационал ўрнатилади. Раҳбар бошқаларга ишониб бўлмайдиган ҳужжатларга ўзи қўл қўйиши зарур. Анча вақтни хатлар тайёрлаш билан боғлиқ стандарт бланклар, текстлар қўлланилиши орқали (40-50 % гача) тежашга эришиш мумкин. Корхоналар ва ташкилотлар ўrtасидаги ёзишмаларда жавоб хати ёзиш урнига келган ҳужжатни жавоби билан қайта ўзатиш амалда кўп қўлланилади.

Усаётган ахборот ҳажми ва ҳужжатлар окими шароитида менежер меҳнатини механизациялаш, автоматлаштириш ва компьютерлаштириш катта ахамият касб этади. Мутахассислар фикрича 80 % га якин иш бошқарув аппаратида ташқилий ва ҳисоблаш техникалари ва алоқа воситалари ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Менежер шароитини мукаммаллаштириш йўлида асосий йўналиш бу иш жойини ташқил этиш ва иш характеристини, ишнинг ахамиятини, бўлинмаларининг функционал алоқаларини ҳисобга оловчи режалаштиришдир.

бошқарув аппарати ишчиларига шароит яратишда санитар-гигиеник нормаларга риоя қилиш, температура, намлик, ёргулар ва тўғри иш режими, дам олиш катта ахамиятга эга. Умуман, бошқарувнинг самарадорлиги раҳбарнинг ўз функцияларини муваффақиятли бажаришига боғлиқ. Замонавий менежердан янги илмий ва техник қарорлар қабул қилишни, бошқариш ва меҳнатни ташқил этишда илгор усувлардан фойдаланишни, ишлаб чиқариш захираларини ижодий излашни замон талаб этади. Менежер ўзида ташкилотчи, тарбиячи, изланувчи ва администратор хусусиятларини жам этиши зарур.

Ҳужжатлар билан ишлаш менежернинг жуда кўп вақтини банд этади. Кирадиган ахборотлар (хатлар, кўrsатмалар, ҳужжатлар ва бошқалар) анчагинани ташқил этади. Бу вазиятда ахборотни «фильтрлаш» жуда мухимдир. Раҳбарга факатгина айни дамда қарор қабул қилиши учун зарур бўлган ахборотлар йўналтирилиши керак. Бу босқичда раҳбарга котиб (секретарь) ёки реферант катта ёрдам бериши мумкин, чунки улар ахборотни бажарувчиларга таксимлайди. У барча бошқарув органлари ва бўлинмалар фаолиятини яхши биладиган малакали мутахассис бўлиши керак.

Имкони борича мавжуд қонун ҳужжатлари чегарасида ижрочиларга ҳужжатларни имзолашда хуқуқ бериш уринлидир. Бу раҳбарнинг буш вақтини кўпайтириб, ходимларнинг ташаббуси ва масъулиятини оширади.

Менежерлар фолиятининг 70 % ини турли мажлислар банд этади. Шунинг учун мажлисларни тўғри ташқил этиш учун қуийдаги талабларга амал қилиш зарур:

1. Мажлис мавзуси шундай масаладан иборат бўлиши керакки, бу масала факатгина жамоа билан хал этиладиган бўлсин. Мавзуни мухокама қилиш битта мажлис билан чегараланиши лозим.
2. Мажлис катнашчилари мухокама этилаётган масалани хал этиш учун етарли малака ва билимга эга бўлишлари зарур.
3. Мажлис мазмуни билан олдиндан барча катнашчиларни огох қилиш лозим, чунки уларга катнашиш учун етарлича материал тайёрлашга вақт керак бўлади.
4. Мажлис катнашчилар ўз иш кунларини тўғри режалаштира олишлари учун мажлис ўтказиш куни, жойи, вақтини олдиндан аниқ кўрсатиш лозим.
5. Мажлис раҳбари олдиндан мажлис мақсади ва уни ўтказиш шаклини уйлаб олиши зарур.

Шунингдек, мажлис процедураси, эркин расмий мухокамалар ўтказиш учун шароитларни яратиш хам мухимdir.

Раҳбар меҳнатининг самарадорлиги омилларидан яна бири қабул килинган қарорлар амалга оширилишини назорат қилишни ташқил этишdir. Назорат, раҳбарнинг доимий функцияси ҳисобланиб, унинг иш режасида ҳисобга олиниши зарур ва материаллар билан расмий танишиб чиқиш, шахсий маъруза учун чакирув, инспекцион ташрифлар характеридан иборат. Назоратнинг энг қўлай шакли маҳсус муддатли карточкалар ёрдамида топширикларни ҳисобга олиш ҳисобланади.

Раҳбар бошқарув аппарати ва коллектив учун тинч иш муҳитини яратиши зарур, чунки бутун бошқарув тизими ва ишлаб чиқариш самарадорлиги боғлиқ бўлади.

Менежернинг меҳнати, товар ишлаб чиқарувчиларнинг меҳнатини ажралмас қисми, менежментнинг функциялари оператив бажарилиши тўғри ташқил килинишига боғлиқ бўлади ва ишлаб чиқариш натижасига таъсир кўрсатади. Менежернинг меҳнати аклий, ижодий характерларни ўзида мужассам этади. бошқарув меҳнатини ишчилари бевосита моддий таъсир кўрсатмайди, аммо уларнинг меҳнати самарали бўлади. бошқарув меҳнатини натижаси эгри ҳисобланади, агар ишлаб чиқариш фаолияти меҳнат коллективининг кўрсаткичлари билан бошқарувчилик меҳнатининг ўзига хос хусусияти хам кийин, бир хиллари уни аниқ улчовини белгилаш мумкин эмас.

бошқарувчилик меҳнатининг предмети ишлаб чиқаришнинг моддий элементи эмас, балки ахборот, хар-хил ҳужжатлар, бошқарув ечимлари ҳисобланади. Менежер меҳнатида ва техник бажарувчиларнинг улуши - бу меҳнат харажатларини олиш учун ахборотни қайта ишлаш, таъминлаш ва саклаш асосий уринни эгаллайди. Битта буюм ишлаб чиқарувчининг таҳнологик операциясига бештагача ва ундан кўп операциялар тўғри келади.

бошқарув мақсадга йўналтирилган жараёндек, авваламбор инсонларни бошқаришdir.

Инсон ижтимоий-иктисодий жараёнларга таъсир этувчи асосий компонентdir ва хар кандай жамиятда у бир вақтнинг ўзида бошқарувнинг хам объект хам субъекти бўла олади. ҳар кандай инсон у эгаллаган лавозимидан катъий назар ваколатли органларда ўз аксини топган жамият томонидан бошқарилади. ҳар кандай даражадаги раҳбар ўзининг хохиши бўйича бошқармайди. Тенг хукуқли жамиятда жамият томонидан назоратдан хеч ким эркин эмас, хаттоки энг юқори даражали раҳбар хам, Президент хам жамиятнинг хар бир аъзоси бошқарилувчи ҳисобланади, чунки у маълум бир коллективга киради. Шу билан бирга жамиятнинг хар бир аъзоси бошқарувчи бўлиб ҳисобланади. У ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳужайининг, яъни мулкдорига айланади, шунинг учун у бутун иктисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёт билан бошқарувчи сифатида бўлиб чиқади. У ёки бу даражада у коллективнинг ишлари билан бошқаришда катнашади.

Жамиятнинг турли аъзоларининг иштироки бир хил босқичда бўлмайди. Кўпчилик ишга пассив катнашади, шу билан биргаликда турли жамоа-ташкилот ва комиссия аъзолари бўлиб ҳисобланади. Профессионал мухандислар гурухи хам бўлиб, ишлаб чиқаришни ташқиллаштирувчи, давлат, хўжалик органлари раҳбарлари ҳисобланади. Улар маҳсус бошқарув меҳнати билан шугулланиб, жамоа фойдали меҳнати турлари бўлиб ҳисобланади.

Менежер меҳнати ўзини ҳаракатларида, операцияларда, яъни инсонлар бошқарув жараёнида бажарганда жипслашади. У ёпик циклик формага эгадир. бошқарув жараёни куйилган мақсаддан бошланиб, вазифа ва вазифанинг ечилиши билан якунланиб, мақсадга эришиш билан тугайди. Масала ечилгандан кейин, мақсадга эришишда, яна бошқа вазифа куйилади, янги мақсад ва яна бошқарув жараёни бошланади.

Максад → ҳаракат → натижа → максад - ўзилмас бошқарув циклининг схематик кўриниши шундай.

Лёкин бунда бошқарув жараёни назарий жихатдан тўғри бўлади, амалиётда бошқарув кўпгина, бир-биридан фарқланадиган жаранларда намоён бўлши мумкин.

Корхоналарда менежер меҳнати кўпгина масалаларни хал қилишга қаратилган бўлади:

- техник, яъни ускуналардан фойдаланиши, ишлаб чиқариш майдонлари билан боғлиқ, ишлаб чиқаришни ташқиллаштириш ва х.к.;
- технологик, яъни лойихалаштириш ва технологик жараёнларни такомиллаштириш билан боғлиқ;
- иқтисодий, яъни корхона ички ва ташқи муҳитида иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришдир;
- ташқилий, яъни ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташқил қилишда бошқарув структурасини такомиллаштириш билан боғлиқ;
- ижтимоий, яъни ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш билан боғлиқ ва х.к.

Менежер меҳнати қуйилган мақсадга эришишдаги жамоа аъзоларининг ҳаракатини координация қилишга қаратилган. У корхона ривожида асосий урин тутади.

Шундай вазиятлар бўлганки, бунда янги тайинланган раҳбар заарар билан ишлаётган корхонани фойда келтирадиган корхонага айлантирган. Бу шундан далолат берадики, бошқарув девони хўжалик фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади.

Замонавий бошқарув ходимларининг характеристик хусусиятлари - юксак профессионалзм ва ишбилармонлик хусусиятлари, бошқарув билими асослари ва иқтисодий фикр юритишдан хабари бўлиши керак. Юксак маърифатли ва маданиятли, демократик, моҳирлик ва халқка хсоб кила олиш, халкнинг эҳтиёжини билиши керак. Бундан ташқари мақсадни кўра олиш ижтимоий муаммоларни еча олиш, коллективни яратса олиш ва йўналтириш хусусиятларига эга бўлиши керак.

Бозор иқтисодиётiga кириб боришнинг стратегик кўрси янги ёндашувчilarни талаб килади. бу талаблар асосан иқтисодиётда, бошқарувда ва ижтимоий муаммолар ечимида намоён бўлади. Инсоният бўлмаган ёки катнашмайдиган юқори технология ва механизmlар кераклича таъсирчан бўла олмайди. Менежмент системасида хўжалик механизмининг ислоҳоти асосий омил бўлади, бундан ташқари фаолиятчанлик ва таъсирчанлик ислоҳотлари бошқарув кадрлари яъни менежерлар томонидан аниқланади.

Бозор иқтисодига утган, ишлаб чиқаришда структурали силжиш, илмий-техник ютукларни амалда қўллаш, хўжаликнинг ижтимоий ахамиятининг ўсиши, жамиятнинг демократизациялаштирилувчи, бўларнинг хамааси менежер ишланини кийинлаштиради ва бир катор ислоҳотлар талаб килади.

Хўжалик механизмининг хар кандай ислоҳоти онгимиздаги эскича фикрлашнинг инкор этилишидан бошланади: Янги вазифаларнинг аниқ тушунилишини талаб килади.

мақсад ва вазифалар белгиланғанидан сунг, бўларнинг амалиётда қўлланилиши кўп томонлама бошқарув аппаратига боғлиқ.

Кадрлар танланиши шунака жараёнки, мансабнинг талабларига жавоб берадиган кишиларни кидириш. Айни пайтда бу танлов орқали уларни рационал жойлаштириш муаммоси хам хал килинади. Кадрлар жойлаштирилуви, энг юксак ишлаб чиқарувни таъминлаш мақсадида, уларни (кадрларни) мақсадга мувофик шаклда бошқарув аппаратида жойлаштирилувига боғлиқ.

Кадрлар танлови, бозор шароитида ишлай оладиган кишилар ва уларда коллектив юзага келтириш билан боғлиқ. Бозор иқтисодиёти муносабати менежерлардан, тадбиркорлик ва тез қарор қабул қилишни талаб килади. муҳим бўлгани нафакатгина ислоҳот тамойилларини умумий тушуниш, балки уларни кадрларни хар кунги ҳаётида ишлата олиш, ишнинг тарзини ва услубини ўзгартира олиш. Бўларни инобатга олган холда маъсулиятли фаолият кўрсатиш, янги хуқуқлардан фойдаланиш ва сезиларли даражада интизомни мустахкамлаш керак.

Менежерлар яхши тактиккина бўлиб колмай, стратег хам бўлишлари керак. Улар бозор эҳтиёжларини инобатга олишлари, бозорнинг шаклланишида таъсири этиш, талабдаги ўзгаришга эгилувчан шаклда жавоб бериш, у мақсадни аниқ тасаввур кила олиш, эртанги кун муаммоларини ечиш учун бугундан тараддуд кўра олиш, техник ютуқ ва иқтисодий ижтимоий ривождан орқада колмаслик учун ва самарали хўжалик юритиши кера. Бунга эришиш учун иктидорли бошқарув аппаратига эҳтиёж сезилади. Бозор шароитларида яхши натижаларга эришиш учун.

Бошқарув мансабига тавсия килинаётган кишининг ишбилармонлик ва кишилик хусусиятларини баҳолаш, авваламбор шартнома тўзилиши керак. Бугунги кунда кадрлар фаолиятчанлигини баҳолашда аттестация усули кенг таркалган. Ушбу аттестацияни ўтказиш учун раҳбар буйргуи билан раис, секретарь (котиб) ва бошқалардан таркиб топган аттестация комиссияси тўзилади. Ушбу комиссия таркибини юқори малакали мутахассислардан, имтихон бўлаётганларнинг бевосита раҳбарларидан, юқори малакали ишчилардан ва жамоа ташкилотлари вакиллари ташқил этади. Аттестация бўлаётган хар бир кишига ўзининг раҳбари характеристика тўзади, бу тавсифномада уша кишининг ижтимоий ва иш фаолияти ўз аксини топади.

Аттестация бўлаётган ишчи аввалдан, (бир хафта олдиндан) тавсифнома билан танишиши шарт. Комиссия ушбу материалларни кўриб чиқади, аттестация бўлаётган кишини тинглайди ва қарор беради:

а) ўзининг мансаби талабларига жавоб беради;

б) ўзининг мансаби талабларига жавоб беради иш шароити яхшилаганида ва комиссиянинг тавсияларини бажо келтирганида, 1 йилдан сунг қайта аттестация килинади;

в) ўз мансаби талабига жавоб бермайди.

Комиссия баъзи ишчиларни мартабасини юксалтиришга ва баъзи хизматлари учун тақдирлашга ва бошқа ишга ўтказишга тавсия қилиш мумкин.

Менежерларнинг ишбилармонлик ва шахсий хусусиятларини яна хам объектив баҳолаш учун аттестациядан ташқари бошқарув амалиётида уч гурухга бўлинадиган турли хил усувлар қўлланилади:

1 гурӯҳ. Ходимнинг ишбилармонлик ва шахсий хусусиятларини баҳолайдиган, объектив характерга эга бўлган таъриф берувчи ёки сифат усувларини ўз ичига олади. Уларга «кадрлар ҳисоб вараги» ва «Автобиографиядаги» бошқарувчи талабига дайвогарлик килувчи кондидатнинг биографик маълумотларини ўрганиш, раҳбарлардан уша одам ҳакида маълумот йигиш киради.

2 гурӯҳ. Ходимнинг ишбилармонлик ва шахсий хусусиятларини етарли даражадаги объективликдан микдорий баҳосини аниқлаш таъминлайди. Энг қўп таркалган усул балл бўйича баҳолаш усулидир. Бу усул бўйича ходимнинг хар бир бажарган вазифаси ва

эришган ютукларига қараб баллар қуиилиб борилади ва унинг ўртача балли чиқарилиб аниқланади.

З ғурӯҳ. Юқоридаги 2та ғурӯҳни яъни таъриф берувчи ва микдорий усувларни ўз ичига олади. Улардан энг кўп таркалгани тест усули бўлиб, олдиндан тайёрлаб қуиилган масалалар натижаларига қараб баҳо берилади. Ишбилармонлик уйинлари усули - қуиилган ишлаб чиқариш масаласи ёки низоли вазиятга берилган тўғри жавобга қараб баҳо қуиилад. Раҳбарлар ва мутахассисларнинг ишбилармонлик ва ва шахсий хусусиятларини балл бўйича баҳолаш учун ходим хусусиятларини балл бўйича баҳолаш ёки аттестация ўтказиш билан аниқлаш мумкин. Бунинг учун ходимнинг ишбилармонлик ва шахсий хусусиятларини баҳолаш учун энг камида 2 та қўл остидаги ишчиси, 2 та раҳбари ва 2 та хамкасбини баҳолашларини ҳисобга олишади. Охирги натижавий баҳони комисия беради. Кадрларни баҳолаш критерияси битта бўлиши керак, яъни конкрет ишлар.

Аттестация менежерларнинг ишбилармонлик ва шахсий хусусиятларини баҳлаш усули бўлиши билан бирга уларни қайта тайёрлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Менежерни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш - бу таълимнинг илми асосланган системаси бўлби маълум соҳада фаолият кўрсатиш учун билим, тажриба ва йўл йўрик ургатади.

Менежерларни қайта тайёрлаш ва тайёрлашдан асосий мақсад уларнинг назарий билимларини ошириш, фан ва техника соҳасида эришилган ютукларини тула-тукис камраб олиш, бошқариш ва ишлаб чиқаришни ташқил этишдан иборат.

Бозор иқтисодиёти кадрлар тайёрлаш тизимида янги талаблар куяди, бу тизимда университет ва институтлар алоҳида урин эгаллаши лозим, олий ва ўрта маҳсус укув юртларида янги типдаги, иқтисодиётни яхши билувчи, бошқарувнинг иқтисодий, ижтимоий-психологик усувлари ва техника воситаларини қўллай олувчи менежерлар тайёрланиши лозим.

бошқарувни ислоҳот қилиш шароитида укув жараёни мазмуни ва уни ташқил этишга ишлаб чиқариш даражаси ўсиши ва хўжалик юритишнинг бозор утилишини ҳисобга олган холда янгига ёндашув қўлланилади. «Корхоналар тўғрисида» қонунда таъкидлаб утилганидек: «Корхона кадрлар касбий маҳорати ва маданий даражаси ўзлуксиз усиб бориши ҳакида доимо гамхурлик килади, ходимлар малакаси ва ишлаб чиқариш манфаатларини ҳисобга олган холда улар лавозимини ўзгартириб боради. Бу мақсадда корхона кадрлар тайёрлашни амалга оширади ва бевосита ишлаб чиқаришда укув юртларида ходимлар малакасини оширишга имкон яратади, укув-услубий базани кенгайтиради, бизнес мактаблари, кўрслар, марказлар ташқил этади. Корхона укув жараёнини иш билан қўшиб олиб бориш учун зарур шароит яратади ва қонунда қўзда тутилган имтиёзлар беради. Ишчилар ўз хошишларига кўра ўрта маҳсус ва олий укув юртларига, шунингдек стипендия тулаш шарти билан аспирантурага юборишлари мумкин. Корхона ёшларни меҳнатга тайёрлаш, касбга кизикишларини шакллантиришда укув юртларига ёрдам кўрстади».

Мутахассис эгаллаган билимлар тез эскиргани сабабли, уни доимо такомиллаштириб бериш лозим. Агар раҳбар ўз билимини такомиллаштириб бормаса, эски билимларига таяниб колиши, ишлаб чиқариш бундан зарар қуриши мумкинлигини тажрибада қуриш мумкин. Олинган маҳсус билимга доимо тулдирилиб борилиши лозим бўлган асос сифатида караш керак. Бозор муносабатлари шароитида техник маълумотга эга бўлган ишлаб чиқариш раҳбарлари айникса иқтисодиёт, маркетинг, ишлаб чиқаришни ташқил этиш ва бошқариш масалаларини чукўр ўрганишлари керак.

Ўз дунёқарашини кенгайтириш бўйича мустақил ишлаш хам катта ахамиятга эгадир.

Менежер меҳнатини ташқил этишда бошқарув аппаратидаги хар бир ижрочининг иши чекланган ва нисбатан бир турда бўлишига эришиш талаб килинади. Бу меҳнат унумдорлиги ортиши, иш сифати яхшиланиши ва хар бир ижрочи тажрибаси ортиб

боришига имкон яратади. Ихтисослашув мажбуриятлар доирасини шундай белгилаш лозимки, бунда хар бир ишловчи масаласи имкони борича түлиқ ишга солинсин.

Мехнатни кооперация қилиш бошқарув ташкилотлари билан бошқарув аппарати турли бўлинмалари ходимлари ўртасида алоқа ўрнатилишини кўзда тутади. бошқарув жараёнида, хам шу корхонада, хам ундан ташқаридаги алоҳида ходимлар, хизмат ва бўлинмалар фаолияти бирлаштирилади.

Менежерлар меҳнати таксимлаш ва кооперация қилиш йўллари таркибий бўлинмалар ҳақида қоидалар ва бошқарув аппарати ходимлари лавозим қўлланмаси томонидан белгиланган бўлади. «Корхоналар тўғрисида» қонун асосида корхона ва унинг бўлинмаларида хар бир раҳбар, мутахассис ва техникавий ижрочи учун лавозим қўлланмалари ишланади. Лавозим қўлланмалари, хуқуқ ва мажбуриятлари якка бошчилик тамойили асосида мансабдор шахсларнинг буйсунуши, топширилган вазифа учун жавобгарлиги белигланади.

Лавозим қўлланмалари ва қоидалар даврий равишда қайта кўрилиб, ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқарув жараёнлари такомиллашиб борганлигини ҳисобга олган холда тузатилиб, тулдирилиб берилиши керак.

Бошқарув аппарати меҳнатини макбўллаштиришга ягона ёндашувни таъминлаш мақсадида таъриф-малака маълумотномаси хам қўлланилиб, уларда ходимлар бажариши лозим бўлган ишлар ҳажми мураккаблиги, раҳбарлик лавозими турли бошқарувчилик вазифаларини бажарувчилар учун талаб этиладиган даража хамда иш стажи кўрсати лади.

Бошқарув иши технологиясида иш вақтининг катта қисми (70%) хужжатлар билан ишлашга сарфланади. Шу сабабли хужжатлар алмашинувини доимо такомиллаштириб бориш лозим.

Менежер меҳнатига, шунингдек, корхона ва ташкилотда ахборот оқимлари йўналиши ва хужжатлар айланиш технологияси макбўллиги хам катта таъсир кўрсатади. Бу ерда хужжатлар утадиган босқичлар сонини уларни бирлаштириш натижасида қисқартириш катта самара бериб, натижада асосланмаган мувофиқлаштирув бартараф этилади. Агар мувофиқлаштириш муҳим бўлса, хужжатлар ўтиш босқичлари урнини алмаштириш хам яхши натижада беради.

Хужжатлар алмашинувига кетадиган вақтни қисқартириш мақсадида улар ўтиш технологияси белгиланади, ахборот ўзатилишининг макбўл йўллари белгиланади. Раҳбар факат бошқаларга топшириш мумкин бўлмаган хужжатларга имзо чекади. Хатлар тайёрлаш билан боғлиқ иш вақтини тежашда маҳсус намунали матнлар стандарт бланклардан фойдаланиш катта ахамиятга эга. Корхона ва ташкилотлар ўртасида ёзишмаларда келган хужжатни жавоби билан қайтариш кенг қўлланилади.

Хужжатларни бир хиллаштириш ва стандартлаш - менежер меҳнатини ташқил этишининг муҳим йўналишидир. Стандарт бланкларни қўллаш хатолар камайишига ва натижада бошқарув харажатлари қисқаришига олиб келади.

Ахборот ҳажми мунтазам ортиб бораётган шароитда менежер меҳнатини механизациялаш ва автоматлаштириш айникса муҳимдир. Мутахассислар фикрига кўра бошқарув аппаратида ташқилий ва ҳисоблаш машинаси, алоқа воситалари ёрдамида 7% ишни механизациялаш мумкин экан. Менежер меҳнатини такомиллаштиришнинг муҳим ёуналиши иш жойини макбўл ташқил этиш ва энг аввало, меҳнат ҳусусиятларини бўлинмалар ўзаро алоқасини ишлар муҳимлигини ҳисобга олган холда жойлаштиришдир. Иш столлари, ускуна, жавон, картотекалар кўлай ва кўл етадиган қилиб жойлаштирилиши керак.

Иш жойлари жойлаштирилиши ва уларни техника воситалари хамда ёрдамчи ускуналар билан жихозлашда ўзлуксиз ишлашни таъминлаш талабларини ҳисобга олиниши керак. Тажрибадан маълумки, иш жойини технология, эргономика, психофизиология, эстетика талабларига мувофик жойлаштириш меҳнат унумдорлигини ошириш (50% ва ундан кўпга) имконини беради.

Бошқарув аппарати меҳнати учун санитар-гигиена мейрлари, температура, намлик, ёргулар мейрлари, шовкин даражаси, шунингдек меҳнат ва дам олиш тартибларини ҳисобга олган холда шароит яратиш муҳим ахамиятга эга.

Меҳнат унумдорлигига - психологик омил, ходимлар ва раҳбар, шунингдек ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар хам катта таъсир кўрсатади. Уларнинг кайфияти, меҳнат фаоллиги, охир натижада меҳнат натижалари бу омилга боғлиқ бўлади.

Бошқарув самарадорлиги асосан раҳбар ўз вазифасини канчалик муваффакиятли бажариш билан боғлиқ бўлади. Хозирги давр менежери меҳнат ва бошқарувни ташқил этишнинг янги илмий ва техникавий ечимлари, усусларини қўллаши, ишлаб чиқариш имкониятларини иқтисодий равишда кенгайтириши лозим. Менежер хам ташкилотчи, тарбиячи, хам изланувчи, маъмуриятчи сифатларига эга бўлиши керак.

Менежерлар томонидан қабул килинадиган қарорлар мураккаблиги ва жавобгарлик ортиши бажариладиган ишлар турли - туманлиги улардан вақтни унумли таксимланиши талаб киласди. ўз фаолиятини режалаштиришни билмайдиган, факат жорий масалалар билан шугулланувчи менежерлар фактат бошқарув жараёнида вужудга келувчи у ёки бу вазият натижаларини таҳлил қилишгагина улгурууб, келажакда килиниши лозим бўлган ишларни хал этиш учун вақт тополмай коладилар.

Менежер фаолияти мақсадини белгилашда аввало ундан юқорирок бошқарув тизими олдида тўрган вазифалардан келиб чиқиши лозим, чунки акс холда бутун тизим фаолиятига тўғри келмайдиган (ёки қарама-карши) иш қуриши мумкин.

Раҳбар иши суръатининг тезлиги унинг меҳнат фаолияти тулаконли дам олиш билан, шунингдек иш куни давомида меҳнат турлари алмашинишини талаб этади, чунки фактат шундай килинганда меҳнат юқори самарали бўлиши, иш қобилияти тўлиқ тикланиши мумкин.

Менежер меҳнатида макбўл иш суръатини ўрнатиш, у амалга оширувчи ҳаракатларнинг доимий тартибини ўрнатиш жуда муҳимdir.

Менежер иш вақтининг катта қисми хужжатлар билан ишлашга сарфланади. Олинувчи ахборот (хат, фармойиш, хужжат ва х.к.лар) ҳажми жуда катта. Бундай холда ахборотни «фильтрдан» ўтказиш жуда муҳимdir. Раҳбарга фактат у хал қилиши мумкин бўлган ахборот берилиши лозим. Бу босқичда раҳбарга ахборотни ижрочилар ўртасида таксимловчи котиб ёки ёрдамчи (референт) катта ёрдам қўрсатади. У малакали ходим бўлиши, бошқарувнинг барча бўлинмалари ва ташкилотлари фаолияти хусусиятини билиши лозим.

Раҳбар ва унга буйсувчи бошқарув аппарати ўртасида мажбуриятларни макбўл таксимлаш раҳбар иш авқтини самарали сарфлашда имкон беради. Ижрочиларга мавжуд қонунчилик доирасида иложи борича кўпроқ хужжатга имзо чёкиши учун имкон бериши керак. Бу раҳбар вақтини тежаш, ижрочилар ташаббускорлиги ва жавобгарлигини ошириш имконини беради.

Менежерлар фаолиятида турли-туман йигилиш ва мажлислар муҳим урин эгаллаб, уларга иш вақтининг 70%и сарф бўлади. Шу сабабли, мажлисларни тўғри ташқил этиш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш лозим.

1. Мажлиса кўриладиган масала фактат жамоа томонидан хал этиладиган муаммодан иборат бўлиши керак. Бу муаммо битта мажлис давомида хал этилиши лозим.

2. Мажлис катнашчилари мухокама этилаётган муаммо бўйича етарли тажриба ва билимга эга бўлишлари керак.

3. Мажлиса кўриладиган масалалар мавзуси катнашчиларга улар тайёргарлик қуриш учун вақтга эга бўлишлари учун аввалдан эълон килиниши лозим.

4. Йигилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой аввалдан кўрсатилиши лозим, чунки унинг катнашчилари ўз иш вақтларини режалаштиришлари керак.

5. Йигилиш раҳбари аввалдан йигилиш мақсади ва ўтказилиш шаклини белгилаш лозим.

Йигилиш ўтказилиш тартиби, эркин, ишчан мухокама учун шароит яратиш хам мұхимдир.

Рахбарнинг күплаб мажбуриятлари ичидә ташриф килувчиларни қабул қилиш ва сұхбат ўтказиши алохидә ажратиб күрсатиши лозим. Құл ортида ишловчилар ташаббуси билан қабул қилиш учун алохидә вақт ажратиши мұхимдир, чунки «очиқ әшиклар сиёсати» ташқаридан демократик хусусиятта әга бўлсада, иш вақтини нотўғри сарфлашга олиб келади. Сұхбат давомида раҳбар саволлар бериш йўли билан ходимлардан улар ниятини аниқ билиб олиши, ўз илтимос ёки таклифларини асослаб беришига интилиши керак. Агар сұхбат раҳбар ташаббуси билан амалга ошадиган бўлса, ходим сұхбат вақти ва мақсади ҳақида маълумотга әга бўлиши керак. Бу х одимга масала мазмуни бўйича тайёргарлик қуриш психологик танглиларга дуч келмаслик учун имкон яратади. Сұхбат давомида ўзаро ишонч мұхитини яратиши у муваффақиятли бўлишига имконият беради. Бунда раҳбар мұхбат мақсади ва ходимнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиши керак. Сұхбат охирида раҳбар албатта мухокама этилган масала бўйича эришилган натижага ва уни кейинча хал этиши ўйларини кайд қилиб қўйиши керак.

Раҳбар меҳнати самарадорлигининг мұхим омилларидан бири - қабул килинган қарорларни бажарилишини назорат қилиши ташқил этишдир. Назорат раҳбарнинг доимий вазифаси бўлиб, унинг иш режасида ҳисобга олиниши лозим, хамда материаллар билан танишув, шахсан маълумот бериш учун қабул қилиш, инспекция қилиш йўли билан амалга оширилади. Назорат қилишнинг қўлай шакли - топширикларни маҳсус муддатли карточкалар ва перфокарталар воситасида ҳисобга олишдир.

Раҳбар бутун жамоа ва бошқарув аппарати осойишта ишлаши учун шароит яратиши лозим, чунки бутун бошқарув тизими ва натижада бутун ишлаб чиқариш самарадорлиги шу нарсага боғлиқдир.

ХОДИМЛАРНИ БОШҚАРИШ

Иқтисодиётни бошқариш ишлаб чиқаришни бошқаришигина эмас, балки кишилар, улар мұносабатлари, шу жумладан, ижтимоий мұносабатларини хам бошқариш демакдир. Кенг маънода иқтисодий мұносабатлар хам ижтимоий мұносабатларни билдиради, чунки улар кишилар ўртасидаги мұносабатларни билдиради. Ижтимоий мұносабатларнинг иккинчи даражаси - ишчилар, дехконлар ва зиёлилар ўртасидаги, миллатлараро ва миллатлар ичидаги мұносабат, шахар ва кишилек ўртасидаги мұносабат, аклий ва жисмоний меҳнат билан шугулланувчилар ўртасидаги мұносабатлардир. Ижтимоий мұносабатларнинг туртинчи даражаси - меҳнат жамоалари ўртасидаги ва жамоа аъзолари мұносабатларидир. Ижтимоий мұносабатларнинг бу уч даражаси бир-бiri билан чамбарчас боғлиқ. Ижтимоий бошқарувнинг хар бир даражасининг обьекти - инсон. Ижтимоий мұносабатларни бошқариш - инсонни, кишиларни бошқаришдан иборатдир. Ўз навбатида, ижтимоий мұносабатлар мөхиятини акс эттирувчи инсонни бошқарув бу мұносабатларни бошқариши билдиради.

Корхона фаолиятида асосий уринни ишлаб чиқариш жамоаси эгаллайди. Корхона фаолияти самарадорлиги кадрлар танлашга, улар топширилган вазифага кай даражада унумли меҳнат қилишларига боғлиқдир. Кишиларни бошқариш қўйидагиларни кўзда тулади:

- ҳар бир инсоннинг ижтимоий ахамияти, ишлаб чиқаришдаги урни, вазифалари, хукук ва мажбуриятларини белгилаш. Киши томонидан эгаллашувчи урин жамоа хал этувчи масалалар, кишининг тайёргарлик даражаси қобилият ва кизикишларига боғлиқ бўлади. Бу урин турли хукук, техника-технологик меёрга ва ваколатлар билан белгиланади;

- ҳар бир инсон ўз ижтимоий урни, вазифаси, мажбурият а хуккўларини билиши. Бунга илм олиш, тарбия, мұтоала орқали эришиллади;

– ҳар бир инсон ўз ижтимоий вазифасини бажариш, бунга энг аввало моддий ва маънавий рағбатлантириш тизими, унинг умумий ва касбий тайёргарлиги, интизомлилиги ва жавобгарлик даражаси билан эришилади. Киши маълум бир жамоа аъзоси бўлгани сабабли унинг эгаллайдиган ижтимоий урни кўп жихатдан жамоага боғлиқ бўлади.

Жамоанинг ижтимоий ривожланишига инсон ҳаёти билан боғлиқ хал килиниши лозим бўлган масалалар мажмуи, иқтисодий ва ижтимоий масалалар тўплами сифатида қаралади.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналар иқтисодий ва ижтимоий масалаларни хал этишда анча эркинликларга эга бўлдилар. Корхона жамоаси ўз маблаги билан ўзи мустақил равишда фойдаланиш хукукига эга, жамоанинг ҳар бир аъзоси унинг ва у окали бутун жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий маънавий масалаларни хал қилишда фаол катнашиш учун кенгрок имкониятларга эга бўлади. Корхона жамоаси техникавий иқтисодий кўрсаткичлар билан бир каторда ўз ижтимоий муаммоларини ечишга хам ҳаракат килади. бу асосан корхонани ижтимоий иқтисодий ривожланиши бўйича икки гурухга бўлинувчи тадбирлар воситасида амалга оширилади. *Биринчи гуруҳ тадбирлар жамоа ижтимоий таркибини кайта ташқил этишга қаратилган*. Фан техника ютукларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш билан унинг самарадорлиги ортади, ишловчилар малакаси, маданиятига бўлган талаб ортади, янги касблар вужудга келиб, эскилари йуколиб боради.

Фан техника тараккиёти, механизациялаш ва автоматлаштириш кўпчиликни олдин шугулланган ишидан бушатади. Качон, канча ишчи ишдан бушаши, уларнинг канчасини кайта тайёрлаш, каерга ишга жойлашни олдиндан кўра билиш зарур.

Бозор муносабатларига ўтиш шунингдек, ишловчилар ижтимоий табакаланувига ўзгартириш киритади. Бозор иқтисодиёти учун тадбиркор, меҳнат ижодий ёндашувчи, билимларини қўллай олувчи, менежмент, маркетинг, ва бизнесни билувчи кишилар керак. Ижтимоий ривожланиш тадбирлари ичida кадрларни барқарорлаштириш ва уларнинг кунимсизлигини тугатиш бўйича тадбирлар алоҳида урин эгаллайди.

Икkinchi гуруҳга кирувчи тадбирлар ишчилар моддий фаровонлигини ошириш(иш хакини тартибга солиш, моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш), маданий-маиший ҳаёт шароитини яхшилашга (яшаш шароити, маданий майший хизмат кўрсатиш, умумий овкатланиш, дам олишни ташқил этиш ва х.к.) қаратилгандир.

Ижтимоий ривожланиш бўйича тадбирлар иқтисодий жихатдан асосланган ва техникавий-иктисодий тадбирлар билан ўзвий боғлиқ бўлиши керак. Бошқа томондан техник иқтисодий тадбирлар ижтимоий тадбирларни амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат килади ва меҳнат жамоаси аъзолари эҳтиёжлари ва манфаатларини хар томонлама кондиришга қаратилган бўлиши керак. Шундай қилиб, меҳмент жамоасининг ижтимоий ривожланиши корхона умумий бизнес-режасининг таркибий қисмидан иборатдир.

Корхонани муваффақиятли бошқариш учун меҳнат жамоасида нормал руҳий шароит яратиш, хамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабати ўрнатиш, интизомни мустахкамлаш ва жамоа олдида жавобгарлик хиссини тарбиялаш зарур. Инсон шахсиятига унинг имкониятлари ва талабларига эътиборни кучайтириш хам муваффақиятли бошқарув горовидир. Корхонани ижтимоий бошқаришда бутун бошқарув аппарати, раҳбар эса айникса айникса фаол иштирок этади. Бунда бошқарувнинг функционал ташкилотлари - корхона ижтимоий-психологик хизмати, социолог, психолог, кадрлар бўлими алоҳида урин эгаллайди.

Хозирги пайтда факат йирик корхоналарда ижтимоий психологик хизматлар мавжуд бўлиб, улар вазифаси маҳсус тадқиқот олиб бориш билан чеклангандир. Кичик ва ўрта корхоналарда социологик изланишлар билан деярли шугулланилмайди.

Шу сабабли барча корхоналарда ижтимоий-психологик хизматлар ташқил этиш долзарб масала бўлиб ҳисобланади. Бу бўлинмалар ижтимоий ахборот билан таъминлаш,

турли тавсиялар ишлашдан ташқари маълум билим бериш бошқарув ходимларига ижтимоий бошқарув бўйича билим бериш, меҳнат жамоаси аъзоларига муомала маданиятини ургатиш, энг кўп руҳий вазифа юқлатилган бошқарув кадрларини аниқлаш ва х.к.лар билан шугулланиши мумкин.

Меҳнат, ҳаёт, саломатлик шароитини яхшилаш, меҳнат жамоаси аъзоларини мажбурий тиббий сугурталашни кафолатлаш масалалари ижтимоий ривожланиш масалалари билан биргаликда меҳнат ва фукаролик кодексига мувофик хал этилиши керак.

Корхонани ижтимоий бошқаришда бошқарувнинг ижтимоий-психологик усуллари кенг қўлланилиб, уларни билиб қўллаш корхонада руй бераётган ижтимоий ходисаларни чуқур ўрганиш, ишловчилар кайфияти-нерв тизимига таъсир этувчи психологик омилларни билишни талаб этади. Бошқарувнинг ижтимоий психологик муаммолари ҳаёт, инсон ҳаёт тарзи хар томонлама ўзгариш унинг маданий ва билим даражаси ортиши билан долзарблиги ортиб бормокда.

Бозор иктисадиёти ижтимоий вазифалар қўллашни кенгайтиради, чунки хозирги даврда меҳнат самарадорлиги факат ишлаб чиқаришнинг техника билан кўролланиш даражасига эмас, балки, ишлаб чиқариш жамоаси ижтимоий таркиби, жамоада кишилар муносабатини бошқариш даражаси, ишловчилар фаоллиги даражасига хам бўлилк. Шунинг учун жамоа ижтимоий ривожланиши, юқори унумли меҳнат учун қўлай шароит яратишга алоҳида эъитбор бериш керак.

«Корхоналар тўғрисида»ги Қонунда корхона ўз ишчилари ва уларнинг оиласлари меҳнат ва майший шароитини яхшилашга, улар манфаат ва эҳтиёжларини кондириш тўғрисида гамхурлик қилиши зарурлиги таъкидлаб утилган. Жамоа ижтимоий эҳтиёжларини кондириш эҳтимоли корхона иши натижалари, жамоа даромади билан белгиланади. Корхонада ижтимоий ривожланиш масалалари барча меҳнат жамоаси аъзолари бевосита иштирокида хал этилади.

Кишилар жамоасини бошқариш учун инсон хулқи нимага боғлиқлиги, ўз ҳаётида нимага асосоланишини билиш зарурдир. Киши хулқи, фаолияти. Ҳаракатлари англанган, бирор мақсадга қаратилган бўлади. Бирор ҳаракатни рағбатлантирувчи куч - моддий ва маънавий эҳтиёжлардир. Лёкин, инсоннинг барча ҳаракати хам ўз эҳтиёжини кондришга қаратилмаган. Масалан, инсон маълум моддий ва маънавий бойликларни факат ўзи истеъмоли учун яратмайди.

Инсон эҳтиёжи билан ҳаракати, хулқи ўртасида катор бевосита ифодаланувчи бўғинлар мавжуд. Бўлар манфаат, хоҳиш, кизкишдир. Маълум шароитларда улар инсон хулқини рағбатлантирувчи кучга айланади. Рағбат ҳаракат қилишни қарор қилишга оилб келса, қарор ҳаракатга олиб келади.

Инсон хулқига ижтимоий муҳит, моддий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари хам таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш истеъмолчида эҳтиёжни вужудга келтиради ва бу билан инсоннинг бу эҳтиёжларни кондириш воситаларини яратишга қаратилган меҳнат ва маънавий фаоллигини рағбатлантиради. Инсон хулқини белгиловчи омиллар тизимини куйидагича тасаввур қилиш мумкин:

- ижтимоий ва табиий муҳит (ишлаб чиқариш, ижтимоий муносабатлар, тарбия тизими, маданият, табиий шароит ва х.к.);
- эҳтиёжлар (моддий ва маънавий);
- эҳтиёжларни манфаат, истак, интилиш, мақсад ва х.к. шаклида англаш;
- ҳаракатга рағбатлантириш;;
- йўл-йурик (ички мобилизация, амалий ҳаракат қилишга тайёргарлик);
- мақсадга эришиш ва эҳтиёжларни кондиришга қаратилган ҳаракат.

Омилларнинг бу тизимида хали эҳтиёжлар шаклланишнинг асосий манбааси, хам уларни кондириш шарти бўлган ижтимоий муҳит муҳим урин эгаллайди. Бу тизимнинг барча бўғинлари ўзаро боғлиқ ва бир-бирига таъсир килади. муҳитга қаратилган ҳаракат уни ўзgartиради, лёкин бу билан бирга шахснинг ўзи, унинг эҳтиёж ва манфаатлари хам

ўзгаради. Инсон хулқининг бу барча омилларини ҳисобга олиш жамоа ижтимоийривожланишини самарали бошқариш гаровидир. Белгиланган мақсадга эришиш йўлида кишиларни жипслаштириш учун улар манфаат ва эхтиёжларини усталик билан мувофикалаштириш, онглиликни шалкллантириш, улар фаолиятини моддий ва маънавий рағбатлантириш зарур. Кишиларда соглам ва онгли эхтиёжларни - аввало, меҳнатга бўлган, тадбиркорликка, бошқа кишилар билан муносабатда бўлиш ишлаб чиқаришда интизом ва тартибни мустахкамлашга эхтиёжни тарбиялаш зарур.

Жамоани бошқариш жараёнида хар бр ходим эхтиёжини кондириш меёрини ходим эхтиёжини кондириш меёрини унинг меҳнат фаоллиги, сарф қилган меҳнати сифат ва микдори, ижтимоий бойлика кушаётган хиссаси билан мувофикаш лозим. Ишчи ёки хизматчи меҳнат хиссаси меёри ва мос холда улар эхтиёжларини кондириш меёри бутун корхона жамоаси меҳнат хиссасига боғлиқдир. Демак, шахсий моддий манфаатдорлик жамоа моддий манфаатдорлиги билан ўзвий боғлиқдир.

Моддий рағбат - меҳнат фаолиятини рағбатлантирувчи муҳим куч бўлиши билан бирга у ягона куч эмас. Ишловчилар учун факат моддий эмас, маънавий рағбатлантириш хам муҳим.

Мотивация тушунчаси ва эволюцияси. Мотивация – бу ўзини ва бошқаларни шахсий ёки ташкилот мақсадларига эришиш учун фаолият уилишга йўналтириш жараёни.

Ташкилот вазифаларини яхши бажариш учун одамларга таъсир этиш мумкин. Энг биринчи қўлланилган усууллардан бири бу *камчин ва қўлча усули* бўлган. Тахминан 1910 йилда «Илмий бошқарув мактаби» вужудга келди, технология ривожланишига қарамасдан, ишчилар шарт-шароити яхшиланмади. Тейлор ва унинг замондошлари мотивацияни «камчин ва қўлча» усулини такомиллаштириб, «етарли кунлик ишлаб чиқариш» усулини қўллай бошлашади, яъни маҳсулот ишлаб чиқишига қараб иш хаки туланар эди.

Замонавий мотивация назариясини икки турга ажратиш мумкин, Бўлар: мазмунли ва жараёнли назариялар.

Эхтиёж тушунчаси моҳиятини очиш учун майл тушунчасини келтириш зарур. Инсон жуда кўп нарсаларга эга бўлишга мойил бўлади. бошқача, майлни хошиш, истак каби ифодалаш мумкин. Аммо кишилар майлларига айни вақтда эриша олмасликларини ўзлари хам яхши билишади. Шундай қилиб, эхтиёжлар, бу – инсонга айни дамда физиологик ва психологик жихатдан ниманингдир етмаслигидир. Мазмунли мотивация назарияси умуминсоний эхтиёжларни туркумлашга ҳаракат килди, аммо шуни айтиш керакки, барча эхтиёжларни аниқ туркумлаш мумкин эмас. Хозирги кунда кўпгина психологлар икки хил эхтиёжлар туркуми мавжудлигини тан олишган. Бўлар бирламчи ва иккиламчи эхтиёжлар.

Бирламчи эхтиёжлар ўз табиатига кўра физиологик ва тугма бўлади (озикланишга, дам олишга, чанкогини кондиришга бўлган эхтиёжлар), иккиламчи эхтиёжлар табиатига кўра психологик бўлади (хурматга, муваффақиятга бўлган эхтиёжлар). Бирламчи эхтиёжлар генетик утувчан бўлади, иккиламчи эхтиёжлар йиллар давомида вужудга келади.

Эхтиёжни кўзатиш ва улчашнинг имконияти йўқ. Унинг мавжудлигини факатгина инсон хатти-харакатидан аниқлаш мумкин. Психологлар, инсонни кўзатиб шуни аниқладиларки, эхтиёжлар хатти-харакатга мотив бўлиб хизмат килади. Инсон бирон бир нарсага эхтиёж сезса, у эхтиёжни кондиришга интилади. *Интилиш* – бирор бир нарса камчилик сезганда йўналишни аниқлаш. Бу эхтиёж сезганда хатти-харакатdir ва мақсадга эришишга йўналтиради. Бу ерда мақсад деганда, шу эхтиёжни кондиришда асосий дастак ҳисобланади. Инсон бу мақсадга эришса, эхтиёж кондирилади, қисман кондирилади ёки аксинча кондирилмаслиги хам мумкин.

Эхтиёжни кондириш даражаси инсон келажагидаги хатти-харакатини белгилайди. Кайси хатти-харакат инсон эхтиёжини кондирса, у хатти-харакатни тақрорлайди, агар кайси хатти-харакат инсон эхтиёжини кондирмаса, у бу хатти-харакатни тақрорламайди. Менежерлар шундай шароитни яратишлари керакки, бунда ходим ташкилот мақсадлари сари интилиш натижасида ўз эхтиёжини хам кондира олсин.

Хозирги кунда одамзотнинг турли хил аниқ эхтиёжлари мавжуд. Раҳбар доимо эҳтимоллик элементини ҳисобга олиши керак, чунки мотивацияда аниқ бир яхши усул йўқ. Бирор бир кишига бир мотивация усули таъсир килса, бошқасига умуман таъсир килмаслиги мумкин.

Мукофотлар – бу одамзот ўзи учун кадрли деб ҳисоблаган барча нарсалар. Хар бир одам учун кимматли нарса хар хил бўлади, демак мукофотга бўлган қараш хам турли хил. Раҳбар иккита асосий мукофот турлари билан ишлайди: ички ва ташқи. *Ички мукофот* – бу ишнинг моҳиятидир. Масалан, натижага эришиш, ўзини хурмат қилиш хиссиёти ва муваффакият завки. Иш жараёнида вужудга келадиган муносабат ва дустлик хам ички коникишга мисол бўла олади. Ички коникишни вужудга келтиришнинг энг оддий усули – бу иш жойида керакли шароитни яратиш ва аниқ вазифани қуиши.

Мотивациянинг мазмунли назариялари. Мазмунли мотивация назарияси биринчидан одамларнинг ишлашга ундейдиган эхтиёжларни аниқлашга ҳаракат килади. Замонавий мотивация концепциясига асос солган уч кишининг иши асосий урин эгаллайди. Бўлар Абраҳам Маслоу, Фредерик Герцберг ва Девид МакКлелланд.

Маслоу бўйича эхтиёжлар иерархияси назарияси. Асримизнинг 40-йилларида мотивация назариясини яратадиган А. Маслоу одамзотнинг эхтиёжларини жуда хам турли хил деб таъкидлаган, аммо бу эхтиёжларни 5 асосий категориясига ажратган.

1. Физиологик эхтиёжлар – бу яшаб колиш учун керак бўлган эхтиёжлар.
2. Хавфсизликка ва эртанги кунга бўлган ишонч эхтиёжи.
3. Ижтимоий эхтиёж ёки бошқача уни кимларгадир ёки нималаргадир тегишлилик хисси.
4. Хурматга бўлган эхтиёж.
5. Ўз-ўзини намоён қилиш эхтиёж.

Маслоу категориясига биноан, бу эхтиёжлар аниқ кераклик структурага эга ва токи пастки эхтиёжлар кондирилмаса, юқоридаги жойлашган эхтиёжлар талаб этилмайди, яъни бошқача қилиб айтганда, юкори даражадаги эхтиёжлар одам хатти-харакатида асосий омилини акс эттириши учун, пастда жойлашган эхтиёжлар кондирилган бўлиши керак.

Турли даражадаги раҳбарлар шуни тушунишлари керакки, одамзотни мотивлаштиришда унинг эхтиёжи асосий урин эгаллайди. Аниқ бир ходимни мотивлаштириш учун, раҳбар ходимни шундай йўналтириши керакки, у ташкилот мақсади сари интилсин ва ташкилот мақсадига эришгандан кейин раҳбар ходимнинг асосий эхтиёжларини кондиришга имконият яратсин.



Маслоу бўйича эхтиёжлар иерархияси

Маслоу назариясининг асосий камчилиги, у одамзот эхтиёжларини аниқлаб берди, аммо хар бир одамнинг индивидуал эхтиёжини ҳисобга олмаган. Эдвард Лоулер аксинча шахсий эхтиёжлар керакли структурасини кўрсатди, унда одамнинг эхтиёжи ва хошиши утган даврга қараб аниқланди.

МакКелланднинг эхтиёжлар назарияси. Юқори даражадаги эхтиёжларга асос солган Дэвид МакКелланд мотивация модели мавжуд. Унинг фикрича одамларга З хил эхтиёжлар хос, яъни хокимлик қилиш, муваффакиятга эришиш ва дахлдорликка бўлган эхтиёжлар.

Хокимлик қилишга бўлган эхтиёж – бу бошқа одамларга ўз таъсирини ўтказиш эхтиёжидир. Бу эхтиёж Маслоу бўйича эхтиёжлар иерархиясида хурматга ва ўзини намоён қилишга бўлган эхтиёжлар орасига тўғри келади.

Муваффакиятга эришиш эхтиёжи хам хурматга бўлган эхтиёжлар орасида жойлашган.

Дахлдорликка бўлган эхтиёжи ривожланган одамларга кенг микёсда ижтимоий мулокот бера оладиган ишлар берилиши керак.

Герцбергнинг мотивация-гигиена назарияси. 50-йилларнинг иккинчи ярмида Фредерик Герцберг ўз ёрдамчилари билан эхтиёжларга асосланган мотивация моделини яратди. Герцбергга биноан, иккита асосий категория киритилди, Бўлар «гигиеник омиллар» ва «мотивация».

Гигиеник омилларга бу иш бажариладиган атроф-муҳит тушунилса, мотивацияга – ишнинг характеристи ва мазмуни тушунилади. Гигиеник омилларнинг бўлмаслиги ишга нисбатан коник маслигини келтириб чиқаради, аммо гигиеник омиллар етарлича бўлса, ўз-ўзидан ишдан коникишни келтириб чиқармайди ва бирор бир нарсага одамни мотивлантира олмайди.

Герцбергнинг мотивация назариясининг Маслоу назарияси билан ухшашлиги катта. Герцбергнинг гигиеник омили Маслоунинг бирламчи эхтиёжлар билан мотивация эса иккиламчи эхтиёжлар билан мос келса, аммо бир жода улар бир-бирига қарама-карши бўлади. Маслоунинг фикрича, гигиеник омил хатти-ҳаракатининг у ёки бу йўналишини белгилайди. Агар раҳбар бу эхтиёжнинг бир қисмини кондирса, жавобан ишчи яхши ишлайди. Герцберг эса аксинча уйлаган, унинг фикрича ишчи гигиеник омиллар амалга ошириш нотўғри ваadolatsiz ҳолатларгагина эътибор беради. Герцбергнинг бу назарияси кўпгина ташкилотларда муваффакиятли амалда кўлланилган бўлса, камчиликлари хам бор эди. Бу асосан изланиш усули билан боғлик эди.

Одамларнинг эхтиёжлари турли хил бўлганлиги сабабли мотивлантирувчи омиллар хам хар хил бўлади.

Мотивациянинг жараёнли назариялари. Жараёнли назарияда мотивацияга бошқача нуктаи-назардан қарапади. Бунда одамзот мақсадга эришишга канча куч сарфлаши ва кандай килиб хатти-ҳаракат турини танлаши таҳлил килинади. Жараёнли назария эхтиёжлар борлигини инкор этмайди, аммо уларнинг фикрича, одамзот хатти-ҳаракатига факат эхтиёж таъсир этмайди. Жараёнли назарияга мувофик одамзот хатти-ҳаракатига, вазиятга қараб қабул қилиш ва кўтиш функциялари сабаб бўлади ва кейинчалик хатти-ҳаракат тури танланади.

Жараёнли назарияларда З та асосий мотивацион назария мавжуд: кўтишлар назарияси, адолатлилик назарияси ва Портер-Лоулер модели.

Кўтишлар назарияси. Кўтишлар назарияси асосан Виктор Врум иши билан боғлиқ, унинг фикрича, фаол эхтиёжнинг бўлиши одамни бирон бир мақсад сари йўналтиришда ягона мотивация усули бўла олмайди.

Кўтишни муайян шахс томонидан аниқ бир воеанинг бўлиш эхтимоллигини баҳолаш сифатида қараш мумкин. Кўтишлар назариясида меҳнатни мотивлаштиришни таҳлил қилганда З та боғлиқликни аниқлаш керак: меҳнат сарфи – натижалар; натижалар – мукофот ва валентлик (мукофотдан коникиш даражаси). *Меҳнат сарфи – натижалар (C-H)* бу меҳнатга килинган сарф ва олинган натижага орасидаги нисбатdir.

Натижалар – мукофот (H-M) бу бирон бир аниқ мукофотлашни кўтиш ёки эришилган натижалар даражасига жавобан рағбатлантиришлар. Кўтишлар назариясининг аниқловчи учинчи омили бу валентликдир ёки мукофотнинг кимматидир. *Валентлик* – бу кандайдир мукофот олиниши натижасида коникиш ёки коникмаслик даражаси ва бу даражага муайян мукофотни олиш натижасида юзага келади. Одамларнинг эхтиёжлари ва мукофотга бўлган муносабатлари турли хил бўлганлиги сабабли, аниқ белгиланган мукофот хаммада хам бир хил кимматга эга эмас.

Бу фикрларнинг нисбатини қуйидаги формула орқали кўрсатиш мумкин:

$$\text{МОТИВАЦИЯ} = C-H \times H-B \times \text{ВАЛЕНТЛИК}$$

Адолатлилик назарияси. Адолатлилик назариясида одамлар килинган харажатлар эвазига олган мукофотни субъектив баҳолайдилар ёки худди шу ишни бажарган киши олган мукофот билан таккослайдилар дейилади. Шундай йўл билан, бошқаларга нисбатан кам туланилаётган ходимлар меҳнат интенсивлигини камайтирадилар ва мукофотни оширишни талаб этадилар.

Стейси Адамснинг «Адолатлилик назарияси» бўйича, одамлар харажатларига нисбатан адолатли ёки адолатсиз бўла туриб, мукофот тўзилиши тўғрисидаги уларининг ишончлари орқали мотивлантирилади. Одамлар турли хилдаги шахслар ўртасида солиширишлар учун муносабатларда бўладиган даромадлар ва харажатларни тенглаштириш учун субъектив хукмни кўллаш моиллигига эга бўлишади. Адолатлилик назарияси шуни таъкидлайдики, инсон мотивациясига унинг хозирги фаолияти ва натижаларига бўлган баҳосининг адолатлилиги муҳим даражада таъсир килади. Адолатлилик хозирги баҳоларнинг олдинги баҳолар билан, шунингдек бошка одамларнинг айнан шундай ютукларига бўлган баҳолари билан солиширишдан келиб чиқкан холда аниқланади. Агарда одам шуни кўрсаки, бошқаларга бўлгани каби унга хам бир хил меъёр билан муносабатда бўлишса, у ўзини кониктирилгандай хис килади ва фаолликни юзага чиқаришни бошлайди.

Адамснинг фикрига кўра, хар бир субъект доимо фикран қуйидаги муносабатни баҳолаб туради: Шахсий даромадлар – Бошка шахслар даромади

Шахсий харажатлар – Бошка шахслар

Агар мана шундай баҳолашлар ва солиширишлар натижасида бузилишлар йўқ, деб хулоса килинса, инсон фаол ишлашни давом эттиради. Агарда бузилишлар фахмланса, у «адолатлиликни тиклаш» ни бошлайди: иш хакининг оширилишини, иш шароитларининг яхшиланишини, хизмат бўйича кутарилишини талаб килади, унумдорликни ёки иш сифатини пасайтиради ёки бошқа бирон ташкилотга кучиб утади. Бирок, агар одамлар билишсаки, уларга юқорирок мукофот бериляпти, улар каттирок ишлаш учун мотивлантирилишлари мумкин.

Порттер-Лоулер модели. Лайман Порттер ва Эдуард Лоулер биргаликда кўтиш ва адолатлилик назарияларини мужассамлаштирувчи мотивациянинг комплекс жараёнли назариясини ишлаб чиқдилар.

Уларнинг моделларида 5 та ўзгарувчи бор: сарфланган интилишлар, қабул қилиш, олинган натижалар, мукофот, коникиш даражаси. Порттер ва Лоулернинг энг асосий хулосаси – бу меҳнат натижаси коникишга олиб боради, коникиш юқори даражадаги натижаларга эмас.

Ишдаги ҳақиқий ижро дастлаб сарф килинган ҳаракатлар орқали аниқланади. Лёкин бу шунингдек одамнинг ишни бажариш қобилиятлари орқали ва шахсларнинг зарурий вазифа нима эканлигини англашлари орқали хам амалга оширилади. Демак, ижро бу ички мукофотларни хам, ташқи мукофотларни хам олиб борадиган масъулиятли омил ҳисобланади. Бундай мукофотлар, шахснинг бегаразлиги билан бирга, коникишни олиб келади. Бу ердан шахснинг коникиши мукофотнинг адолатлилигидан боғлиқ бўлади.

Мотивация ва иш хаки. Ходимнинг даромади 4 қисмдан иборат.

Функционал қисми ички ташкилотда даромад адолатли таксимланишига асосланади. Мазмуни бўйича бир хил лавозимга, ишнинг оғирлиги ва жавобгарлигига қараб ходимлар гуруҳларга ажратилади. Хар кайси гуруҳдаги ходимнинг малакаси, штати ва бошқа хусусиятларига қараб оклад микдори белгиланади.

Ишлаб чиқарии билан боғлиқ қисми маъноси бўйича бажарилган иш учун мукофот ҳисобланади. Бажарилган иш раҳбар томонидан баҳоланади ва меҳнатга хак тулаш низоми бўйича аниқланади.

Күшимчалар ва ижтимоий туловлар меҳнатнинг микдорий ва сифатий қўрсаткичлари билан боғлиқ эмас. Улар барқарорлаштиривчи омил ролини бажаради, бунда кадрлар кунимсизлигини камайтиради, эгаллаб тўрган лавозимда коникиш хиссини оширади.

Хозирги пайтда тайёр мотивация тизими ва меҳнатга хак тулаш тизими мавжуд эмас. Бу тизим ташкилот маданияти, ташкилотнинг ички ва ташқи вазиятларига мос келиши керак.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ қисмини аниқлаш учун натижаларини баҳолашнинг 2 ёндашуви мавжуд: умумий мезонлар бўйича (меҳнат микдори, меҳнат сифати, меҳнатга муносабат қўрсаткичларининг балл тизими) хамда мақсадларнинг мослиги бўйича (даражалар бўйича мақсадлар: ташкилот, хизмат, бўлим, бюро, лавозим). Ишлаб чиқариш билан боғлиқ қисмнинг натижасини баҳолашнинг мақсадларнинг мослиги бўйича усули факат ўрта ва юқори даражадаги раҳбарларга мос келади.

Турли ташкилотларда меҳнатга хак тулашнинг тенденциялари:

- фирмада минимал ва юқори иш хаки орасидаги нисбатни белгилаш;
- имтиёзли нархларда фирма акцияларини сотиб олиш имконияти;
- имтиёзли нархларда фирма маҳсулотини сотиб олиш имконияти;
- фирма бошқарувчилари фойдаларида иштирок этиш;
- сотиш бўлими ходимларига сотувдан комиссион хакларини тулаш;
- инновацион лойихаларнинг раҳбарларини рафбатлантириш;
- ходимларни танлашда ижтимоий туловларнинг ўзгарувчан тизимини қўллаш

ИННОВАЦИЯЛарни жорий этишда маркетинг фаолияти

ЗАМОНАВИЙ МАРКЕТИНГНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ ВА УНИ БОШҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Маркетинг тизими ҳақида тушунча ва тармок маркетинглари

Маркетинг тизими - бу қўйилган мақсадларга эришиш ва мақсадли бозор талабини қондириш учун маркетинг қисмларининг аниқ бирикувидир. Таркиб ўзида тўртта асосий қисм – маҳсулот ёки хизмат, тақсимот (сотиш, ўтказиш, нархларни) бирлаштиради.

Товар ва хизматларни олганда бозорга нима тавсия этилиши сифат даражаси, сотиш ҳажми, компаниянинг инновацион даражаси, ўлчовнинг ҳолати, алоҳида шартлар тадқиқотларнинг ҳажми ва муддатлари мавжуд маҳсулотни сотишни тўхтатиш пайтини аниқлаб олиш керак.

Маркетинг тизими ижтимоий-иктисодий элементлар, субъектлар йиғиндисидан иборатdir. Маркетинг тизими ўз таркибиغا турли элементларни қамраб олади:

1. Таъминотчилар
2. Рақобатчилар
3. Воситачилар
4. Истеъмолчилар (бозор)
5. Фирма (компания)

Маркетинг тизимини шакллантириш ва амал қилиши аниқ ўраб турган муҳит таъсирида олиб борилади. Бу муҳитга ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маданий, демографик ва экологик омиллар киради.

Таъминотчилар – алоҳида олинган ташкилот, уюшма, шахслар йиғиндисидан таркиб топиб, фирмани моддий, молиявий ва маҳсулот ресурслари билан таъминлайди.

Рақобатчилар – истак бўйича, сафдош товар бўйича, товар тури бўйича, товар маркаси бўйича туркумланади.

Маркетинг бўйича воситачилар – ташкилот учун унинг товарларини мижозларга етказиш, сотиш, алоқа ўрнатиш бўйича ёрдам кўрсатувчилардир.

Воситачилар – савдо, логистик, маркетинг ва молиявий воситачиларга бўлинади.

Савдо воситачилари - улгуржи ва чакана савдогарлардир.

Логистика воситачилари – омбор тизими хизматларида товар ва оқим ҳолатларини транспортировка қилиш билан шуғулланиш.

Молиявий воситачилар – банк, кредит, сугўрта ва бошқа молиявий хизматларни амалга оширади.

Истеъмолчилар – фирмалар, алоҳида физик шахслар ёки уларнинг потенциал гуруҳи бўлиб, улар бозорда мавжуд бўлган товар ва хизматларни олишга тайёр.

Истеъмолчи – бозор қироли, маркетинг вазифаси доимо истеъмолчининг хулқатворини ўрганиш, унинг эҳтиёжини фирма маҳсулотига бўлган муносабатини ўрганиш, таҳлил қилишдан иборат.

Фирма, маркетинг ва бозор муносабатлари бир-бирига ўзаро таъсир ўтказиб, диалектик боғликлиқда ҳаракатланиб боради. Фирма янги технологик жараёнларни эгаллашга, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга факат бозордаги муносабатлар сабаб бўлади.

Маркетинг таркибини ишлаб чиқишида бош масала унинг бир бутунлиги, мақсадга эришишда муваффақиятни таъминловчи барча омилларнинг ўзаро алоқасидир.

Маркетинг иктисодий категория сифатида ғояси серқиррадир. Унинг таркиби ёки фаолият соҳаларида

- ишлаб чиқариш воситалари маркетинги;
- истеъмол товарлари маркетинги,
- хизмат кўрсатиш маркетинги сингари турларини кўрсатиш мумкин.

Бунинг ҳар бирининг фаолиятида умумий тамойиллар ва вазифалар сақланиб қолади, аммо бу йўналишларнинг ҳар бири ўзига хос томонлари билан ажралиб туради.

Ишлаб чиқариш воситалари маркетинги, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш талабларини хисобга олишга асосланади. Шу сабабли мақсадга мувофиқлик, мақбуллик, қатъий уйғунлик энг биринчи ўринда туради.

Истеъмол товарлари маркетинги хилма хил талаб ва дидга эга бўлган истеъмолчиларнинг кенг доиралари билан боғлик.

Бу соҳада истеъмолчи феъл-атворининг туб моҳиятини ўрганишга катта эътибор берилади. Хусусан, истеъмолчиларни гурухлаш, реклама, маҳсулот сотишни ўюнтириш, буларнинг барчаси истеъмол товарлари бозорида маркетинг фаолиятининг асосий масалалари хисобланади. Масалан, дўконларда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш тамойиллари истеъмол товарлари маркетинги самараси.

Истеъмол товарлари хизмати маркетинги ишлаб чиқарувчи билан истеъмол ўртасида бевосита алоқанинг мавжудлиги билан ажралиб туради. Хизматларнинг кўпчилик қисми комплекс характерга эга. Масалан, меҳмонхоналар, жамоат овқатланиш жойлари, экспузион хизмат, ёдгорлик моллари сотиш ва хакозолар пайдо бўлиши ялпи туристик маҳсулот тушунчаси билан бевосита боғликдир. Шу сабабли, хизмат кўрсатиш соҳасида маркетинг жуда катта ўналишга эга.

Макромаркетинг ва микромаркетинг

Маркетингнинг таркибий тузилиши ҳақида фикр юритилганда, унинг таркибида микромаркетинг, микромаркетинг турлари мавжудлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Бу тушунчаларни фанга биринчи марта Ф.Котлер 1972 йилда киритди ва уларни хўжалик фаолияти билан шуғулланадиган ташкилотлар билан бир каторда фойда олиш билан боғлик бўлмаган маданият, ижтимоий, сиёсий ва шунга ўхшаш ташкилотларга нисбатан ҳам қўллади.

Микромаркетинг - корхонанинг ишлаб чиқаришни шакллантириш, товарлар ва хизматларнинг тайерловчидан истеъмолчи ёки фойдаланувчига бориш оқимини бошқариш билан боғлик бўлган фаолиятдир. Унинг асосий вазифаси - талабни қондириш ва айни пайтда корхона олдига қўйган мақсадларга эришишдир. Бошқача айтганда, бу ижтимоий иқтисодий жараён бўлиб, маҳсулот ёки хизматларга бўлажак талаб таркибини ўрганиш, шунингдек, бу талабни, таклифни шакллантириш, истеъмолчига ахборот бериш йўллари билан қондириш мақсадини кўзлади.

Шундай қилиб, микромаркетинг корхона даражасидаги бозор фаолиятидан иборатдир.

Макромаркетинг фаолияти корхона даражасидан четга чиқади ва турли бирлашмалар, концернлар, уюшмалар ва умуман тармоқ даражасида амалга оширилади.

Янада кенгрок мъянода макромаркетинг тушунчаси мамлакатнинг жами хўжалиги миқёсида маҳсулотларни яратиш ва унинг пировард истеъмолчиси томон кўчиш ҳаракати хаётий жараёнда қатнашадиган фаолияти ва муассасаларни бирлаштирадиган тизимдир. Бу тизим барча ишлаб чиқариш, савдо, транспорт, реклама-ахборот ва бошқа маркетинг вазифаларини бажарадиган корхона ва хизматларни қамраб олади.

Макромаркетингнинг вазифаси - бутун мамлакат бўйича моддий бойликлар ва хизматлар оқимини бошқаришни тартибга солишдан иборат.

Турли даражадаги бошқариш воситалари ва усуллари ўзаро фарқ қилинади. Корхона даражасида асосан маркетинг-микс воситаларидан фойдаланилади. Ундан юқориорқ даражаларда инвестиция сиёсати нархларни бошқариш, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари ва шунга ўхшаш фаолият кўрсатади.

Маркетингни қўллаш соҳалари ва обьектларига мувофиқ қўйидаги ҳолатларга кўра гурухлаш мумкин:

1. Ички маркетинг;
2. Товарлар бўйича маркетинг;
3. Экспорт маркетинги;
4. Импорт маркетинги;
5. Илмий техник маркетинг;
6. Тўғридан-тўғри маблағ (инвестиция) киритиш маркетинги;
7. Халқаро маркетинг;
8. Нотижорат фаолияти соҳасидаги маркетинг;
9. Ижтимоий ғоялар маркетинги;

1. Ички маркетинг қоидага кўра 1 томон доирасида товар ва хизматларни сотиши масалалари билан боғлиқ. Амалда барча корхоналар аввал ички бозорга келади, юқори натижаларга эришгандан кейин эса, яъни рақобатбардош маҳсулотларини яратгандан кейин ташки бозорга чиқади.

2. Товарлар ва хизматлар маркетинги (товарлар бўйича маркетинг) самарали сотиши тадқиқ қилиш ва товарлар ва хизматлар турлари бўйича тадбиркорлик фаолиятининг фойдалилигини таъминлашни кўзда тутади. Масалан, хорижда саноат товарлари маркетинги, истеъмол товарлари ва хизматлар маркетинги ишлаб чиқилган.

3. Экспорт маркетинги янги хорижий сотиши бозорларини қўйидаги тадқиқ қилиши, фирма маҳсулотларини сотиши учун хорижий сотиши хизматларини ташкил қилишни кўзда тутади.

4. Импорт маркетинги юқори самарали харидорларни таъминлаш учун бозор тадқиқотларининг алоҳида шаклларини кўзда тутади.

5. Илмий-техник маркетинг хариднинг илмий-техник фаолият натижалари: патентлар ва лицензияларни сотиши ва харид қилиш қисмидаги маркетинг тадқиқотлари, фан-техника тараққиёти йўналишларини ўрганиш, тегишли томонлар патент хуқуqlари масалалари ва бошқалар билан боғлиқ.

6. Тўғридан-тўғри маркетинг киритиш маркетинги ўз ичига хорижий фаолиятни тадқиқ қилиш, янги корхона ишининг имкониятлари (бизнес-режа турлари), унинг сотиши фаолиятини чукур ва ҳар тарафлама таҳлил қилишни, ҳамда компания манфаатлари ва корхона қурилган мамлакат қонунини хисобга олган ҳолда ташки бозорда сотиши тадқиқотларини ўз ичига олади.

7. Халқаро маркетинг, ташки иқтисодиёт, ташки савдо маркетинги деб ҳам атайдилар, маҳсулотни хорижда қурилган миллий корхоналарда сотишини кўзда тутади. У ишлаб чиқариш, сотиши вазифаларининг жуда катталиги билан фарқланади, асосан кўп сонли мамлакатлар ҳудудларини камраб оловчи трансмиллий компанияларга жавоб беради.

8. Нотижорат фаолияти соҳасидаги маркетинг асосан алоҳида ташкилот ёки алоҳида шахсга нисбатан жамоанинг ижобий фикрини яратиш масалалари билан боғлиқ.

9. Ижтимоий маркетингни қўллашнинг энг муҳим соҳаси ривожланадиган мамлакатларда оилани режалаштириш, қариялар ва касалларга эътиборни жалб қилиш айrim ижтимоий заруриятларга хайрия қилишга тайёрликни ривожлантиришдан иборат.

Маркетингни бошқариш жараени

Маркетингни бошқариш – маркетинг фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган барча моддий, молиявий, меъёрий ва бошқа ресурсларнинг мажмуи бўлиб, уни амалга ошириш жараёнида барча ходимлар фаолиятини бир мақсадга йўналтириш, уюштириш ва мувофиқлаштиришдан иборатdir. Бунда иқтисодий, техникавий ва бошқа қонунлардан онгли равища фойдаланилади. Бу фаолият маркетологлардан ниҳоятда катта билим, шижаот ва туганмас меҳнат талаб килувчи мураккаб тизимdir.

Маркетингни бошқариш тизимининг таркибий қисмлари: мақсад тамойиллари, вазифалари, ташкилий тузилиши, усуллари, бошқаришнинг техника ва технологияси, кадрлар ва бошқалардан иборат. Маркетингни бошқаришнинг мақсади тизимнинг тўғри ва мураккаблиги даражасига қараб ўзгаради. Унинг ташкилий тузилишини мезони ва мақсади деганда маркетингнинг таркибий тузилишининг динамик барқарорлиги, эволюция ўзгаришлари ва ташқи мухит билан ўзаро таъсири тушунилади. Бу мақсад маркетинг фаолият кўрсатаётган соҳаларда белгиланган даражадаги фойда олишга йўналтирилган барча фаолиятни бошқаришдир.

Маркетингни бошқариш жараёни куйидигилардан ташкил топилган:

1. Бозор имкониялари таҳлили;
2. Мақсадли бозорни танлаш;
3. Маркетинг комплексини ишлаб чиқиш;
4. Маркетинг чора-тадбирларини ҳаётга тадбиқ этиш.

Бозор имкониятлари таҳлилида маркетинг тадқиқотлари маркетинг ахбороти, маркетинг мухити, бозор тузилиши, улгуржи ва чакана савдо таҳлили олиб борилади.

Мақсадли бозор танлашда эса:

- талаб ҳажмини ўлчови,
- бозорни сегментлаш жараёнлари кўриб утилади.

Маркетинг комплексини ишлаб чиқишида эса товар ишлаб чиқариш, товарга нарх ўрнатиш, товарларни тарқатиш усуллари ва сотишни рағбатлантириш, ишлаб чиқаришнинг коммуникатив сиёсати устида ишлар олиб борилади.

Тўртинчи босқичда режалаштириш тизими, шунингдек, стратегик режалаштириш ва маркетинг фаолиятини назорат турлари, корхонанинг ташкилий тизими кабилар тўлик ёритиб берилади.

Корхоналарда маркетинг хизматини ташкил этиш.

Маркетинг мухити. деганда фирма корхона ёки унинг юқори ташкилотлар фаолиятига таъсир кўрсатувчи ижтимоий иқтисодий сиёсий ва ҳуқуқий омиллар мажмуи тушунилади, Маркетинг ички ва ташқи мухитлар фарқланади.

Ички мухитни шакллантирувчи омиллар, фирма раҳбарияти томонидан назорат қилинадиган - технологик жараён, молиявий аҳволи, ташкилий тузилиши, бозорни танлаш ва бошқалар билан боғлиқdir. Назорат қилинадиган омилларни ташкилот ва унинг маркетинг хизмати бошқаради. Ана шу омиллардан маркетинг хизмати томонидан назорат қилинмайдиган айримларини олий раҳбарият бошқаради. Унча катта бўлмаган ёки ўртача ташкилотларда умумий сиёсат масалаларини ҳам маркетинг қарорларини ҳам, бир шахс одатда мулк эгаси ёки олий раҳбар қабул қиласи, лёкин бундай ҳолларда даставвал умумий мақсадларни белгилаш, сўнгра уларга маркетинг режаларини мослаштириш керак.

Назорат қилинмайдиган омиллар ташкилот ва унинг маркетинг хизматлари томонидан бошқарила олмайдиган фаолиятига таъсир кўрсатувчи таркибий қисмлардир. Назорат қилинмайдиган омилларнинг салбий таъсири натижасида қанчалик жозибали бўлмасин ҳар қандай режа барбод бўлиши мумкин. Шунинг учун ташқи мухитни мунтазам кузатиш, унинг таъсирини хисобга олиш лозим бўлади, кутилмаган вазиятлар содир бўлганда қилинадиган ишлар режада кўзда тутилиши керак. Қуйидаги назорат қилинмайдиган омилларни ҳамиша хисобга олиш ва олдиндан кўра билиш талаб этилади: истеъмолчилар, рақобат, ҳукумат, иқтисодиёт, технология, мустақил оммавий ахборот воситалари.

Демак, юқоридагилардан хulosа қилсак, фирма ёки корхонанинг бутун фаолияти тўла-тўқис бозор муносабатларини мужассамлаштиради. Фирма ва бозор тушунчалари, бозор иқтисодиёти шароитида бир-биридан ажратиб бўлмайдиган иқтисодий категориялар хисобланади. Чунки фирмалар фаолиятисиз бозор бўлиши мумкин эмас.

Маркетингни ташкил этиш - маркетинг хизматини бошқарадиган идораларнинг ташкилий кқрилиши бўлиб, у ёки бу топшириқни бажариш учун бўйсуниш ва жавобгарликни белгилайди.

Маркетингни ташкил қилиш - корхонада бир неча йўналишда амалга оширилиши мумкин:

1. Функционал - бунда жавобгарлик тақсимот, сотиш, таъминот ва товар ҳаракатини ташкил қилиш доираларига тушади.

2. Товарлар тамойили бўйича ташкил этиш. Унда функционал тамойилларга, яна бир товар маркаси учун бошқарувчилар қўшилади.

3. Бозор тамойили бўйича ташкил этиш. Унда функционал тамойилларига, яна бир худуд бозорлари ва истеъмолчилар тури бўйича бошқарувчилар қўшилади.

Функционал ташкил этишнинг ютуклари, бўлинмаларни бошқаришдаги содда, бажариладиган функцияларга юқори жавобгарликдан иборатдир. Лёкин бу тузилишнинг қатор камчиликлари ҳам мавжуд:

- товарлар бўйича маҳсус бўлимларнинг йўклиги;
- бозорнинг ҳудудий сегментлари бўйича маҳсус бўлимларнинг йўклиги;
- бозор талабларининг ўзгариши ва истеъмолчилар талабига оператив реакциянинг сустлиги;
- маркетинг ташкилотлари тадбирларнинг молиялаштириш масалаларини ҳал этишнинг қийинлашганлиги.

Товар тамойили бўйича ташкил этиш товарлар ва улар гурухлари бўйича бўлимлар ташкил этишни талаб этади. Унда товар бўлимлари бўйича мустақил қарор қабул қиласди. Маркетинг хизматининг ташкилий тузилиши бу каби бўлган шакл, аввало, ишлаб чиқаридиган товарлар ассортименти катта бўлган фирмаларга тўғри келади.

Товар тамойили бўйича ташкил этиш шакли ҳам, шунингдек, камчиликларга эга. Бошқаришнинг бу каби тизими маркетинг фаолиятининг ўзига хос тамонларини доим ҳам эътиборга олмайди. Товарлар бўйича гурухлар ишчилари ўз мажбуриятларини самарали бажариш учун етарлича ҳуқуқларга эга эмас, бошқарув аппаратида катта сонли гурух ва гуруҳчалар пайдо бўлиши билан уларни ушлаб туриш катта ҳаражатлар талаб қиласди.

Бозор тамойили бўйича ташкил этишда деярли барча корхоналар ўз товарини характеристи жиҳатидан турлича бўлган бозорларда сотади. Турли бозорларнинг сотиб олиш хусусиятлари ёки турли товар афзалликларига эга бўлган холлардагина бозор тамойилига кўра ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун маркетинг хизмати бўлимлари асосий бозорларга қараб тузилади.

МАРКЕТИНГ ДАСТУРИ

Маркетинг дастури ҳақида тушунча

Тор маънода маркетинг дастури (бизнес режа) хужжат бўлиб, корхонанинг бозорда аниқ фаолият кўрсатиш тамойилини ифодалайди. Маркетинг дастури кенгрок маънода эса корхона имкониятларини бозор талабларига мослаштиришга йўналтирилган таҳлил, режалаштириш ва назорат қилиш жараёни деб қаралади. Маркетинг дастурлари қисқа муддатли(бир йилгача), ўрта муддатли (5 йилгача) ва узок муддатли (10 йилгача ва ундан кўпроқ) бўлади. Улар умумий шаклда ёки корхонанинг маҳсус фаолиятларига мўлжалланган бўлиши мумкин.

Маркетинг дастури бу корхонани умумхўжалик фаолиятининг директив режасини тузиш учун стратегик тавсияномадир ва юқори бошқариш бўғини учун қарор қабул қилишини асосидир. Маркетинг дастурини асосий мазмуни - бу корхонанинг ўтган даврдаги фаолият натижалари бўлиб, унда мақсадли бозорни ривожланишини қисқа

таҳлили ва башорати, фирмани ривожланишини асосий мақсади, бозордаги хулқ-атворини стратегик йўли, товар, нарх, сотиш ва рағбатлантириш сиёсатларининг чоратадбирларини, маркетинг тадқиқотларини мазмунни, харажатлар сметаси, маркетинг ҳаракатлари самарадорлигини олдиндан баҳолаш, маркетинг дастурини амалга ошириш бўйича назорат чора-тадбирлари ва ҳаракатлари берилади.

Маркетинг дастурини стратегик йўналиши бозордаги мавқесидан ва корхонани ўз ҳолатини боғлиқлигига қараб ўз ичига турли вариантларни олади.

Стратегиялар диверсификацияси, тадбиркорлик фаолиятини сегментациялаш, хужум ва ҳимоя стратегиялари бўлиши мумкин.

Фирма турли маркетинг дастурларини ишлаб чиқади, йўналишига қараб маркетинг дастури юқори ва пастки бўғин учун бўлиши мумкин. Агар дастур юқори бўғин учун бўлса, у қисқа ва лўнда тузилган бўлиши лозим. Чунки унда муҳим томонлари ажратиб кўрсатилади Пастки бўғин учун тузилган дастурларда эса хар бир саволлар ёритилиб берилади.

Муддатига қараб маркетинг дастурлари қисқа, ўрта ва узоқ муддатли турларга бўлинади. Айрим фирмалар эса икки ёклама дастур тузадилар, яъни узоқ муддатли ва қисқа муддатли дастурлар.

Қамраб олаётган вазифасига қараб оддий ёки мақсадли дастурларга бўлинади.

Оддий маркетинг дастурлари фирмани ишлаб чиқариш, сотиш фаолияти билан барча функцияларни саволларини ечишга йўналтирилади. Мақсадли дастурда эса янги маҳсулот ишлаб чиқариш ёки сегментни ўзлаштириш, фирма сиёсатини рағбатлантириш самарадорлигини ошириш каби муҳим вазифаларни амалга оширишга қаратилади.

Объектига боғлиқлигига қараб маркетинг дастурлари маҳсулотлар бўйича ва ишлаб чиқариш бўлими бўйича бўлиши мумкин.

1. Ишлаб чиқариш бўлими бўйича маркетинг дастури қуйидаги мақсадга эга:

- товарлар сиёсатини хисобга олган ҳолда чиқарилаётган маҳсулотни зарурий номенклатурасини аниқлаш;
- инновация бўйича қарорни асослаш;
- чиқарилаётган маҳсулот сифати ва техник даражасини ошириш бўйича қарор қабул қилиш;
- товар ишлаб чиқариш тузилишида хар бир маҳсулот улушкини ўрнатиш;
- ишлаб чиқаришни устивор йўналишлари бўйича харажатларни умумий ҳажми ва уларнинг тузилишини хисоблаш;
- молиялаштириш манбаларини топиш;
- ишлаб чиқаришни моддий ва меҳнат ресурслари билан таъминлаш;
- ишлаб чиқариш ва муомала харажатларини хисоблаш;
- ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлаш ва фойдани башорат қилиш.

Ишлаб чиқариш бўлими бўйича маркетинг дастури фирманинг тўлиқ ички режалаштириш ва ишлаб чиқариш режасини хисобга олувчи оптималлаштирилган кўрсаткичларни ўз ичига олиши лозим. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш бўйича маркетинг дастури ишлаб чиқариш бўлимининг хўжалик фаолиятини жами кўрсаткичлари тўпламини таҳлили асосида ишлаб чиқилган асосий хужжат хисобланади.

2. Маҳсулот бўйича маркетинг қуйидаги мақсадларга эга:

- маҳсулотни оптималь техник-иктисодий кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;
- маҳсулотни ишлаб чиқиш ва сотиш самарадорлигини кўп вариантили хисоб-китобини ўтказиш;
- янги (такомиллашган) товар ишлаб чиқариш рентабеллигини ва зарурлигини асослаш;
- чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини натурал ва киймат бирлигига белгилаш;
- истеъмолчиларни мақсадли бозорда кўзлаган мақсадларини хисобга олган ҳолда хар бир товар бўйича сифат кўрсаткичларини ўрнатиш;

- хар бир маҳсулотни интеграл баҳолаш (харажатлари, нарх ва фойдани солишириш);
- мақсадли бозорда рақибларнинг мавжуд ухшаш товарларини хисобга олган ҳолда хар бир товар бўйича рақобатбардошлик даражасини хисоблаш.

Мақсадли дастур ёндошиши – маркетинг дастурининг услубий асосидир

Маркетинг дастурларини ишлаб чиқишида мақсадли ёндашиш услугига асосан корхонанинг мўлжалланган мақсадига эришиш ва уни бажарилишини назорат қилиш ресурслари ва тадбирлари тизими шакллантирилади.

Корхона (фирма)нинг маркетинг дастури (бизнес режаси) таркиби қўйидагичадир:

1. Корхонанинг имкониятлари таҳлили(ҳолатли таҳлил)

Фаолияти, шарт-шароитлари ресурслари, самарали натижага эришиш йўналишлари. Корхонанинг ички ва ташки мухитларини солишириш.

2. Ривожланиш мақсадларини аниқлаш.(Маркетинг синтези).

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланишнинг устувор мақсадлари ва бозорда фойдага эришиш йўлларини аниқлаш.

3. Стратегияни ишлаб чиқиш.

Корхонанинг моддий, меҳнат ва молия ресурсларидан самарали фойдаланиши кўзлаган узоқ муддатли мақсадни аниқлаш (бозор сеументларини, маркетинг воситасини, бозорга кириш вақтини ва бошқаларни танлаш).

4. Бизнес-режани ишлаб чиқиш.

Ишлаб чиқариш, молия, баҳо, кадрлар, реклама, сотиш ва бошқаларни амалга ошириш харажатлари ва натижаларини режалаштириш тизими.

5. Назорат қилиш.

Стратегик назорат (танланган тамойилни аниқ бозор ҳолатига тўғри келиш). Йиллик назорат (режадаги тадбирлар ва харажатларнинг бажарилиши), фойда олиш даражаси назорати.

Корхонанинг имкониятлари таҳлил килинганда унинг бозордаги шарт-шароитлари (ташки мухити) ва ўзининг ички салохияти тўғрисида батафсил ахборотлар тўплаб, аниқ хуласа чиқарилади. Бунинг учун “Бозорни комплекс тадқиқ қилиш” ва “Ҳолатли таҳлил” усулларидан фойдаланилади.

Бозорни комплекс тадқиқ қилиш бошланғич даври бўлиб, корхона маркетинг дастурини ва режасини тузиши учун манба хисобланади. Ҳолатли таҳлил, фирма фаолиятини ўзига хос тафтиш қилиш ва тарофлича баҳолашни ўз ичига олади.

Корхонанинг ривожланиш мақсадлари маркетинг тажрибасига кура бир неча йўналишлар орқали амалга оширилиши мумкин:

Биринчидан, экстенсив ривожланиш, яъни эгалланган бозорда (бозор сегментида) ишлаб чиқарилаётган товарни сотиш ҳажмини кўпайтириш орқали даромадни ошириш; иккинчидан, интенсив ривожланиш, бу йўл билан экстенсив имкониятлар тугагач, янги бозорларга чиқиш ёки сегментларни кенгайтириш ёки бозорга янги модификацияли товар таклиф этилади. Учинчидан, интеграциялашган ривожланиш орқали сотиш корхоналар билан хамкорликда улар ресурсларидан фойдаланиб, даромадни кўпайтириш, туртинчидан, диверсификация йўли билан, яъни корхона уз маркетинг фаолияти доирасида кушимча хом-ашёни, товарни, технологияни, истеъмолчиларни ўзлаштириш орқали рақобатбардошлигини оширишга ва фойдани кўпроқ олишга эришади.

Маркетинг стратегияси - мақсадга эришиш учун кандай ҳаракат қилиш керак? - деган саволга жавоб излайди. Стратегик режалаштириш корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш, истеъмолчилар, баҳо, реклама, сотиш ва бошқа фаолиятига асосий йўналиш аниқлайди, хар бир бўлими мақсадини белгилайди ва улар ишини мувофикаштиради.

Маркетинг стратегияси заминида қуидаги беш талаб (принцип) мавжуд, улар корхоналар фаолиятида хисобга олиниши мумкин:

1. Бозор бир хил эмас, у ўзига хос табақалар (сегментлар)дан иборат.
2. Корхона бозорда бир ёки бир нечта сегмент талабларини назарда тутиши мумкин. Аммо хар доим танланган бозори табақалари (сегментлари)ни ўзига жалб этишда, кўпроқ муваффакият қозонишни ўйлаш лозим.
3. Фирма бозорда мустакил ёки бошқа корхоналар билан хамкорликда фаолият кўрсатиши мумкин.
4. Маркетинг воситасини танлашда, кўпроқ бир-бирига мос ва узаро вазифалари билан бир-бирини тўлғизиб турувчиларни ишга солишини кузда тутиш керак. Масалан, товар упаковка(ўрама)си билан нарх, товар ҳаракати билан сотиш жойини, истеъмолчилар билан алоқаларни рекламага қўшиб ишлатилиши тавсия этилади.
5. Корхонанинг бозорга чиқишида иқтисодий ҳолатни хар томонлама хисобга олиш талаб этилади. Масалан, умумий ва савдо конъюктурасининг ҳолатини, рақобатчилар билан туттган урни ва бошқалар.

Маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишида энг муҳим муаммо, корхонани фойда олишга йўналтириш хисобланади. Унинг ечимини топишда жаҳон тажрибасида қуидаги ёндошишлар мавжуд.

“Портренинг умумий стратегик модели”да корхона барча имкониятларини бозордаги бир сегментга қаратади, товар ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш эвазига маҳсулотга паст баҳо белгилаб истеъмолчиларни кўпроқ жалб этади ва сотиш ҳажмини оширади. Бошқа ҳолатда эса, рақобатчилар йўқ бозорни янги товар ассортименти билан эгаллаб олади.

“Товарлар (бозорлар имкониятлари қолипи(матрицаси))”да фойдани кўпайтириш биринчидан -товар ҳаракатини ўзгартирган ҳолатда бозорни кенгайтириш, иккинчидан - хали талаб кондирилмаган бозорларга кириб бориш; учинчидан - корхона бозорда яхши танилгандан сунг янги товар ишлаб чиқариш ёки модификациясини ўзгартириш; туртинчидан - янги бозорлар учун янги товарлар ишлаб чиқариш орқали оширилади.

“Бостон консалтинг гуруҳи қолипи” орқали бозорда фойда олиш, корхона фаолият кўрсатадиган худудлардан энг самарали стратегик хўжалик бўлимларини танлаш билан амалга оширилади.

Биринчи худуд - **“юлдузлар”** (катта талаб ва бозорда юқори улушга эришилган). Бу худудни эъзозлаб, янада мустахкамлашчоралари курилади. Бозордаги улушни саклаш учун нархларни пасайтириш, реклама харажатларини кўпайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш ва бошқалар амалга оширилади.

Иккинчи худуд - **“согин сигирлар”** (паст талаб, аммо бозорда фирмани улуши юқори) Бу худудга каттик назорат ўрнатилади.

Учинчи худуд - **“кийин тарбияли болалар”** (талаб юқори, аммо бозорда улуш кам). Бу худуд имкониятларини ўрганиш ва “юлдузлар” худуди даражасига кутарилиши эҳтимоли борми ёки йукми? Керак бўлса, ҳаракатни кўпайтириш зарур.

Туртинчи худуд - **“итлар”** (паст талаб ва бозорда кам улуш). Агар бундай худудни эгаллаб туришга, кескин сабаб булмаса, ундан кутулиш керак.

Маркетинг дастурини ишлаб чиқиши кетма-кетлиги ва асосий бўлимлари

Маркетинг дастурини намунавий тузилиши ўзида қуидагиларни мужассамлаштиради:

- мақсадли бозор тавсифномаси ва ривожланиш башорати, шунингдек, маркетингни макро ва микромухит омилларини;

- мақсадли бозорда фирманинг бозор позицияси хулқ-атворини асосланган стратегия ва тактикасини танлаш;
- товар, коммуникация, сотиш, нарх ва кадрлар сиёсати бўйича асосланган маркетинг комплексини ишлаб чиқиши;
- дастурни молиялаштириш манбалари ва уни амалга оширишни назорат қилиш.

Аммо структуранинг тўлиқ стандартлашиши ва унификациялашиши хамда маркетинг дастури мазмуни доим хам мақсадга мувофик булавермайди. Дастурни ишлаб чиқиши учун ишлатиладиган намунавий кўрсаткичлар тизими ҳақида гапириш мумкин. Шундай қилиб, маҳсулот бўйича маркетинг дастурини мухим кўрсаткичлари қўйидагилар бўлиши мумкин:

- кузда тутилаётган бозор улуши;
- маҳсулот дифференциацияси, бозор улуши ва мақсадли бозор тавсифномаси ва башоратини хисобга олган ҳолда уни чиқариш ҳажми;
- башорат килинаётган фойда ва унинг ўсиш суръати;
- молиявий харажатларнинг тузилиши (ишлаб чиқаришни ривожлантириш, моддий-техника таъминоти, сотиш ва уни рағбатлантириш, реклама, сервис хизматлари ва бошқалар);
- битта маҳсулот учун ишлаб чиқариш харажатларини хисоблаш;
- фойданни аниқлаш (ялпи, соф, хар бир маҳсулот сотувидан тушган фойда ва хоказолар);
- сотиш самарадорлигини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш рентабеллиги ва бошқа кўрсаткичларни баҳолаш.

Маркетинг комплекси маҳсулот ёки ишлаб чиқариш бўлими бўйича маркетинг дастурининг таркибий қисми сифатида кўрилиши мумкин, шунингдек компаниянинг бозор сиёсатини асосий йўналиши бўйича асосланган қарор ишлаб чиқиши мақсади бўлиб хисобланган маркетинг дастурини алоҳида тури сифатида кўрилиши мумкин. Худди шундай дастурни намунавий тузилиши қўйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- мақсадли бозор (сегмент)ни ривожланишини башорат қилиш;
- мақсадли бозорга нисбатан фирманинг умумий стратегияси;
- товар сиёсати;
- коммуникация сиёсати;
- сотиш сиёсати;
- нарх сиёсати;
- маркетинг комплексини амалга ошириш учун харажатларни молиялаштириш манбалари ва бюджет;
- дастурнинг амалга оширилишини назорат қилиш.

Компаниянинг рағбатчилик афзалликларини товар бўйича, нарх даражаси, кўрсатилаётган хизмат ассортименти, сотиш каналининг марадорлиги, коммуникация сиёсатининг хозирги шароитга мос келиши ва унинг маркасини потенциал харидорлар ўртасида машхурлиги бўйича тавсифлаш мумкин.

Дастурнинг бу бўлимида шунингдек ушбу компания фаолиятини танланган бозорда ресурслар (молиявий, ишлаб чиқариш, маркетинг, инсон) билан таъминланганлигига баҳо бериш зарурдир. Товар сиёсатини ишлаб чиқишида қўйидаги маълумотлар хисобга олинади:

- товарнинг янгилик даражаси;
- чиқарилаётган маҳсулотнинг ассортименти;
- ушбу бозор сегментидаги ухшаш товарлар ёки уринбосар товарлар сони;
- ушбу бозор сегментини аниқ харидорлари эҳтиёжига унинг мос келиш даражаси;
- товар сифати;
- технологик мураккаблиги;

- сотишгача ва сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш бўйича талаблар даражаси;
- стандартлаштириш ёки товар мослашувчанлигининг мақсадга мувофиқлиги;
- янги товар учун; патентни ҳимоя қилиш ва патент соғлиги;
- компаниянинг мавжуд ташкилий тузилиши янги ишлаб чиқаришга мос келиши;
- янги товарни яратиш харажатлари ҳажми;
- мақсадли бозорда товар сертификациясининг мажбурийлиги;
- мақсадли бозорда янги товарни ишлаб чиқариш ва сотиш рентабеллиги;
- инвестицияни коплаш муддати;
- янги ассортиментни ўзлаштириш муддати ва уни оптималлаштириш;
- битта маҳсулот учун харажатлар ва бошқалар.

Сотиш сиёсатини ишлаб чиқиша қўйидагилар хисобга олинади:

- ушбу бозор сегментини сотув тармогига талабномаси;
- фирма сотувини ташкилий тузилиши ва малакали савдо ходимлари сони;
- ушбу бозор сегментида сизнинг корхонангиз иш тажрибасини баҳолаш;
- воситачилар хизматларидан фойдаланишни мақсадга мувофиқлигини баҳолаш;
- воситачилар ёрдамида сотиш ҳажмининг ўсиш имкониятлари;
- воситачиларни фирмага нисбатан сиёсати;
- сотиш тизимини яратиш учун молиявий маблаглар мавжудлиги;
- шахсий сотув тизими ва мукобил таклифлар рентабеллигини солиширма баҳолаш;

- бозорга мавжуд товарни етказиб беришни амалга ошириш;
- потенциал буюртмачилар сони;
- буюртмани таксимлаш характеристи;
- сотишининг географик концентрацияси;
- пировард истеъмолчиларнинг одатлари ва афзал куришлари;
- товарнинг бўлинувчанлиги;
- товарнинг ўзгарувчанлиги ва барқарор эмаслиги;
- фирма раҳбариятининг кураш харакатлари;
- сотиш каналини назорат қилиш ва хоказолар.

Нарх сиёсатини ишлаб чикиб, шундай параметрларни хисобга олиш фойдалиdir:

- рақобатчилар амалиётини хисобга олган ҳолда фирма имкониятлари ва мақсадларига мос келучви нархни ташкил этиш усулини танлаш;
- битта маҳсулот учун нарх даражаси;
- товарни яшаш даври босқичига мос нарх динамикаси;
- товарни янгилик даражаси, сифат фарклари ва техник даражаси бўйича ассортиментда (номенклатура)ги нарх нисбати;
- мақсадли бозордаги рақобатлашаётган аналог билан нарх даражаси муносабати;
- талабнинг эластиклик даражаси;
- функционал ва соф рақобат даражаси;
- мақсадли бозорга янги товар чиқариш учун нарх стратегясини таналш;
- сервис сиёсати, савдо маркасининг машхурлик даражаси, сотиш каналининг узунлиги ва савдо воситачилари тури, етказиб бериш шарт-шароити, чегиртма тизимини ва бошқаларни нархга мос келиши.

Реклама компанияси ҳақида қарор қабул қилиш учун қўйидагиларни таҳлил қилиш зарур:

- реклама сиёсати хусусиятлари;
- реклама аргументлари;
- реклама компанияси режаси;
- ушбу бозор сегментида кузда тутилган ва самарали реклама воситалари;

- реклама харажатлари ҳажми;
- реклама самарадорлигини баҳолаш усуллари;
- товар характерига рекламанинг мос келиши;
- реклама чора-тадбирларини товарнинг яшаш даври билан алоқаси;
- ярмарка ва кургазмаларнинг асосий турлари ва уларда катнашишининг имконий самарадорлигини баҳолаш;
- пировард истеъмолчилар ва сотиш бўйича воситачиларни рағбатлантириш воситаларини танлаш;
- сотишни рағбатлантиришга молиявий маблаглар ажратиш услублари, кайд килинган фоизлар услуби, фойда симасидан фоиз белгилаш услуби, келгусида кузда тутилаётган ёки утган давр сотиш ҳажмидан ва хоказолар.

Маркетинг дастурини амалга ошира бориб бюджетни аниқлаш орқали қуидагиларни кўриб ўтиш зарур:

- ушбу дастурда курилаётган барча маркетинг чора-тадбирларини амалга ошириш учун умумий харажатлар ҳажмини;
- маркетинг тадқиқотлари харажатлари;
- бозорни ривожлантириш башоратини тузиш харажатлари;
- фирманинг шахсий ишлаб чиқариш-сотиш имкониятларини ўрганиш учун харажатлар;
- маркетинг дастурини тузиш учун харажатлар;
- компаниянинг маркетинг бўлими ходимлари иш хаки учун харажатлар;
- маҳсус маркетинг ва реклама ташкилотлари хизматлари учун хак тулаш харажатлари;
- савдо воситачилари хизматларига хак тулаш харажатлари;
- ушбу маркетинг дастурини аввалдан ва якуний самарадорлигини баҳолаш учун харажатлар;
- маркетинг дастурини олиб борища назоратни амалга ошириш учун харажатлар ва мониторинг;

маркетинг дастурини амалга ошириш даврида жорий ўзгартиришларни киритиш учун харажатлар ва хоказолар.

СТРАТЕГИК ВА ТАКТИК РЕЖАЛАШТИРИШ

Маркетингда стратегик режалаштиришнинг мақсади ва вазифалари

Корхоналар учун режалаштириш фаолиятининг юқори даражасини ифодалаб, сотиш ва фойда олиш кўрсаткичларини яхшилашга хизмат киласи. Режалаштиришнинг асосий қисми стратегик режалаштиришдан иборатdir.

Стратегик режалаштириш - бу корхонани истиқболда куриш, корхонанинг иқтисодиетда, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги урни, ролини билиш ва янги даражага эришиш йўллари, воситаларини ишлаб чиқишидир. Стратегик режалаштиришда аниқ хисобланган кўрсаткичлар булмайди, балки турли башоратлар асосида мўлжаллар, келгусига назар ташлашдан иборатdir.

Корхона дастури уз ичига корхонанинг бугунги ҳолати ҳақида, унинг мижозлари, мижозлар учун кадрли бўлган томонлари, корхона истиқболи ҳақида маълумотларни олади. Савдо корхонаси бундай дастурни доимо диккат марказида саклаши, мунтазам равишида унга тузатишлар киритиб туриш керак. Корхона дастури мақсад кўйишга, унинг ахамиятини оширишга кумаклашади ва мақсадга эришишга йўллайди.

Корхона дастурида корхонанинг фаолият доираси кўрсатилади. Бу доиранинг чегараси бўлиб, маҳсулотлар, технологиялар, мижозлар гурухи, улар эҳтиёжи ёки бир неча омилнинг аралашмаси хизмат қилиши мумкин. Масалан, корхонада автомашиналар,

радио-теле-аппаратлари, бошқа товарлар сотилишини ифодалаш товарлар доираси чегарасини билдиради. Савдо корхонасининг имкони борича товар ассортименти кенгрок бўлиши керак.

Корхонанинг асосий мақсади фойда олиш бўлса, унга эришиш учун фойда келтирадиган товарларни сотишни кўпайтириш, улар хиссасини ошириш лозим. Бундай товарлар сотилишини кўпайтириш эса, товар манбаларини топишни, улар ичидаги энг самаралисини танлашни талаб этади. Булардан уз навбатида катор вазифалар келиб чиқади. Бу вазифалар маркетинг вазифалари бўлиб, маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиши талаб этади. Бунда бозорни ўрганиш, таклиф манбаларини ўрганиш, корхонага тегишли хар бир мол бўйича конъюктурани ўрганиш ва хулоса чиқариш жараени бажарилади.

Корхона хужалигини ривожлантириш режаси стратегик режалаштиришнинг муҳим босқичи хисобланади. Бунда хўжалик фаолиятининг бош йўналишлари таҳлили амалга оширилади ва айрим товарларнинг рентабеллиги аниқланади. Рентабеллик даражасига кура уни савдода колдириш ёки колдирмаслик, жалб этиш ёки жалб этмаслик қарорини қабул қилиш керак бўлади. Юқори рентабеллик товарларга кўпроқ молиявий ресурсларни сафарбар этиш, кам фойдалиларидан четлаша боришига қаратилган ишларни режалаштирилади.

Корхонани ўсиш стратегияси уз ичига корхонанинг келгусида яна кандай товарларни сотишни ўзлаштириши, кайси маҳсулотлар бозорига эътиборни кучайтириши, куч сарфлашини олади.

Корхонани ўсиш стратегиясини З босқичдаги таҳлил асосида ишлаб чиқиши мумкин. Биринчи босқичда хозирги фаолият доирасидаги фойдаланиши мумкин бўлган имкониятлари аниқланади. Бунда ўсишга жадаллаштириш омили орқали эришилади; товар ёки бозорнинг мавжуд ҳолатида имкониятларни топиш ва ўсишга интилиш урин эгаллайди. Имкониятлари турлича бўлиши мумкин. Жумладан, товарни бозорга чукуррок сингдириш (харидорнинг эътиборини кўпроқ қозониш мақсадида рақобатчисига нисбатан товарни арzonрок сотиш, сотилган товарлар маълум сонга етганида харидорга мукофот бериш билан рағбатлантириш, шу товарнинг янги истеъмолчиларини топиш) йўли билан сотишни кўпайтириш мумкин.

Бошқа имконияти бозор чегарасини кенгайтириш, яъни янги бозорлар топиш ва мавжуд товари билан уларда савдо-сотик юритишдан иборатдир. Навбатдаги имконияти товарни такомиллаштириш, яъни мавжуд молдан кескин фарқ киладиган, сифати, истеъмол киймати юқори бўлган молнинг яратилиши билан боғлиқдир.

2-босқичида корхона тармок доирасида бошқа корхоналар билан хамкоорликда (интеграция) ишлаши мумкин. Бунда шу тармок доирасида таксимот тизими каттик назорат килинади. Бунда рақобатчи фирмалари устидан доимий назорат олиб борилади.

Корхонанинг ўсиш стратегиясининг З-босқичида тармок доирасида ўсиш имкониятлари колмаган бўлса, корхонанинг мавжуд турига якинрок янги йўналишини танлаш, ўзлаштиришдан иборат жараен амалга оширилади.

Стратегик режалаштириш корхона фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасидаги барча ҳаракатларнинг мақсадга мувофиқ йўналишини акс эттиради. Сунгра хар бир йўналиш бўйича батафсил режалар тузилади, чунки маркетинг концепциясини куллайдиган корхоналар фаолият натижалари кўпроқ савдо соҳаси билан белгиланади, режалар орасида товар нусхасини яратишдан бошлаб то пировард сотишга кадар товар ҳаракати жараенларини камрайдиган маркетингни режалаштириш алоҳида уринни эгаллайди.

Асосий кўрсаткич маълумотлар йигиндиси, жорий маркетингга оид вазият баёни, хатарлар ва имкониятлар тафсили, вазифа ва муаммолар тафсили, маркетинг стратегияси, ҳаракат дастури, бюджет ва назорат.

Стратегик режалаштиришнинг асосий хусусияти-умумдоимий равища оператив ва стратегик назоратга таянишидир. Бу эса стратегияга тайнинли давр мобайнида турли ўзгаришларни киритиш ва ташки муҳит шароитларига мослашиш имконини беради.

Стратегик режалаштириш жараенида бевосита стратегияни ишлаб чиқиши босқичи қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилигши лозим. Дастребаки ҳаракат босқичи бўлиб, фирманинг истикболини таҳлил қилиш хисобланади. Ушбу босқичда: асосий ташки хавф-хатарлар, имкониятлар, “фавкулодда” ҳолатларни вужудга келиш тенденциялари ва уларни бартараф этиш имкониятлари хал этилади.

Иккинчи ҳаракат босқичида рақобатчилик курашидаги мавкеи таҳлил килинади. Ушбу босқичнинг асосий воситаси бўлиб-фирма фаолиятининг кайси йўналишида “рақобатчилик стратегиясини такомиллаштириб, фирманинг ялпи иш фаолиятининг яхшилаш мумкин?” деган саволга жавоб топилади.

Учинчи, энг муҳим ҳаракат босқичи - стратегияни танлаш хисобланади. Бунда фирманинг турли фаолиятлари бўйича истикболини киеслаш, танланган стратегияни амалга оширишда турли фаолият йўналишлари бўйича ресурсларни таксимлаш асосий урин эгаллади.

Лёкин кўпгина ҳолларда фирманинг мавджуд имкониятлари келгуси истикбол учун маъкул булмайди. Бунинг сабаблари бўлиб, фирманинг ички фаолияти доирасида ялпи стратегияни ишлаб булмаслик, узоқ ва қисқа истикболда уларнинг мос келмаслиги ёки бошқарувчиларининг режалаштириш ишларида ташки муҳит ўзгаришларига мослашувчанлик шароитларини ишлаб чиқиш зарурати хисобланади.

Кейинги ҳаракат босқичи - диверсификация йўлларини таҳлил қилиш жараени саналади. Ушбу босқичнинг асосий мақсади бўлиб, амалдаги фаолиятини кулами танловидаги камчиликларни ва келгусида фирма учун самарали бўлган йўналишларни аниқлаш хисобланади.

Тактик режалаштиришнинг роли ва ўри

Корхонанинг тактик режаси стратегик режасининг бир кисми бўлиб, унга қўйилган мақсадларга эришишнинг воситалари, усуслари аниқланади. Агар стратегик режалаштиришни асосий мезони узоқ муддатлилик хисобланса, унда маркетингни тактик режалаштиришда ўрта муддатли стратегик чора-тадбирлар амалга оширилади. Маркетингни оператив режалаштиришнинг мезони бўлиб қисқа муддатлилик хисобланади. Тактик режаларда умумий сотиш режаси, хар бир товар гурӯҳи бўйича таъминот ва сотиш режаси, даромадлар режаси, харажатлар режаси, фойда режаси, савдо учун зарур жиҳозлар, асбоб-ускуналар билан таъминланиш режаси, бозорнинг хозирги ҳолатига баҳо бериш, корхона имкониятлари ва хавф-хатарлари ифодаланади.

Тактик режаларда утган йилдаги кўрсаткичлардан, жумладан корхонанинг товар обороти кўрсаткичидан ўсиш, устунликка эга бўлиш мўлжалланса, бу ўсишга имкон берувчи воситалар (хусусан, сотишни рағбатлантириш, реклама ва бошқалар) хам келтирилади. Бозордаги сотиладиган товарлар харидори, асосий сегменти, истеъмолчиларнинг зарурати, рақобатчилар ва мол таксимоти йўллари кўрсатиб берилади.

Айниқса корхона фаолияти давомида кутаетган хавф-хатарини билиш, имкониятларини аниқлаш муҳимдир. Корхона раҳбарияти буларни доим диккат марказида саклаши ва хавф хатарнинг салбий таъсири олдини олиш чораларини излаши керак.

Товарни сотиш имкониятларида аввало корхонанинг бозордаги товари улуши, рақобатчилар ўртасидаги мавкеи хисобга олинади. Агар корхона товарининг сотилиш ҳажми ошаётган бўлса, бу ёки умумий иқтисодий ҳолатнинг яхшиланиши хисобига (бунда барча фирмалар обороти ошади) ёки рақобатчиларига нисбатан корхона фаолиятининг такомиллашгани хисобига бўлиши мумкин. Раҳбарият корхонанинг

бозордаги улуси ўзгаришини мунтазам равищда назорат қилиб бориши керак. Агар бу улуси ошиб борса, корхонанинг рақобат кобилияти кучайганини билдиради, ва аксинча.

Корхона рахбарияти, менеджери мижозлар муносабатига, уларнинг ўзгарувчан эҳтиёжига эҳтиёткорлик билан караши, уларни йукотмасликка йўналтирилган тадбирлар ишлаб чиқиши ва хаетга тадбик этиш йўлларини белгилаши керак. Бу борадаги ахборотлар мижозларнинг имконияти ёки таклифлари орқали фикрлари ёки маҳсус тутатиладиган сурвномалар ердамида тупланади.

Бозор талаби асосидаги жорий кўрсаткичлар мўлжалланган режа кўрсаткичларидан кескин фарқ кила бошласа, мўлжалланган режага тузатишлар киритилади.

Маркетинг назорати ва унинг турлари

Маркетинг назоратининг мақсадлари қўйидагилардан иборат:

- мақсадга эришиш даражасини белгилаш,
- яхшиланиш имкониятини аниқлаш,
- корхона мослашувчанлигини талаб килинган атроф-мухит ўзгаришларига канчалик мос келишини аниқлаш ва хоказолар.

Маркетинг фаолиятини назорати маҳсулотларни сотиш устидан назорат қилиш, сотиш имкониятларини таҳлил қилиш, тадбиркорлик фаолиятини назорат қилиш, маркетинг харажатларини таҳлил қилиш, техник ва стратегик назорат ва маркетинг тафтишини назарда тутади.

Рентабелликни назорат қилиш ҳақиқий сотиш ва улар тенденцияларини режалаштирилган кўрсаткичлари билан таккослашда хисобга олиш йўли билан амалга оширилади.

Фойдалиликни назорат қилиш ва маркетинг харажатларини таҳлил қилиш алоҳида товарлар, уларнинг ассортимент гурухлари, бозор сегментлари, худудлари, савдо каналлари, реклама воситалари, савдо ходимлари ва бошқалар бўйича амалга оширилади.

Маркетингни стратегик назорати ва таҳлили корхона ишлаб чиқариш-сотиш ва илмий-техник фаолияти ривожланишнинг асосий кийинчиликлари ва истиклонини аниқлаш мақсадида асосий вазифалар, стратегияларини чамалайди. Маркетинг тафтиши уз ичига маркетинг макро ва микро маркетинг муҳити маркетинг хизматларини фаолият юритиш самарадорлигини таҳлилини, хамда маркетинг сиесати, товар, нарх реклама ходимларини олади.

Маркетингда назоратни уч тури фаркландади:

1. Йиллик режани бажарилишини назорат қилиш;
2. Фойдалорликни назорат қилиш;
3. Стратегик назорат .

Йиллик режани назорат қилишдан мақсад мўлжалланган натижаларга эришишга ишонишдир. Бунда сотиш имкониятлари таҳлили, бозордаги хисса таҳлили, маркетинг харажатлари билан маҳсулот сотиш ўртасидаги нисбий таҳлиллар, мижозларнинг муносабатини кузатиш каби назорат усусларидан кенг фойдаланилади.

Фойдани назорат қилишни мақсади фирма нима хисобига даромад топаётганлигини ва кайси уринларда уни йукотаётганлигини аниқлашдан иборат.

Стратегик назоратнинг мақсади эса ҳақикатдан хам фирма узидағи маркетинг имкониятларининг энг яхшиларидан фойдаланаяптими ёки йукми эканлиги аниқланади.

Маркетинг тактикаси стратегиясидан фарқ қилган ҳолда бош мақсадда фирма маҳсулотига бўлган истеъмолчилар талабини шакллантириш ва қондириш тамойилларини хамда конъюнктура шароитларини ифодалайди. Маркетинг тактикаси маълум бир муддатдаги аниқ товар номенклатуроси бўйича хамда аниқ бозорда фирма мақсадларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши билан боғлиқдир. У конъюнктура ва ҳақиқий бозор ҳолати динамикасини хисобга олиш, шунингдек маркетинг стратегияси асосида шаклланади. Маркетинг тактикасини вазифаси корхонада маркетинг фаолиятини ташкил

этини жорий вазифалари билан қисман боғлиқдир. Маркетинг тактикаси фирманинг стратегик мақсадларига эришишни окилона таъминлашда маркетингни амалга оширишни йўллари ва воситалари, шакл ва усулларини аниқлайди ва тартибга солади.

Маркетингни оператив ривожлантиришда қисқа давр учун режа-тадбирларини аниқлаш йўли билан тактик дастурларни аниқлаштиради.

Маркетингни стратегик, тактик ва оператив режаларини ишлаб чиқиш жараёнида режалаштиришнинг турли хил услубларидан фойдаланилади. Улар бир-биридан муддати бўйича фарқ килади ва узоқ муддатли, ўрта муддатли ва қисқа муддатли бўлади. Узоқ муддатли маркетингни режалаштириш услугига портфел таҳлил, морфологик таҳлил, Дельфи услубларини киритиш мумкин.

БОЗОР КОНЬЮНКТУРАСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ ВА БАШОРАТ ЭТИШ

Бозор конъюнктураси ҳақида тушунча

Конъюнктурани ўрганиш маркетинг хизматини ажralmas қисмини ташкил этади. Бизнинг мамлакатимизда конъюнктурани ўрганиш 20-йилларда ташкил этилди. “Конъюнктура” лотинча сўз бўлиб, ҳолат деган маънони англатади, у кенг маънода уларнинг узаро алоқасидан олинган шартларнинг йигиндиси, утар шароит, предметларининг жойлашишидир.

Бозор конъюнктураси – бу маълум бир вақтда, маълум бир худудда талаб билан таклиф ўртасидаги нисбатdir.

Маркетинг шароитини ва бозорни текшириш иқтисодий, демографик, ижтимоий, табиий, сиёсий ва бошқа шарт-шароитларни тах-лил ва башоратни тахмин килади. Хозирги кунда деярли хамма йирик фирмалар хусусий конъюнктура хизматларига эгадирлар, улар узининг фаолият доирасида жаҳон ва миллий масштабда конъюнктурани ривожланишини кузатишиди. Иқтисодий конъюнктура бу омиллар ва кайта ишлаш шароитларининг ривожланиши ва узаро алоқадорликда талаб, таклиф, нарх омиллари асосида бозордаги бир куринишдир. Бу қўрсатилган аниқлик уз ичидаги конъюнктура тушунчасининг барча амалий сифатларини узида мужассамлаштиради.

Биринчидан, унда иқтисодий конъюнктура предмети қўрсатилган, яъни бозор, айирбошлаш соҳасидаги конъюнктурани аввал олиб борилаётган ишлар билан боғлайди.

Иккинчидан, конъюнктурани факат айирбошлаш соҳасидагини эмас, балки бутун ишлаб чиқариш жараёнини, яъни (ишлаб чиқариш, таксимлаш, муомала, истеъмол, булар айирбошлаш призмаси орқали аниқланади) уз ичига камраб олади.

Учинчидан, конъюнктура динамик ўсиш даврларида курилади.

Туртинчидан, конъюнктура ишлаб чиқариш жараёни аниқ тарихий шароитлари билан боғлиқ, ҳар бир ишлаш жараёнининг янги босқичи учун омилларнинг ва конъюнктурани ривожланишининг шароитларининг мослиги узига хосдир.

Бешинчидан, унинг куринишининг асосий шакли талаб, таклиф, ва нарх динамикасининг нисбатидир. Бир суз билан айтганда, айни шу омиллар бозорнинг ҳолатини ва динамикасини аниқлашда марказий бўғин бўлиб хисобланади. Конъюнктура тадқиқотининг 2та обьектига кура - яъни иқтисодий конъюнктура тушунчасидаги хўжалик ва товар бозори, 2 мустақил таркибий қисмга ажратилади

- 1) умумхўжалик конъюнктураси
- 2) товар бозори конъюнктураси.

Умумхўжалик конъюнктурани структуравий бирлик деб, шунга карамасдан товар бозорларининг ва кўплаб узаро муносабатлар конъюнктурасини йигиндиси деб караш мумкин. Товар конъюнктураси умумхўжалик конъюнктурасини ташкил этади, умумхўжалик конъюнктураси эса товар бозорлари конъюнктурасини келтириб чиқарида.

Шунинг учун хам умумхўжалик конъюнктурани уни ташкил этувчи товар конъюнктураларини хусусиятларининг арифметик суммаси деб хисоблаб булмайди. Товар бозорлари конъюнктурасини умумхўжалик конъюнктурасини элементи сифатида бирлашуви, бир бутун каби товар конъюнктурасини ташкил этувчиларга мавжуд булмаган янги сифатни беради. Шундай қилиб, унинг бутун қисми ва бўғинларининг белгилари узаро таъсирчанлиги ва узаро алоқадорлиги шаклларининг феъл - авторини, умумхўжалик ва товар конъюнктурасини ривожланишни аниқлади.

Бозор конъюнктураси ҳолати ва келгусида ривожланиш кўрсаткичлари хамда баҳолаш услублари

Конъюнктура таҳлили ўз ичига ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг ҳажми, таркиби, бир товарнинг бошқасининг урнини эгалай олиш имконияти, товар захиралари, нархнинг ўзгариши, реклама хизмати, бозор иштирокчиларининг ўрганишни олади. Бозор конъюнктурасини мунтазам равишда урганиб бориш савдо фаолиятини муваффақиятли якунига имкон беради. Хар даврда бозор конъюнктураси кайси товар чиқаришни кўпайтириш, кайси товарга талабнинг камайиши ҳакида аниқ маълумотлар беради. Бу маълумотлар ишлаб чиқариш учун хам савдо фирмаси учун хам зарурдир. Бозор конъюнктураси бозорда мувозанатни мавжудлиги ёки бузилганлиги билан характерланади. Шунга кура бозор конъюнктураси ижобий ва салбий, кулагай ва нокулай бўлиши мумкин.

Бозор конъюнктураси айрим товар ишлаб чиқарувчилар микёсига ва сотиб олувчиларнинг харид кобилиятига боғлиқдир, нарх- навога, моданинг ўзгаришига қараб хар хил бўлади. Бозорнинг келажакдаги ҳолатини ишлаб чиқаришнинг техникавий ахволи, унга сарфланган күшимча ресурслар, уларнинг кайтариб бериш муддатлари, товар захиралари динамикаси, экспорт ва импорт, шунингдек нарх - наводаги ўзгаришлар йўналишига қараб аниқлаш мумкин. Бу билан товар таклифи урганилади.

Инвестиция суммаси ва тузилишига, меҳнат предметига бўлган талаб ва корхона, ташкилотлар пул сарфининг йўналишига қараб, шунингдек аҳоли харид кобилиятининг, унинг товарлар билан таъминланишини даражасини хисобга олиб талаб урганилади.

Узок муддатли ўсиш имконияларини аниқлаш ва конъюнктура таҳлили бир -бира билан боғлик ва у бир-бирини тулдира боради.

Сифатли таҳлил қилиш учун тупланган маълумотларни 3 та гурухга бўлинади:

- утган давр конъюнктура маълумотлари;
- тадқиқ килинаётган давр конъюнктура маълумотлари;
- келгусидаги конъюнктурага таъсир этувчи маълумотлар.

Конъюнктурани таҳлил қилиш шакли бўлиб, конъюнктура шархи бўлиб хисобланади.

Конъюнктурани таҳлил қилиш саволларига утишдан аввал конъюнктурани кўрсаткичлар тизимини куриб чиқиш даркор.

Кўрсаткичлар шартли равища макро ва микро кўрсаткичларга бўлинади. Макрокўрсаткичларга - умумхўжалик конъюнктурасини тавсифловчи кўрсаткичлар: ялпи миллий маҳсулот, ялпи миллий даромад, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, товар оборот кўрсаткичлари, пул муомаласи кўрсаткичлари, истеъмол кўрсаткичлар киради. Микрокўрсаткичларга эса алоҳида товарлар бозорини тавсифловчи кўрсаткичлар киради: ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, маҳсулот сотилиши ва истеъмоли, нарх динамикаси ва х.к.

Умумхўжалик конъюнктуранинг таҳлилини изланишни мақсадига кура иккита йўл олиб бориш мумкин:

1. Агар маълум бир вақтнинг ичida конъюнктуранинг ривожланиш тенденциялари ва суръатларини билиб олиш масаласи куйилган бўлса, у ҳолда конъюнктура таҳлили шу вақтнинг ичida унинг динамикасини ўрганиш йўли билан олиб борилади,

2. Агар энг охирги санага конъюнктура ҳолатини аниқлаш масаласи куйилган бўлса, у ҳолда иқтисодий циклнинг фазасини ва фаза ичидаги мисол тарикасидаги жойини аниқлаш йўли билан олиб борилади. Шуни эътиборга олиш керакки, конъюнктура таҳлили ва узоқ тенденцияларнинг ривожланишини аниқлаш узора боғлиқ ва бир - бирини тулдиради.

Конъюнктура таҳлили жамиятнинг хўжалик хётининг кийинлигини хисобга олмаган ҳолда у ёки бу карашларни тасдиклайдиган узбошимчалик билан танланган омиллар ва статистикк маълумотларга ендошиб эмас,балки бир-бирига қарама-карши ходисаларнинг йигиндисига ендашиш керак. Конъюнктура таҳлилиниң шакли бу конъюнктура шархи ва маълумотномасидир.

Маҳсулотни ишлаб чиқаришни белгиланганлигига қараб,маҳсулотни абсолют бирлиги учловларида ишлаб чиқариб, ишлаб чиқариш даврини давомийлиги,истеъмолчилар доираси тезрок ёки сёкинрок конъюнктуруни ўзгаришини акс эттиради.

Баъзи тармоклар,масалан кора металлургия,хаво ва сув транспорти,курилиш белгиланган истеъмолчилар учун олдиндан буюртма қилиш тизими бўйича ишлайдилар.Бошқалар эса, яъни автомобиль , радиоэлектрон ва шу кабилар қиска муддат ичидаги ишлаб чиқарилади ва бозорда номаълум истеъмолчиларга сотилади. Узоқ муддатли товарларни ишлаб чиқаришни қисқариши ёки уз иши натижасида ишлаб чиқариш конъюнктурасини яхшилаш ёки ёмонлаш аниқ кўрсаткичи бўлиб хисобланмайди. Чунки катта буюртма портфелининг катталиги ёки шундай тармокларда унинг йуклиги маҳсулот ишлаб чиқариш динамикасининг иқтисодий циклнинг динамикасидан рад этади.

БОЗОР СЕГМЕНТАЦИЯСИ ВА ХАРИДОРЛАР ТУРЛАРИ

Бозор сегментацияси ҳақида тушунча

Маркетингни бошқарув тизимида бозор сегментацияси муҳим ахамиятга эга ва бозорда талабни ўрганиш ёки маркетологлар атамаси билан айтганда “*истеъмолчими таҳлил этиши*”- бозорлар ҳолатини таҳлил этишдаги биринчи босқич хисобланади. У уч таркибий қисмга бўлинади: *бозор сегментацияси; истеъмолчи талаби сабабларини ўрганиш; кондирилмаган эҳтиёжларни аниқлаш*. Бозор сегментацияси талабни кондиришга табакалangan ҳолда ёндашувга, товарларнинг тури, сифати ва микдорига кўра хар хил талаб қўядиган истеъмолчиларни гурухларга ажратишда турли мезонлар кўллашга асосланади, яъни бозор бир жинсли ходиса тарзида эмас , балки айрим-айрим сегментлар мажмуи тарзида , хар бир сегмент доирасида алоҳида узига хос бир талаб намоен бўладиган ходиса тарзида олиб каралади.

Бозорда харидорларнинг маълум бир товарга бўлган талаблари хилма-хилдир, хар бир харидорнинг узининг диди бор. Харидорнинг талаби, хоҳиши,эҳтиёжи, турмуш тарзи,товар сотиб олишдаги хулқ-атвори ҳақидаги маълумотлар самарали маркетинг тадбирлари ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятларини вужудга келтиради. Яъни бозор сегментацияси харидорларнинг талабига мувофик товарни таклиф этилишини ва товарга талабни катъийлигини таъминлайди.

Демак, харидорларнинг товарларни сотиб олишдаги хулқ-атворлари, талаби ва товарларга муносабатидаги хусусиятларига қараб, гурухларга ажратишни бозор сегментацияси дейилади.

Сегментларга ажратиш мезонларини танлаш кўп жихатлардан товар ёки хизматнинг турига, шунингдек корхона бозор фаолиятида хал килмокчи бўлган масалага боғлиқ.

Саноат товарлари ва кенг истеъмол товарлари учун танлов мезонлари бир-биридан жуда кескин фарқ киласиди. Режалаштириш эҳтиёжларига жуда мос келадиган макбул мезон товарни бозорда жойлаштириш масалаларига умуман тўғри келмаслиги мумкин.

Мабодо муайян мезон харидорлар ўртасида пайдо бўлган фаркларни изохлаб беришга имкон бермаса, унда бошқа мезонни киритиш ва то бу фаркларни равшан аниқлашга кадар тадқиқотларни давом эттириш лозим.

Сегментлашнинг асосий мақсади бозордаги хатти-харакатларни урганиб, уларнинг образини (моделини) ва келажакдаги эҳтиёж талабларни тасаввур қилишдан иборат. Хозирги рақобатда ютиб чиқишнинг асосий шарти янги, юқори сифатли товар ва комплекс сервис техника хизматларни хамда самарали сотиш усулларини қўллашдан иборат бўлиб колди. Ана шу талаблар асосида маркетинг тадқиқотларининг устувор тури истеъмолчиларни ўрганиш ва навбатида бозорни сегментлашдан бошланади, чунки бозор бир хил субъектлардан ташкил топган эмас.

Бозор сегментациясининг хусусиятлари

Бозорни сегментлаш, бозорни ўрганишнинг асосий усулидир. Унинг ердамида бозор (унинг таркибий қисмлари) сегментларга бўлинади. Бозор сегменти-бу истеъмолчилар, товарлар, рақобатчилярнинг шундай ажратилган қисмики, улар учун умумий хусусиятлар хосдир. Бозорни тўғри сегментлаш, шу сегментнинг специфик эҳтиёжларига катъий риоя килинган ҳолда кам харажатлар билан товар етказиб беришни тўғри ташкил қилишдан иборатдир. Халк истеъмоли товарлари бозорини тадқиқ этишда маркетингга оид адабиетларда икки турдаги мезонлар қабул килинади. Биринчиси харидорларнинг даромади, ёши, жинси, турар манзилгохи, оиланинг ҳаёт цикли, касби, турмуш тарзи ва шунга ухшаш умумий белгиларни хисобга олади. Мезонларнинг иккинчи тури сегментлашни ижтимоий гурухларнинг кадриятлари тизими ёки уларнинг маркетинг стратегиясининг, масалан, янги маҳсулот, янги сотиш тизими каби воситаларига кўрсатадиган кизикишлари асосида олиб боради. Амалиетда биринчи усул кўпроқ кулланилади, иккинчи усулни қўллаш күшимча кийинчиликларни келтириб чиқаради, чунки ижтимоий социология ва психология соҳаларида бевосита тадқиқотлар олиб бориш йўли билан маҳсус хисоб-китоб ишларини амалга ошириш талаб этилади.

Харидорларнинг муносабатини табакалаштирадиган асосий омил даромад хисобланади. Кўпгина мамлакатларда даромад бўйича уҷ гурухга сегментлашдан кенг фойдаланилади.

Биринчи гурух, энг юқори даромадга эга бўлган харидорлар, амалда улар жами харидорларнинг 10 % ини ташкил этади. Улар энг олий навли товарларни харид этадилар, харид куввати хамда уз гуруҳи иззат нафси бунга имкон беради. Бундай гурухлар хар бир мамлакатда бор, уларнинг даромад микдори шу мамлакатнинг умумий бойлигига боғлиқ бўлади.

Иккинчи гурух - хар бир мамлакатдаги ўртача даромад эгаларидир, уларнинг сони жуда кўп, гарчи бу гурух ичида яна узига хос табакаланиш бўлса-да, умуман олганда шу мамлакатда бозорнинг умумий стандартини белгилайдиган, ялпи товарларнинг асосий харидорлари шулар хисобланади.

Учинчи гурух - бир шахс хисобига энг кам даромад оладиган харидорлардан иборат. Улар аксарият ҳолларда ижтимоий таъминотнинг турли куринишларидан фойдаланадилар, уз даромадларининг 80 % ига якинини асосий эҳтиёжларни кондиришга сарфлайдилар.

Амалиетда ёш мезонидан хам кенг фойдаланилади. Кейинги вақтларда бозорнинг энг авжланган секторига айланган ёшлар сектори худди шу мезонга асосланган ва бу сектор бозорда уз иштироки учун кураш олиб бораётган жуда кўп корхоналар диккат-эътиборида туради. Жинс масаласи бозорни табиий равишда сегментациялашнинг омили хисобланади. Аёлларнинг эркакларга караганда бошқача уз эҳтиёжлари бор, улар маркетинг стратегияси воситаларига хам турлича муносабатда бўладилар, шу сабабли одатда бозорда аёллар сектори ажralиб туради, кийим-кечак, пойафзал, косметика бозорларида бу секторнинг урни айникса катта. Бозорни тадқиқ этишда кўпроқ макон

омили эътиборга олинади, демак, истеъмолчилар хулқи, хатти-харакатлари, муайян худудлар (катта шахарлар, саноат маркази, шунингдек туманлар)га мансуб бўлишини кўрсатадиган таъсир урганилади. Туманлар ўртасидаги ижтимоий фарклар иқтисодиёт ривожланишига қараб йуколиб бориши, сакланиб колиши ёки хатто кучайиб кетиши хам мумкин. Бу фарклар табиий ва жамгарилган ресурслар, шунингдек ишчи кучи ресурслари билан боғланган, урбанизация жараёнларига таъсир кўрсатадиган тегишли асосий фонdlар билан белгиланади. Фаркларни келтириб чиқарадиган яна бир омил - бу фан ва санъат марказларининг мавжудлиги ва уларнинг кенгайиб бориши хисобланади, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий жараёнларга таъсири хамма жойда юқори кадрланади. Маркетинг фаолиятида бу жихатлардан ташкари яна оила ҳаёти цикли деб аталмиш ходисага асосланадиган сегментлаш хам мавжуд, яъни цикл босқичларига қараб оиласда узига хос эҳтиёжлар ва даромад хажми вужудга келади

Истеъмол бозори ва техник-ишлаб чиқариш мақсадидаги маҳсулот бозорларини сегментлаш, харидорнинг сифат марка, нарх, реклама, товар ҳаракати шартлари саклаш ҳақидаги фикрлари асосида амалга оширилиши мумкин. Бозорнинг товар бўйича сегментланиши рақобатчилар учун сирли бўлган товар улчамларини, бу соҳадаги рақобатчилар фаолияти ва зафарларини сонини аниқлаш имкониятини компания ва фирмаларга беради. Бозор товарлар бўйича сегментланганда, шу товар фойдаланувчиларнинг гурухи, уларнинг йўналишлари, фойдаланиш мақсадлари, нисбатан ахамиятли параметрларини аниқлаш имконини беради.

Бозорда истеъмолчи узини кандай тутиши, аввало, унинг товар, нарх ҳақидаги тасаввури, молиявий имкониятлари, диди, билим даражасига боғлиқ бўлади. Нарх тўғрисидаги қарор қабул қилишда сотувчининг хулқ-атвори уз фаолиятидан кутиладиган самара; воситалар обороти, фойдали савдо чегиришлари ва ассортимент самарасига боғлиқ бўлади. Рақобатчилар хулқ-атвори ишлаб чиқарилаётган товарларга нархларда, янги товарлар чиқариш ва уларни сифатини яхшилашда ифодаланади. Маркетингда харидорларни сегментациясида ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол бозорида икки хил ёндашув бор. Чунки бу икки хил бозордаги харидарлорнинг хулқ-атворлари хам хархилдир.

Ишлаб чиқариш воситалари харидорлар маълум бир товарни корхона фаолиятини ва бозорни чукур таҳлил қилиб, савдодан келадиган нафни аниқ билгланиридан кейингина сотиб оладилар. Истеъмол буюмлари харидорлари сегментация белгилари жуда хилмачилдир, бу белгиларни танлаш жараёни жуда мураккаб.

Географик белгилар узи маъмурий чегараланишини, ерни ҳолатига қараб бўлинишини, иклимий бўлинишларни уз ичига киритади. Масалан, харидор кайси маъмурий территориал чегарада кўпроқ жойлашган. Республикаизда 13 та территориал бўлинмалар бор. Бу бўлинмалар бир-биридан аҳолини зичлиги, сони ва ижтимоий-иқтисодий даражаси бўйича фарқ килади. Аҳолининг хам сотиб олиш имкониятлари хархил. Шунингдек, бу территориал бўлинмалар ернинг ҳолатига қараб хам бир неча гурухларга бўлиниши мумкин. Масалан, серхосил, серсув водийлар, янги узлаштирилган ерлар, дашт, чул, ярим чул зоналари. Харидорларни сегментларга бўлишда Республикаизда хисобга олиниши зарур бўлган белгилардан яна бири, Аҳолини урбанизация даражасидир. Яна хозирги вақтда республика аҳолисининг фактат 35-40 % игина шахарларда яшайди, колган 60-65 % аҳоли эса кишлокларда яшайди. Бу эса аҳолининг товарларга бўлган эҳтиёжларининг хусусиятини аниқлашга таъсир килади.

Демографик кўрсаткичлар хам истеъмол буюмларига бўлган эҳтиёжларни шаклланишига катта таъсир этадиган фаолиятлардан хисобланади. Чунки харидорларнинг ёши ўзгариши билан товарларга муносабати ўзгаради. Республикаизда олиб борилаётган маркетинг фаолиятларида аҳоли асосан 5 гурухга бўлинади:

- * мактаб ёшигача;
- * мактаб ёшида;
- * 18-30 ёшгача;

- * 30-50 ёшгача;
- * 50 ёш ва ундан катталар.

Бу бўлиниш республикамиз аҳолисини илмий-психологик хусусиятларидан келиб чиқади. Истеъмол буюмларига бўлган эҳтиёжларни шаклланишида мамлакатдаги оиласаларни катта-кичиклиги муҳим ахамиятга эга. Маркетингда асосан мамлакат аҳолиси оиласининг сони бўйича 3 гурухга бўлинади:

- 1-2 киши;
- 3-4 киши;
- 5 ва ундан юқорирок.

Бу бўлиниш кўпгина мамлакатларда қабул килинган.

Маркетингни бошқаришда алоҳида этибор берилаётган сегментация белгиси - бу харидорни сотиб олишдаги хулқ-авторидаги белгилари хисобланади. Филипп Котлер узининг китобида бир неча белгиларни кўрсатиб утади. Улар қўйидагилар:

Товарни сотиб олиш сабабига кура доимий, алоҳида сабабларга кура.

Сотиб олишдан манфаатига кура. Сифати, хизмат кўрсатиш турлари. Иқтисод қилиш учун.

Фойдаланувчи сифатидаги урнига қараб:


- * фойдаланмайдиган;
- * олдин фойдаланган;
- * доимий фойдаланувчи;
- * янги фойдаланувчи;
- * энди фойдаланмокчи бўлган;
- * товарларга бўлган муносабатга қараб.

Юқорида айтиб утилган белгилар харидорни характерини тула-туқис очиб беришга, уни товарга бўлган муносабати ва сотиб олиш имкониятини аниқлашга имкониятини аниқлашга ёрдам беради.

Бозор сегментацияси турлари

Бозорни сегментлаш маркетинг концепциясининг хусусиятларидан бири бўлиб, харидор томонидан товарларнинг у ёки бу турини танлаш жараёнини таҳлил қилиш бозор сегментининг кўплигини ажратишга имкон беради.

Бозорни сегментларга бўлишни ўтказиш харидорларнинг товарга талаблари ва харидорлар тавсифлари тўғрисидаги энг мувофик билимларни талаб киласди.



Макросегментлаш бозорларни худудлар, мамлакатлар бўйича уларнинг саноатлашувига қараб бўлишни кузда тутади.

Микросегментлаш эса бир мамлакат истеъмолчиларини янада батафсилрок мезонлар бўйича гурухларга бўлади.

Ичкарида сегментлашда сегментлаш жараёни кенг истеъмолчи гурухлари билан бошланиб, кейин товар ёки хизматларни охирги истеъмолчилари классификациясига боғлиқлигига қараб босқичма-босқич чукурлашади.

Чукурда сегментлаш тор истеъмолчи гурухлари (сегментлари) билан бошланиб, кейин товарни ишлатиш ва кулланиш соҳасидан боғлиқлигига қараб кенгайтиришни назарда тутади.

Аввалдан сегментлаш максимал бозор сегментини ўрганишга мўлжалланган маркетинг тадқиқотининг бошлангич босқичидир.

Яқуний сегментлаш – бозор муҳити шароитлари ва фирманинг уз имкониятларини тартибга солиб ўtkазишдаги бозор таҳлилини якунловчи босқичидир. У истеъмолчилар талабига ва фирма имкониятига жавоб берувчи сегментта товарларни позициялаштириш мақсадида бозорни оптимал сегментини кидириш билан боғлиқ.

Истеъмолчилар турига кура истеъмол талабдаги товарлари истеъмолчиларни сегментлаш ва ишлаб чиқариш, техник мақсадидаги товар истеъмолчилари бўйича фарк килади.

Тегишли маҳсулот ишлаб чиқарувчилар назарга илмаган сегмент бозор дарчаси деб аталади. Бозор дарчаси хеч хам маҳсулот танкислигини билдирамайди.

Бозор уячаси шундай бозор сегментики, унинг учун ушбу фирма товарлари ва уларни етказиб бериш имкониятлари энг кулагай ва муносибдир.

Бозор сегментациясининг асосий тамойиллари

Бозор сегментациясининг тамойиллари қуйидагилардир:

1. Географик тамойил
2. Психографик тамойил
3. Демографик тамойил
4. Хулқ-автор тамойили

Географик тамойил орқали бозорни жойлашуви, ахолининг сони ва зичлиги, тижорат фаолиятининг тузилиши, регионни ривожлани динамикаси, инфляция даражаси, хукукий чеклашлар хисобга олинади.

Психографик тамойил натижасида ҳаёт тарзи, шахснинг типи, жамоат ҳолати каби хисобга олиниб, турмуш тарзи шахснинг уз фаолиятида, кизикишларида, катъиятида ва эътиқодларида уз аксини топади. Шахснинг тури эса ҳаётдан мамнун, меланҳолик, узгалардек иш курувчи, узбилармон ва бошқа хислатларда бўлиши мумкин.

Демографик тамойилларда оилани сони ва сифат таркиби, оиланинг ҳаётнийлик цикли босқичи, даромадлилик даражаси, машгулот тури, маълумоти, миллати кабилар инобатга олинади хамда бозор сегментациясининг асосий тамойилларидан бири хисобланади.

Хулқ-автор тамойили орқали харид қилишга йўл, фойдаланувчи макоми, истеъмол жадаллиги, бояланиб колиш даражаси, товар ҳакида маълумот бериш, товарга бўлган муносабати хисобга олинади.

Мақсадли бозор сегментларини танлаш ва товарни бозордаги жойлашиш позицияси

Бозорни таҳлил қилиш учун сон ва сифат кўрсаткичлари, шунингдек, ракобат ҳолатининг тавсифномаси, тармокни тузилиши ва таксимлашни тузилиши кўрсаткичлари

ишлиатилиши мумкин. Бозорни таҳлил қилиш учун кўрсаткичлар қуидаги жадвалда берилган.

1-жадвал

Бозорни таҳлил қилиш учун кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	Тавсифнома
Сон кўрсаткичлари	Бозор сигими, бозорни ривожланиш динамикаси, фирманинг бозордаги улуши, бозор салохияти ва бошқалар
Сифат кўрсаткичлари	Эҳтиёжни тузилиши, харид мотивлари, уларнинг динамикаси, харид жараёни, эҳтиёжларни стабиллаш, ахборотлаштириш
Рақобат мухити	Рақобатчи фирмаларнинг маҳсулот сотиш хаж-ми, фойдаланаётган маркетинг стратегиялари, молиявий куллаб кувватлаш имкониятлари
Харидорлар тузилиши	Харидорлар сони, харидор тури, харидорлар сони динамикаси, харидорларни худудий хусусиятлари
Тармок тузилиши	Ухшашиб товарлар таклиф килаётган сотувчилар сони, сотувчилар тури, уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш даражаси, рақобатдаги потенциал имкониятлар, ишлаб чиқариш кувватлари хажми
Таксимлашнинг тузилиши	Географик хусусиятлар, сотиш тармокларининг хусусиятлари, транспорт билан таъминланганлиги

Таҳлилдан ташкари бозор сегментини танлашда сегментлашни режалаштириш кузда тутилади. Сегментлашни режалаштириш жараёни қуидаги босқичларни уз ичига олади:

1. Истеъмолчилар талаблари ва тавсифномаларини аниқлаш
2. Истеъмолчиларнинг турли-туманлиги ва ухашлиги таҳлили
3. Истеъмолчилар гурӯхлари соҳасини ишлаб чиқиши
4. Истеъмол сегментини танлаш
5. Рақобат мухитида компания урнини аниқлаш
6. Барча маркетинг-микс комплекси чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқиши.

Бозорни сегментациясининг режалаштириш жараёнини ташкил этишда қуидаги талабларга риоя қилиш зарур:

- сегментлар узаро бир-бири билан фарқ қилиши зарур
- хар бир сегментга факат истеъмолчи талабига мос келувчисини киритиш зарур
- истеъмолчиларни тавсифномаларини фирма томонидан улчаш мумкин бўлиши зарур
 - хар бир сегмент размер бўйича бўлиши, яъни сотиш хажми ва харажатларни коплашни улчashi керак
 - хар бир сегмент истеъмолчилари ахборотга таъсир этиш учун ва реклама компаниясини уткзиш учун осон ва тушунарли бўлиши зарур.

Сегментация жараёнининг муҳим босқичи бўлиб бозорни мақсадли сегментини танлаш хисобланади.

Мақсадли сегментни танлаш муаммоси етарли даражада мураккаб бўлиб, уни ечиш учун қуидаги кетма-кетликда туриши тавсия этилади:

- сегмент улчамини ва уни ўзгариш (ўсиш, камайиш) тезлигини ўрнатиш
- сегментни жалб этувчанлик тузилишини тадқиқ этиш
- узлаштираётган сегмент мақсадини ва ташкилот ресурсларини аниқлаш

Сегмент улчами унинг микдорий улчамлари ва биринчи навбатда сигими билан тавсифланади. Сегмент сигимини аниқлаш учун товарлар хажмини, ушбу сегментда

уларни умумий сотиш киймати, бозор жойлашган туманда яшовчи ушбу товарнинг потенциал истеъмолчилари сонини аниқлаш зарурдир.

Бозор сигимини ўрганиш асосида ишлаб чиқариш кувватларини шакллантириш учун ва товар сотиш бўйича таксимлаш тармоги тузилиши учун асос бўлиб хисобланувчи унинг ўсиш динамикаси баҳоланади. Шуни хисобга олиш керакки, яъни бозор фаолияти натижалари қўллаш, бозорда ишлаш боғлиқ харажатларни коплаб, режалаштирилган фойдани олишга кафолат бериши керак.

Сегментни жалб этувчанлиги тузилишни тадқик этиш рақобат даражасини ўрганишни, мавжуд маҳсулотлар рақобатбардошлигини, харидорларга муносабатини, таклиф этилаётган ва мавжуд товарларга бўлган сегмент эҳтиёжини барқарорлигини, мавжуд харидор эҳтиёжларини кондирувчи мутлако янги маҳсулотни бозорга киритиши зарурлиги ва имкониятини уз ичига олади.

Узлаштираётган сегмент мақсадларига эришиш учун зарур бўлган ташкилотнинг мақсад ва ресурсларини аниқлаш стратегик мухим ахамиятга эга бўлиб, ташкилотни узоқ муддатли мақсадларига мос ҳолда жорий мақсадлари билан амалга ошириш хамда шунга мос ҳолда мақсадли бозорда ишлаш учун потенциал имконият ресурсларини етарлимни ёки йуклигини ўрнатиш учун зарурдир. Бунинг учун таваккалчиликни хисоблаш мақсадга мувофик. Ташкилотнинг таваккалчилигини хисоблаш учун маҳсус маркетинг, консалтинг компанияларини таклиф қилиш мумкин.

Имконий бозор сегментлари сонини оптималлаштириш учун концентрангтан ва дисперсли услубларни ишлатиш мумкин. Концентрангтан услуб келгусидаги яхши сегментни ахтаришга асосланган. У унча киммат булмаган, лёкин катта вақт харажатларини талаб килади. Дисперсли услуб бир вақтнинг узида бир неча бозор сегментида ишлашни кузда тутади, кейинчалик маълум даврдаги фаолият натижаларини баҳолаш йўли билан самаралирек бозор сегментини танлайди.

Фойдали бўлган сегмент жорий сотувнинг юқори даражасига, юқори ўсиш суръатига, юқори фойда нормасига, сотиш канали талабларига реал ва рақобатга чидамли бўлиши керак.

Бозордаги фаолият стратегияларини асослашда уч турдаги стратегиялар ишлатилиши мумкин:

1. Дифференциалланмаган маркетинг
2. Дифференциалланган маркетинг
3. Концентрангтан маркетинг

Амалиёт шуни қўрсатадики, бозор муносабатларини тикланиши ва шаклланиши даврида тадбиркорлик тузилишида кўплаб корхоналар дифференциалланмаган маркетинг стратегиясини ушлаб турди. Бу стратегия фирмани харидорларни харид жараёни ва товарга бўлган муносабат хамда мотивациясидаги турли-туманликка эмас, балки харидор эҳтиёжларида кизикишни умумийлигига мўлжални олади.

Бундай товарлар ва маркетинг дастурларини ишлаб чиқиши орқали фирма уз мақсадига харидорларни ўртача массасини кондириб эришиши мумкин. Стратегияни ишлатувчи фирмалар муваффақиятнинг мухим омили бўлиб стандартлаштириши ва товар ишлаб чиқаришни умумийлиги хисобланади. Дифференциалланмаган маркетинг стратегияси маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишда кам харажатларни таъминлайди.

Маркетингни замонавий концепциясида иккита стратегия курилади: дифференциалланган ва концентрангтан маркетинг.

ТОВАР ВА ТОВАР СИЁСАТИ

Товар – эҳтиёжни кондириш воситасидир

Товар-мураккаб кўп киррали тушунча, бирок бунда энг асосий нарса истеъмол хусусиятлари, яъни товарнинг уз вазифасини бажариш-унга эга бўлган истеъмолчининг эҳтиёжларини кондириш хусусиятидир.

Товарнинг истеъмол киймати унинг истеъмол хусусияти мажмуасидир.

Товарнинг қуийдаги хусусиятларига қараб алоҳида эътибор берилади:

-ранги, упаковкаси (ураш, боғлаш), ташки куринишининг фасохати (дизайни), эргономик хусусиятлари (фойдаланиш, таъмирлаш ва бошқаларнинг кулайлиги ва бошқалар).

Товарни ишлаб чиқаришдан олдин унинг истеъмол хусусияти таҳлил килинади.

Товар-мураккаб кўп киррали тушунча, бирок бунда энг асосий нарса истеъмол хусусиятлари, яъни товарнинг уз вазифасини бажариш-унга эга бўлган истеъмолчининг эҳтиёжларини кондириш хусусиятидир.

Товарлар куйидаги мезонлари бўйича алоҳида гурухларга бўлинади:

- мақсадли кўрсаткич бўйича
- бозор турига кура
- фойдаланишга тайёрлигига кура
- истеъмолчилар сонига қараб бўлинади.

Мақсадли характеристига кура эса товарлар истеъмол товарлари ва ишлаб чиқаришга оид товарларга бўлинади.

Истеъмол товарлари – бу шахсий истеъмол учун мўлжалланган товарлардир. Улар кундалик талаб товарлари, дастлабки танлов асосида олинадиган товарлар, алоҳида талабдаги товарлар, пассив талабдаги товарларга бўлинади.

Кундалик талаб товарларига кундалик турмуш учун зарурий озик-овкатлар, кир ювиш, тозалаш воситалари, уй хужалиги учун зарурий майда товарларни киритиш мумкин.

Кундалик истеъмол товарларини истеъмол қилиш интенсивлигига кура уларни уз навбатида З та қуий гурухга ажратиш мумкин:

1. Доимий эҳтиёждаги асосий товарлар (нон, хўжалик совуни)
2. Импульсив тарзда сотиб олинадиган товарлар (сакич, газета)
3. Фавкулодда ҳолатлар учун харид килинадиган товарлар (зонт).

Дастлабки танлов асосидаги товарлар сафиға: мебель, кийим-кечак, уй-рузгор учун электр жихозлари киради ва у харидорларни киёслашни, нарх, мода, дизайн жихатидан танловда бир мунча мулоҳаза юритишни талаб килади. Ушбу товарлар:

- ухшаш товарлар (сифат жихатдан бир-бирига якин, лёкин дизайн, нархи бўйича фаркланди,)
- алоҳида куринишдаги товарлар (ранги, фасони, нави жихатидан)

Пассив талабдаги товарлар – харидорларга нотаниш ёки улар хусусида жуда кам уйлайдиган товарлардан таркиб топади. Ишлатиш вақтига кўра:

- кисқа муддатли фойдаланишга оид товарлар
 - узоқ муддатли фойдаланишга оид товарлар
- Товар сиёсатини асосий мақсади бўлиб
- фойдани таъминлаш
 - таксимотни устириш
 - фирма харакат килаётган бозор улушкини кўпайтириш
 - ишлаб чиқариш ва маркетингшга харажатларни тежаш
 - имиджни ошириш бўлиб хисобланади.

Товар сиёсатида асосий мақсадга эришиш қуийдаги соҳалардаги вазифаларни хал этиш орқали амалга оширилади:

- унинг инновацияси
- вариация
- дифференция
- элиминация
- маркани ўрнатиш ва танлаш
- кадоклаш

- товарни шакли , тури ва бошқалар
- Шунга мос холда товар сиёсатининг масалалариға қўйидагилар киради:
- янги товарларни кидириш
- янги товарларни ривожлантириш
- бозорга янги товарларни киритиши
- товар шаклларини асослаш
- товар сифатини тартибга солиш
- бозордаги янги товарлар хулқ-авторини назорат қилиш ва бошқалар.

Биринчи З таси бозорга янги товарларни киритаётганда хал этилади, колган вазифаларни хал этиш товарни бутун ҳаёти давомида амалга ошади. Бунинг учун, яъни қарорни асослаш учун товарни ҳаётийлик цикли модели ишлатилади.

Товарлар ва хизматлар ассортименти – бу фойдаланиш бўйича бир-бирига жуда ухшаш товарлар (хизматлар) гурӯҳидир.

Товар сифати – бу товарнинг уз функцияларини бажаришда куринаси ва у қўйидаги параметр билан характерланади, яъни узок муддат хизмат кўрсатиши, пишиклиги, фойдаланишда соддалиги ва бошқалар.

Маркетинг фани бўйича товар сифати харидорлар берган баҳо билан улчанади.

Рақобат ва товарнинг рақобатбардошлиги ҳақида тушунча

Рақобат - бу эркин тадбиркорликнинг ажралмас бир булагидир.

Хозирги бозор иқтисодиетига утиш шароитида мамлакатимизни иқтисодий салоҳиятини мустахкамлаш ва ривожланишда, дуне бозорида илдам катнашишда товарлар сифатини кутариб, уларни рақобатбардош товарларга айлантириш энг долзарб муаммолардан биридир.

Бозор иқтисодиети шароитида рақобат алоҳида фаолликка эга бўлади.

Хар бир харидор узига еккан товарни сотиб олади, истеъмолчилар эса рақиблар товарига нисбатан кўпроқ ижтимоий эҳтиёжларига мос келувчиларини танлашади. Шунинг учун рақобатбардошлиқ (танланган бозорда товарни сотиш имконияти)ни факат рақиблар товарни солиштириш орқали аниқлаш мумкин. Рақобатбардошлиқ нисбий тушунча, аниқ бозорга ва унга кириш вақтига боғлиқдир.

Товар рақобатбардошлигини ўрганиш мураккаб ва уз ичига қўйидаги босқичларни олади:

- товарни сотиш бозорни ўрганиш;
- рақиблар ҳақида маълумотлар йигиши;
- истеъмолчилар талабларини ўрганиш;
- рақобатбардошлигини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқариш ва бозорга синов сотишлари билан чиқиш ҳақидаги қарор.

Бу масалаларни хал қилиш корхонада товар рақобатбардошлиги даражасини баҳолашнинг узлуксиз тизимини яратишни талаб килади.

Хар кандай товар бозорга чиқиши биланок уз рақобат кобилиятини йукота бошлайди, бу жараенни сёкинлатиш мумкин, бу иқтисодий фойда ва олдинги буюм рақобат кобилиятини тула йукотиш пайтигача бозорга янги товар билан чиқиш имкониятини беради.

Рақобат сузи лотинчадан олинган бўлиб, мақсадга эришиш учун курашни билдиради. Бозорда рақибларнинг мақсади харидорни товарни харид қилишга жалб килишдан иборат.

Товар рақобатбардошлигини асосий шарти қўйидаги куринишга эга бўлган худди шундай товарга нисбатан энг катта ялпи фойдали самарадан иборат:

$$K = P/C \longrightarrow \text{max}$$

бу ерда: Р-товарнинг фойдали самараси;

С-товарни харид қилиш ва фойдаланишга оид харажатлар (сотиб олиш харажатлари);

Товарнинг рақобатбардошлигини баҳолаш қуйидаги босқичларни уз ичига олади:

- бозорни таҳлил қилиб, узимизнинг товаримизга ухшаш намунасини топиб олиш;
- бизнинг товар билан солиштириладиган товарлардаги асосий қўрсаткичларни белгилаш;

- узимизнинг товаримиздаги интеграл рақобатбардошлик хусусиятини аниқлаш.

Рақобатнинг асосий куроли бўлиб, талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш воситалари хизмат килади. Асосий ахборотни харидорлар товар ишлаб чиқарувчилардан олишади. Харидорларни асосан товарнинг истеъмол киймати кизикитиради. Рақобат асосан қуйидаги куринишларда бўлиши мумкин: товарларнинг хизматлари бўйича, бир хил эҳтиёжни кондиришга қаратилган рақобат, бир хил товарни хар хил фирмалар ишлаб чиқариш орқали бўладиган рақобат; ёки бир хил фирма томонидан хар хил модификацияда товар ишлаб чиқариш.

Нархлар орқали рақобатлашиш энг кенг таркалган.

Хозирги даврда рақобат узига хос киёфа касб этмокда. Нархлар соҳасида рақобат ишлаб чиқаришни харажатлар энг кам бўладиган мамлакатларда йўлга кувишни талақ килади.

Нарх билан рақобат утмишда эркин бозор рақобати бўлган, бозорда бир хил товарлар хар хил нархлар билан сотилган даврларда пайдо бўлганди. Ишлаб чиқарувчи нархни пасайтириш билан уз товарини ажратиб қўрсатишга, унга эътиборни каратишга ва пировард натижада узи истаган бозор хиссасини эгаллашга эришган. Хозирги замон бозор шароитларида нарх билан очик рақобат амал килмайди, чунки ишлаб чиқарувчилардан бири нархни пасайтириши билан унинг рақиби хам шу ишни килади, бу эса фирманинг бозордаги мавкеини ўзгартирмайди, балки, умуман тармокдаги фойданинг пасайишига, асосий фондларни янгилаш ва кенгайтириш учун инвестицияларнинг камайишига олиб келади. Натижада кутилган зафар ва рақибларни суреб чиқариш урнига кутилмаган хонавайронлик ва синиш юз беради. Шу сабабли саноат монополиялари нархларни иложи борича узоқрок ушлаб туришга, таннархни хамда маркетинг харажатларини тобора пасайтириб, фойдани кўпайтиришга интилади. Фан-техника тараккиёти ютуклари туфайли рақобатнинг нарх билан боғлиқ булмаган усувларидан фойдаланишнинг кулагай шароитлари юзага келди.

Нархсиз рақобатда товарнинг нархи эмас, балки унинг юқори сифат, паст истеъмол нархи, замонавий дизайн, сервис хизмати, ишлаб чиқарган фирма шухрати рақобат курашининг асосий омилига айланади.

Нархни пасайтириб бозорни эгаллаш стратегиясини ўрганишда қуйидаги саволларга жавоб топилади:

-бошқа товарларни рақобатбардошлигини белгиловчи омиллар кайсилар?

-рақобатчи-фирмаларнинг реклама воситалари ва сотишни рағбатлантириш усувлари кандай?

-кайси савдо белгилари ишлатилмоқда?

-рақобатчилар товарларининг урамаси-безаклари, дизайнда нималар кузга ташланмоқда?

-товарни кафолатли ва ундан кейинги ишлатиш даврларида кандай сервис таклиф килинмоқда?

-миллий савдо тармоклари орқали товар сотилмоқдами ёки фирма уз шахобчасини очганми?

-рақобатчилар куллаетган товар ҳаракати (транспорт, захиралар ҳажми, омборлари ва уларнинг жойланиши).

Натижада рақобатчи шундай ҳаракат қилишяпти? Бошқача йўли йўқми? Деган саволларга жавоб топилади.

Рақобатбардошлик кенг тушунча бўлиб, унга кўплаб омиллар таъсир этади.

Фирманинг рақобатбардошлиги даражасини баҳолашда тармок бозорида рақобат кураши жадаллигини белгилайдиган омиллар таҳлил учун асос сифатида хизмат килади. Бу омилларга қуидагилар киради:

1. Рақобатчи фирмалар сони, ва уларни киесий куввати;
2. Рақиблар ҳаракатларининг диверсификациялашуви даражаси;
3. Бозордаги талаб ҳажмини ўрганиш;
4. Маҳсулотни табакалашуви даражаси;
5. Истеъмолчининг бир ишлаб чиқарувчидан бошқасига кучиш ҳаракатлари;
6. Бозордан чикиб кетиш тусиклари ва уларнинг даражаси.
7. Бозорга кириб келиш ва унинг даражаси.
8. Ендош тармок бозорларидаги вазият.
9. Рақиблар стратегиясидаги фарклар.
10. Ушбу бозорда рақобат учун алоҳида сабабларнинг бўлиши, рақобат даражаси бозорнинг алоҳида бир жалб этувчанлик ёки аксинча бездирувчанлик хусусиятлари билан хам белгиланади.

Товарни жалб этувчанлиги ва рақобатбардошлигини ифодаловчи омиллар классификацияси схемасини занжир куринишида кўрсатиш мумкин: нарх – сифат – сервис – маркетинг муҳити .

Рақобатбардошлик сифат ва киймат омиллари билан боғлиқдир. Улар сифат, иқтисодиёт ва маркетинг кўрсаткичлари ёрдами билан тўлиқ тавсифланиши мумкин.

Товарнинг яшаш даври ва унинг босқичлари

Фирмалар маҳсулотнинг ҳолатини аниқлашда унинг яшаш даврини тадқиқ этишга таянадилар. Маҳсулотнинг яшаш даври товарнинг бозорга кириб келишидан бошлаб, то унинг бозордан чикиб кетишига кадар бўлган даврда амалга ошириладиган тадбирлардан иборат концепциядир. Биринчи марта товарнинг яшаш даври концепциясини 1965 йили Теодор Левитт томонидан эълон килинган.

Товарнинг яшаш даври турт типга ажратилади: маҳсулотнинг катта синфининг яшаш даври, маҳсулот турининг яшаш даври, қўллаш усуllibарининг яшаш даври, маҳсулот маркасининг яшаш даври. Масалан, биринчисига соат мисол қилиб келтирсак, маҳсулот турига эса кул ва осма соатларни келтириш мумкин, қўллаш усуllibарига кура эса кунгирокли соатлардан фойдаланишини мисол қилиб келтириш мумкин.

Маркетинг мақсадларида яшаш даврининг жами туртта типи урганилади, фирма доирасида иккинча ва учинчи типларига кўпроқ эътибор берилади. Биринчиси шу синфга мансуб маҳсулотга талаб пасаядиган даврда, туртинчиси эса рақобатчи фирманинг мавкеини аниқлаш зарурияти пайдо бўлганда кулланилади.

Товарнинг анъанавий яшаш даврида қуидаги босқичлар ажralиб туради.

- 1.Ишлаб чиқариш;
- 2.Кириб келиш;
- 3.Ўсиш;
- 4.Етуклик;
- 5.Тўйиниш;
- 6.Инқироз (касадлик).

Амалда хар бир маҳсулот учун бу нарса хар хил кечади, айрим товарлар бозорга кириб келишининг узоқ даврини бошидан кечаради, бошқаси тезда кириб келади, таркалади, узоқ муддат барқарор сакланиб туради.

Товарнинг яшаш даври босқичларини аниқлашнинг асосий мезони маҳсулот сотиш ҳажми ва фойда нормаси динамикасидир.

Маҳсулот ишлаб чиқариш (ИТТКИ) босқичи товарни барча ҳаётий даврида муҳим босқич бўлиб хисобланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш канча самарали амалга оширилса,

яъни лойихалаштирилаётган товар бўйича бозор талаби ва харидор эхтиёжини фирма вақт бўйича тезрок хисобга олса, ушбу босқичда харажатлар шунча кам бўлади. Фирма янги товар билан бозорга тезрок чиқади ва зарур фойдани олади.

Кириб келиш босқичида сотиш ҳажмининг гоят кескин ўсиши билан ажралиб туради. Бозор маҳсулотни хали қабул килмаган нархлар нисбатан юқори бўлади. Савдо юқори даромадли гурухларга мўлжалланади. Рақобатчилар умуман оз.

Шундай қилиб бу давр капитал сарфлар даври хисобланади, сарфлар кейинчалик фойда келтириши мумкин, ёки маҳсулот ишлаб чиқаришдан воз кечиладиган бўлса, улар тўлиқ харажатлар хисобига ўтказилади, яъни хисобдан учирлади.

Ўсиш даврида товар сотиш ҳажми усиб боради- истеъмолчилар маҳсулотни қабул қилган ва унга бўлган талаб таъминланган бўлади. Хар кандай маҳсулот бу босқичга етиб келмайди: кўплари бозорга кириб келиш давридаек касодга учрайди. Бозор сифати юқори рақобатчи маҳсулот билан тулиб кетади. Нархлар тобора арzonлашиб боради.

Етуклик босқичи товар оборотини максималлаштириш, бозорни кенгайишини давом этиши ва абсолют ўсиши билан тавсифланади. Ишлаб чиқариш ва товар таксимлаш тизимида тайёр маҳсулот захиралари ошиб боради. Бозорда интенсив рақобат хукм суради. Янги модификацияли товарларни киритиш уларни ассортимент гурухини кенгайтириш хамда харидорларга янги хизмат кўрсатиш услубларини киритиш интенсив инновация чора-тадбирлари воситалари орқали амалга оширилади.

Маҳсулотни етуклик босқичида маркетингни асосий стратегиялари бозорни модификациялаш, товарни модификациялаш ва маркетинг-миксни модификациялаш бўлиб хисобланади.

Туйиниш даврида бозор ва нархлар барқарорлашади.

Сифатсиз ва рақобатга бардош бермайдиган маҳсулотлар бозордан сикиб чиқарилади. Товар сотиш суръатлари тобора пасаяди. Туйиниш даврида фирманинг умумий мақсади, маҳсулотни барча турлари бўйича тўлиқ сотишни тобора ошириб боришина таъминлашга қаратилади.

Инқироз даврида маҳсулотнинг утиши кийинлашади, фойда камаяди, рақиблар майдондан кетади. Бу босқич давомида фирманинг мақсади “маҳсулот тайерлашни давом эттиришдан иборат” бўлади, маҳсулотни бозорга етказиб беришни тухтатиш ҳакида катъий қарорга келгунга кадар ундан олиш мумкин бўлган жами фойдани сикиб олиш учун шундай килинади.

Товарни яшаш даври концепцияси маҳсулот ассортиментини режалаштиришда катта ахамиятга эгадир.

Янги товар ишлаб чиқариш

Фирманинг самарали товар сиёсатини олиб бориши икки йирик муаммо билан боғлиқдир. Биринчидан, фирма мавжуд товар номенклатураси чегарасида яшаш даври босқичларини хисобга олган ҳолда ишни окилона ташкил этиши лозим, иккинчидан, янги товар ишлаб чиқаришни ўз вақтида амалга ошириш керак.

Фирма доимо товар стратегиясини такомиллаштириб бориши зарур. Бу барқарор ассортимент тузилишига, доимий сотувга ва фойдага эришишга имкон беради.

Товар стратегияси истиқбол учун ишлаб чиқарилади ва фирмада мавжуд товар миксни жалб этувчанлигини яхшилаш бўйича З та стратегик йўналишни уз ичига олади:

1. Товар инновацияси
2. Товар вариацияси
3. Товар элиминацияси.

Товар инновацияси стратегияси янги товарни ишлаб чиқариш ва тадбик этиш дастурини аниқлайди. Бирок “янги товар” тушунчасини турли талкинга эга ва такомиллаштиришни асослаш сифатида ишлатилади, мавжуд товарни янгилаш учун ишлатилади.

Мавжуд назария ва амалиётда инновация “янгилик киритиш” ва “янгилик” тушунчалари билан синоним хисобланади.

Бозор инновацияси деганда мавжуд маҳсулот бўйича янги гояни олиш, шунингдек янги маҳсулотларни ишлаб чиқиши в бозорга чиқариш тушунилади.

Товар инновацияси янги товарни ишлаб чиқиши ва қўллашни кузда тутади ва амалга ошириш шакли бўйича товар дифференциацияси ва товар диверсификациясига бўлинади.

Товар диверсификацияси узида рақобатчи товарлардан ажралиб турувчи киладиган бир катор асосланган товар модификациясини ишлаб чиқиши жараёнини мужассамлаштиради.

Бозорни модификациялашда сотиш ҳажмини ошириш, истеъмолчилар ишончини қозониш, янги бозор сегментларига товарни чиқариш, мижозлар эътибори ва кизикишини ушбу фирма чиқараётган товарларга каратиш, харидорларни товарни интенсив истеъмолини рағбатлантириш орқали амалга оширилади.

Товарни модификациялашда товар сифатини ошириш, товар хоссасини яхшилаш, товарни безаш ва ташки дизайнини яхшилаш кузда тутилади.

Маркетинг-миксни модификациялашда эса маркетинг элементларидан тўлиқ ишлатишни назорат қилиш оптимал мақсадда маркетинг элементларини шакллантириш ва қўллаш кўзланади.

Диверсификация товарларни турли туманлиги хисобига жалб этувчанлигини яхшилашга асосланади.

Товар диверсификациясининг мақсади бўлиб истеъмолчиларни товарни афзал куриш, алоҳида бозор ёки бозор сегменти хусусиятларини хисобга олиш орқали товарни жалб этувчанлигини ошириш, уни рақобатбардошлигини ўсиши хисобланади.

Товар диверсификацияси қўйидаги омиллар бўйича амалга оширилади:

- Товарни күшимча имкониятлари
- Товардан фойдаланиш самарадорлиги
- Комфортилил
- Ишончлил
- Товар дизайнни ва стили.

Товар диверсификацияси фирманинг товар сиёсатида муҳим урин эгаллайди. Бу стратегия янги сотув бозорига таклифни режалаштиришда күшимча товарларни ишлаб чиқаришни бошлагандага кулланилади. Диверсификация фирма фаолиятида барқарор ўсишини таъминлаш учун самарали восита сифатида чиқади.

Мақсадли бозорни ўзлаштириш йўлларини кидиришда мукобил стратегияларни аниқлаш учун И.Ансофф томонидан 1966 йилда таклиф этилган “товар-бозор” матрицаси ишлатилади. Бу қўйидаги жадвалда кўрсатилган.

«Товар-бозор» матрицаси

Товарлар	Бозорлар	
	Жорий	Янги
Жорий	<u>Бозорга чукуррок кириб бориш стратегияси</u> <ul style="list-style-type: none">• Сотишни жадаллаштириш• Янги харидорларни кидириш• Рақобатчиларни синдириш• Товарни истеъмол соҳасини кенгайиши	<u>Бозорни ривожлантириш стратегияси</u> <ul style="list-style-type: none">• Янги бозорлар• Янги сотиш худудлари• Халкаро бозорлар• Товарни ишлатилишини янги соҳаларини тузиш

Янги	<p><u>Товарни ривожлантириш</u></p> <ul style="list-style-type: none"> • Уз кучи билан янги товар ишлаб чиқариш • Битимларни ривожлантириш • Лицензия • Махорат билан айирбошлаш 	<p><u>Диверсификация</u></p> <ul style="list-style-type: none"> • Горизонтал • Вертикал • Концентрик
------	--	---

Манба: Багиев Г.Л. и др. Маркетинг, М.:Питер, 2005

Жадвалдан кўриниб турибдики, фирманинг афзаллигини ўсиш манбаларини ўзлаштиришни 4 та асосий стратегиялари бўлиши мумкин:

- 1.Бозорга чукуррок кириб бориш стратегияси;
- 2.Товарни такомиллаштириш стратегияси.
- 3.Бозорни ривожлантириш стратегияси;
- 4.Диверсификация.

Диверсификацияни 3 та тури мавжуд: горизонтал, верикал ва концентрик.

Янги товарларни ишлаб чиқиш ва қўллаш инновация сиёсатининг тамойил ва услубларига, хусусан, товар инновацияси жараёнига мос ҳолда амалга оширилади.

Товар инновацияси жараёни б босқични уз ичига олади:

- янги товар ҳақида гояни кидириш
- гояни танлаш
- янги товар гоясини тижоратлашувини иқтисодий таҳлили
- товарни ишлаб чиқиш
- бозор шароитида уни тажрибадан ўтказиш
- товарни бозорга қўллаш

Товар инновацияси жараёни янги товар ҳақида гояни кидириш билан бошланади. Янги товар гояни кидиришни асоси бўлиб товар ҳақидаги ички ва ташки гоялар манбаи хисобланади.

Товар инновацияси жараёни босқичлари уз мазмунига кура янги товарни режалаштириш жараёнини ифодалайди.

Янги товарни режалаштиришнинг вазифаси мукобил варианtlарни кидириш ва ишлаб чиқишдан иборатдир.

НАРХ ВА НАРХ СИЁСАТИ

Нарх тушунчаси ва унинг моҳияти

Нарх бозор категорияси бўлиб, товарлар айирбошланганда юз берадиган муносабатларни англаатади. Нарх назарий жихатдан олганда товар кийматининг пулдаги ифодаси, кийматининг бозордаги куринишидир.

Нарх бамисоли барометр каби бозор ҳолатини кўрсатиб туради, нарх пасайиб кетса, товар бозори касодликка йўлиkkан бўлади, товар нафсиз бўлиб, уни бошқа товар билан алмаштириш ёки унинг сифатини тубдан яхшилаш зарурлиги пул таркибига кўйилади. Нархнинг иқтисодий мазмунини унинг функциялари кўрсатиб беради. Нарх нимага тегишили бўлишидан катъий назар (товар, хизмат) бешта асосий функцияни бажаради:

1. Бозор мувозанатини таъминлаш функцияси

2. Хисоб-китоб, ўлчов функцияси
3. Иқтисодий регулятор функцияси
4. Рақобат воситаси функцияси
5. Ижтимоий химоя функцияси

Бозор иқтисодиёти шароитида нархнинг қўйидаги турлари мавжуд:

1. Демпинг нарх
2. Нуфузли нарх
3. Миллий нарх
4. Арzonлаштирилган нарх
5. Жаҳон нархи
6. Яширин нарх
7. Эркин нарх
8. Стандарт нарх
9. Контракт (улгуржи) нарх
10. Чакана нарх
11. Ўзгарувчан нарх
12. Лимит нарх
13. Мувозанат нарх

Бозор нархининг асосий хусусиятлари уларнинг доимо ўзгариб туриш кобилиятидир. Нархлар хеч качон сабабсиз ўзгармайди. Юқори нархлар эса юкори сифатли, янги истеъмол кобилиятига эга бўлган товарларга ўрнатилади. Нарх даражасига товарнинг рақобатбардошлиги ва бозордаги урни боғлиқдир.

Нарх белгилаш мақсадлари: бозор улушини кўпайтириш, қисқа вақт ичида энг кўп фойда олиш, юқори фойда нормасини узоқ муддат саклаб колишдан иборат.

Бирламчи нархни аниқлашга вақт бўйича нарх даражасини аниқ хисоблаш таъсир килади. Бу хисоблаш бозор сегментига, товарнинг яшаш даврига, талаб ва таклифнинг потенциал микдорига боғлиқ бўлади. Маркетингда товар сиёсати ижтимоий товар ишлаб чиқаришнинг барча босқичлари, янги ишлаб чиқаришнинг, таксимлашнинг, алмашув ва истеъмолчининг узига хос хусусиятларини хисобга олган ҳолда юритилади.

Нарх бажарадиган баъзи бир вазифаларни куриб утамиз: аввало нархлар ишлаб чиқариш ва истеъмолдаги ўзгаришлардан хабар беради.

Нархлар факат истеъмолдагина эмас, балки ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлардан хам дарак беради.

Нархларнинг бошқа муҳим вазифаси – ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларни рағбатлантиришdir.

Нархлар механизми ишлаб чиқарилаётган маҳсулот микдорини кўпайтиришгина эмас, балки ишлаб чиқаришнинг энг тежамли усулларини ишлашни хам рағбатлантиради.

Нархларнинг учинчи вазифаси иккинчиси билан чамбарчас боғлиқ. Бу даромадларниг таксимланишииер. Товар ишлаб чиқариш шароитида хўжалик фаолияти иштирокчилари оладиган даромадлар улар уз шахсий ёки ишлаб чиқариш истеъмолларини кўплаб сотадиган ёки сотиб оладиган товарлар ва хизматларнинг нархларига бевосита боғлиқ бўлади.

Нархларнинг туртинчи вазифаси алоҳида корхоналарга ва хўжалик соҳаларига ишлаб чиқариш омилларини таксимлашdir.

Нарх сиёсатини шакллантириш ва нарх даражасини хисоблаш услублари

Нарх билан истеъмолчилар ўртасида жуда чамбарчас алоқадорлик мавжудки, уни иқтисодий тамойиллар: талаб конуни, талабнинг нарх равонлиги, бозор сегментацияси билан изохлаш мумикн. Талаб конуни истеъмолчилар одатда киммат нархларга караганда арzon нархларда кўпроқ товарлар сотиб олишини ифодалайди. Аммо хар кандай товар хам

“нарх-микдор” алоқадорлигига түғри келавермайды. Айрим маҳсулотларга талаб шундайки, муайян шароитларда юқориок нархлар күпрөк товар обороти ҳажмини таъминлады. Бундай товарлар бозорнинг айрим сегментларига мўлжалалнган – булар кимматбаҳо автомобиллар, кемалар, зеб-зийнат буюмлари, муйна ва бошқалар.

Икки нарх сегменти яккол кузга ташланади: “нарх” харидори ва “сифат” харидори бор. Кўпинча харидорлар сифатга нисбатан ишонч билдириб, ортиқча пул сарфлайдилар. Юқориок нархлар гуё уларга сифатга нисбатан ишонч билдириб, бу айниконо нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган маҳсулотлар харидида кўп кузатилади.

Нарх равонлиги истеъмолчиларнинг харид килинадиган товарлар микдори нуктаи назаридан нарх ўзгаришларига ута сезувчанлигини белгилайди.

Амалда талаб равонлигини уч куриниши, яъни равон талаб, норавон талаб хамда якка (унитар) талабга бўлиш мумкин.

Бозор равон талаб вазиятида нархлардаги ўзгаришларга ута сезувчан бўлади.

Бозор норавон талаб вазиятида нархлардаги ўзгаришларга етарли даражада сезигирлик кўрсатмайди.

Якка равонлик вазиятида сотувчилар кўп бўлган, уларнинг бир маҳсулот урнини иккинчисининг маҳсулоти боса оладиган жойларда кузга ташланади. Кўпгина кишлок хужалиги маҳсулотларига талаб якка равонлиги акс эттиради. Шундай килиб, нархлардаги ўзгаришлар талаб ва таклифга мувофик кутарилиб-пасайиб туради, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар хохиши билан нарх белгиланмайди.

Азалдан талаб даражаси нархларнинг энг юқори чегарасини кўрсатади, яъни бу чегарадан юқорида товар айирбошлиш умуман мумкин булмайди. Аммо истеъмолчилар маҳсулотни хаёлидаги ягона катъий нархда излайди. Маркетологнинг вазифаси хам бозор белгилайдиган чегаралар доирасида макбул нархларни топиш хисобланади. Кўпгина фирмалар бозорлардаги турли нархларни тадқиқ этиш ва текшириш, уринбосар товарлар нархи даражасини рақиблар нархни ўрганиш йўли билан статистик таҳлил қилиш усули, график эксперт баҳоловчи усулларидан фойдаланиб, талаб ўзгаришини улчашни ўтказишга интилади.

Маълумки, харажатлар ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши ёки камайиши билан боғлиқ ҳолда ўзгариш-ўзгармаслигига қараб доимий, шарли-доимий, ўзгарувчан турларга бўлинади. Доимий харажатлар чиқарилган маҳсулот ҳажмига қараб ўзгармайди. Бу харажатлар таркибига курилма ва асбоб-ускуналар амортизацияси, мулк солиги (даромад солиги), кушимча харажатлар ва бошқа чиким турлари киради.

Ўзгарувчан харажатлар ишлаб чиқариш ҳажми боғлиқ ҳолда ўзгариб боради, унга хом-ашё, материаллар, иш хаки ва бошқалар киради. Шартли-доимий харажатлар бошқариш билан боғлиқ айрим харажатлар, ёрдамчи материаллар олишга кетадиган чикимлар ва бошқалар киради.

Тўлиқ харажатлар жами доимий ва ўзгарувчан харажатлар йигиндисидан ташкил топади. Шунингдек, ишлаб чиқаришнинг чегараланган (маржиналь) харажатлар хам хисобланади. Бу харажатлар ишлаб чиқариш ҳажми кўпайган (камайган) ҳолларда бир маҳсулот бирлигига тўлиқ харажатларнинг кўпайиши (камайиши)ни ифода этади. Шундай килиб, фирма харажатлари таркиби, динамикаси, микдори нарх учун минимал даражани ташкил этади, чунки бу харажатларлардан пастрок нарх хеч кандай фойда бермайди.

Корхона нархни белгилар экан, харажатларнинг жами манзараси куриб чиқиладиган, зарар курмаслигини таъминлайдиган таҳлил усулидан фойдаланади. Бундай таҳлил нархларни белгилашда фойдали восита хисобланади. Аммо тор ишлаб чиқариш ихтисослашуви шароитида, ўзгарувчан харажатларни осон хисоблаш мумкин бўлган пайтларда уни қўллаш яхши натижга беради. Зарар курмасликини таҳлил этишда асосий эътибор маҳсулот сотиши ҳажми нуктасига, тўлиқ даромад тўлиқ харажатларга teng бўлган, яъни на фойда на зарар булмаган нуктага қаратилади.

Маркетологлар бир катор хар хил нархларни тадқиқ этадилар, сунгра хар бир нарх учун зарурий ҳажмлар киёсланади.

Рақобат нарх сиёсатида мухим барометр бўлиб хизмат килади. Корхоналарнинг нарх сиёсати нарх белгилаш мақсадлари ва услубларига боғлиқ бўлган турт бозор типини ажратиш мумкин: соф рақобат, монополистик рақобат, олигополистик рақобат соф монополия .

Асосан нархни ўзгартириш йўли билан талабга таъсир кўрсатиш рақобатнинг нарх билан боғлиқ усусларини яратади. Нарх билан боғлиқ булмаган рақобат усусларида фирмалар уз маҳсулотининг узига хос хислатларига зур беради, маҳсулот сотиш, товарлар харкати, реклама, маҳсулотни жойлаш, сервис каби маркетинг қисмларига катта эътибор беради.

Бозорда нарх учта гурух омил натижасида шаклланади:

1.Талаб омиллари (бозорда ухаш товарлар мавжудлиги ва уларга бўлган нархлар, бозорга кириш, харидорлар даромадлари, харидорни талаблари, талабга йўналтирилган нарх)

2.Харажат омиллари (ишлаб чиқариш харажатлари, маркетинг харажатлари, фойда).

3.Рақобат омиллари (тармокдаги фирмалар сони, айнан ухаш импорт товарлари,рақобатчилар товарларига бўлган нархни билиш.

Асосий нархни белгилаш услуги куйидагилардан иборат:

- нархластириш масаласи куйилади,
- талаби аниқланади,
- харажатлари баҳоланади,
- рақобатчилар товари ва нарх таҳлил килинади,
- нархни шакллантириш услуги танланади,
- охирги натижавий нарх ўрнатилади.

Фирма талаб чизмасига асосланиб, харажатларнинг микдорини белгилаб, рақиблар нархларини урганиб, уз маҳсулотларига нарх белгилашга киришади. Бунда нарх белгилашнинг турли усусларидан фойдаланиш мумкин.

Кўпинча корхоналар маҳсулот сотиш нархини аниқлашда содда формуласалардан фойдаланади. Формуласаларга кура нарх белгилаш нарх белгилашнинг бошқа жами усуслари каби, биринчи навбатда эътиборни фойдага каратади, талабни хисобга олмайди.

“Ўртacha харажатлар плюс фойда” тамоилии бўйича нарх белгилаш товарнинг таннархига муайян устама куйишдан иборат бўлиб, нарх белгилашнинг энг оддий усули хисобланади. Устама нарх микдори товар турига қараб, жуда кенг чегараларда тебраниб туради. Шунингдек, товарнинг ишлаб чиқарувчидан пировард натижада истеъмолчига етиб боришга қараб охирги нарх улгуржи ва чакана савдо куядиган устама нархлар якунини ифодалайди.

“Кўзланган фойда нормаси” олишни таъминлайдиган нарх белгилаш усулини куллайдиган ишлаб чиқарувчилар олдиндан сарф этилган капитал учун муайян кайтим фоиз олишга интмиладилар. Бу усул ўртacha солиштирма харажатларни хисоблашга асосланади.

Нархни чегаравий харажатлар бўйича белгилаш усулини кўллаш билан фирма маҳсулотнинг күшимча ҳажми бирлигини бу маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг алоҳида кийматига сотади, бу ҳолда харажатларнинг факат бир қисми копланади, фойда амалга ошмайди. Нарх белгилашнинг бу стратегияси агар фирма ишни тухтатиш хавфи остида колган ва фойдаланадиган ишчи кучини саклаб колишни хозлаган шароитларда наф келтириши мумкин.

Савдода дуконларга харидорларнинг келишини кўпайтириш учун сотувчилар айрим товарларни тўлиқ харажатларидан пастрок баҳолаб, “жалб этувчи” нархлар яратадилар. Харидорлар кўпаяди, улар арzon нархдаги товарлар билан бирга бунга күшимча равишда нархи меъёрда бўлган товарларни хам харид киладилар.

Товарларнинг яшаш даври мобайнида нархларнинг ўзгарувчанлиги

Бозор тез ўзгариб боради ва шунга кура хар бир маҳсулот хам уз яшаш даврини хам утайди. Шу вақт давомида фирмалар доимо нархларга ўзгартеришлар киритади.

Янги маҳсулотга нарх белгилаш энг жиддий босқичлардан биридир. Янги маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар бозордаги талаб даражаси, рақиблар ҳаракати хали етарли даражада маълум эмас.

Нарх белгилашнинг кийинлиги, муайян даражада маҳсулотнинг янгилиги даражасига хам боғлиқ. Бу даражада эса учга бўлинади:

- энг янги маҳсулот
- техникавий илгор маҳсулот
- оригинал булмаган (янги таклидий) ва уринбосар маҳсулотлар.

Бозор талаби хали номаълум, шу сабабли ноеб маҳсулотга нарх белгилашда асосий масала “Қаймогини олиш” ёки “Кириб олиш” сиёсатини қабул қилишдан иборатdir.

Маҳсулотнинг бозорга кириб келиши ва ўсиши босқичидан туйинниш босқичига ҳаракати даражасига караб, нархларни пухта бошқариш нарх маркетингни стратегиясини амалга оширишнинг калити хисобланади.

Туйинниш босқичида нархларни кутариш одатда талабнинг кўпайиши эмас, балки ишлаб чиқариш харажатларининг кийматини ортиши окибатидир. Шу сабабли маҳсулотнинг турига қараб е эркин нархлар куйилади ёки товардлар сотиш ҳажмини кўпайтириш учун нархлар пасайтирилади.

Савдо-сотик фаолиятида маркетинг мутахассисари учун нарх белгилашнинг иккита асосий сиёсати мавжуд, бу “қаймогини олиш” ва “кириб олиш” сиёсатидир.

“Қаймогини олиш” сиёсати аввало, товар нархи ишлаб чиқариш нархидан анча юқори ўрнатиб аста-секин уни тушириб боради. “Қаймогини олиш” сиёсатидан аксарият бозорга янги маҳсулотни жорий этишда фойдаланилади. Бунда нарх кандайдир бир юқори даражада белгиланади, маҳсулот эса сегментация натижасида асосий деб эътироф этилган бозорда сотилади. Бозорнинг туйинишидан сунг истеъмолчиларни жалб қилиш мақсадида нарх пасайтирилади. Шундай йўл билан тўлиқ даромад энг кўп микдорга етказилади.

Шу сабабли ягона йўл – товар сотиш бозорларини кенгайтириш, янги сегментлар излашдир.

“Қаймогини олиш” ва “Кириб олиш” сиёсатлари нарх белгилашнинг фавкулодда намоён бўлиши хисобланади. Унинг биринчиси – киммат нахлар, иккинчиси – арzon нархлар стратегиясидир.

СОТИШ СИЁСАТИ

Товарларни тарқатиш тармоклари хусусиятларини ва уларнинг тузилиши

Маркетингнинг энг муҳим ва ажralmas таркибий қисми маҳсулотни сотиш ва таксимлаш хисобланади. Бу жараёнда ташкилий нуктаи назардан энг мураккаб вазифа - ишлаб чиқарилган маҳсулотни истеъмолчига етказиш хал этилади.

Сотиш сиёсати истеъмол товарларини етказиб беришнинг эҳтимол тутилган вариентлари таҳлили ва унинг маҳсулот таксимотининг хамма шахобчаларида энг юксак хўжалик самарасига эришишини таъминлайдиган макбул вариантни ишлаб чиқиш билан шугулланади. Яирма танланган таксимот йўли маркетинг бўйича колган жами бошқа ечимларга таъсир кўрсатади - нархлар, транспорт ташкилотлари билан шартнома тузиш, реклама хизмати, уз савдо нукталарини очиш ва хоказолар шу жумлагага киради. Шу сабабли раҳбарият таксимот йўлини танлашга бугунгина эмас, балки эртанги тижорат мухитини хам кўзлаб иш тутиши зарур. Хозирги даврда таксимот жараёни маҳсулот тайёрлашнинг табиий ровишда давомига айланиб кетган.

Факат бозорга ихтисослашган воситачи (таксимот)нинг кириб келиши айрибошлаш жараёнини тубдан ўзгартириб юборади. Илгариги ишлаб чиқарувчилар энди зарур товарларни бир жойда сотишлари ва айни пайтда узларига зарур товарларни харид қилишлари мумкин эди. Айрибошлаш харакатлари сони камайди. Воситачилар узларининг алоқалари, тажрибаси, ихтисолашуви хамда фаолиятининг кулами билан ишлаб чиқарувчи фирмага унинг ёлгиз узи кила олиши мумкин бўлганидан кура кўпроқ нарса таклиф этади. Шу сабабли кўпчилик ишлаб чиқарувчилар уз товарларини бозорга воситачилар орқали таклиф этадилар.

Таксимот йўли аниқ бир товар ёки хизматнинг ишлаб чиқарувчидан истеъмолчи сари харакатида уларга бўлган мулк эгаси хукукини узига оладиган ёки бошқага беришга ёрдам кўрсатадиган фирмалар ёхуд айрим шахслар мажмуидан иборатдир.

Бошқача қилиб айтганда, таксимот йўли товарнинг ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига қараб ҳаракат киладиган йўлидир. Таксимот йўлининг таркибий қисмлари бир катор вазифаларни бажаради:

- товар (хизмати)ни бир жойдан бошқа жойга кучиши;
- товар (хизмати)га ёки ундан фойдаланиш учун мулк эгаси хукукини бериш;
- ундовчи фаолият;
- товарлар буюртмаси;
- хавф-хатарни буйнига олиш;
- музокаралар олиб бориш;
- бозор маълумоти таҳлили.

Таксимот йўлининг жами вазифаларига уч умумий хусусият хос: улар такчил ресурсларни сарфлайди, ихтисослашган шароитларда гохида яхширок бажарилиши мумкин, турли иштрокчилар томонидан амалга оширилиши мумкин. Агар вазифаларнинг кўп қисми ишлаб чиқарувчи бажарадиган бўлса, унинг чикимлари ортиб кетади, демак, маҳсулот нархи хам баланд бўлади. Агар вазифани бажарса, ишлаб чиқарувч белгиланган нарх пастрок бўлади, чунки воситачи ишни ташкил этишга сарфланган харажатларни чиқариш учун пул ундиради.

Таксимот каналининг асосий функцияларига қўйидагилар киради:

- ахборот – бу маркетинг тадқиқотлари натижасида олинган маълумотлар ва маркетинг муҳити тўғрисидаги ахборотларни уз ичига олади
- силжитиши – маҳсулот таклифида оид ишонтирувчи ахборотларни реклама ва бошқа воситалар орқали таркатиш
 - алоқа – керакли харидорларни топиш ва улар билан алоқа ўрнатиши
 - мувофиқлаштириш – талаб ва таклифни бир-бирига мослаштириши
 - мулокотлар – маҳсулотни нархи, етказиб бериш шарти ва таклифнинг бошқа пунктлари бўйича мулокотлар ўтказиши
 - жисмоний таксимлаш – товарни транспортировка қилиш ва саклаш
 - молиялаштириш – канал фаолиятини таъминлдашга боғлиқ харажатларни коплаш
 - таваккалчилик – маҳсулотни сотиб олиб кейинчалик зарар билан сотиши.

Биринчи беш функция шартнома тузиш учун хизмат килади, колган учтаси эса шартномани бажариш учун хизмат килади.

Таксимот каналининг босқичи - бу товар ва унга эгалик хукукини пировард харидорга якинлаштириш йўлида у ёки бу ишни бажарадиган хар кандай воситачидан иборатдир. Таксимот каналининг қўйидаги босқичлари бор:

1. Ноль босқичли канал ёки бевосита маркетинг канали ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчидан иборат. Ишлаб чиқарувчи истеъмолчилдарга уз товарларини жойма-жой ташиб юриб (кучма савдо), жунатиш йўли билан ёки уз фирма дуконлари орқали сотади.

2. Бир босқичли канал узига ишлаб чиқарувчи, воситачи ва истеъмолчини камраб олади. Истеъмол бозорида, одатда, бу воситачи чакана савдогар (дукондор), саноат маҳсулотига оид товарлар бозорида эса савдо агенти ёки брокер хисобланади.

3. Икки босқичли канал узига ишлаб чиқарувчи, икки воситачи, истеъмолчини камраб олади. Истеъмол товарлари бозорида улгуржи ва чакана савдогарлар шундай воситачилар хисобланади. Саноат маҳсулотлари бозорида улар саноат дистибыутири ва дилерлар деб аталади.

4. Уч босқичли канали узига ишлаб чиқарувчи, учта воситачи ва истеъмолчини камраб, кўп ҳолларда улгуржи ва чакана савдогарлар ўртасида майда улгуржи (кутарафурушлар) фаолият кўрсатади. У йирик улгуржи савдогар хизмат кўрсатмайдиган кичик савдо корхоналарига сотади.

Босқичлари кўп бўлган каналлар жуда кам. Ишлаб чиқарувчи кузи билан караганда, таксимот каналида бокачлар канчалик кўп бўлса, уларни назорат қилиш имконияти шу кадар тораяди.

Таксимот каналларини назорат қилиш ва бу каналдаги уз мақсадинигина уйлайдиган унинг айрим аъзолари ўртасидаги можароларнинг олдини олиш учун кейинги пайтда вертикал маркетинг тизими (ВМТ) пайдо булди. ВМТ бир ёки бир неча воситачи ва улар билан хамжихат, ягона тизим тарзида ишлайдиган ишлаб чиқарувчидан ташкил топади. Бундай ҳолда канал аъзоларидан бири колган бошқа шерикларига эгалик килади ёки уларга савдо имтиёзлари беради, ёхуд уларнинг хамкорлигини таъминлайдиган усутнликка эга бўлади. Масалан, корпоратив ВМТ доирасида ишлаб чиқариш ёки таксимотнинг кетма-кет босқичлари ягона эгаликда бўлади.

Шартнома асосида ВМТ шартнома муносабатлари билан бoggланган мустақил фирмалардан иборатdir. Умумий ишда муваффақиятни таъминлаш учун фаолият дастурларини хамкорликда узаро мувофикалаштиради.

Шартнома асосидаги ВМТ уч типдан иборат:

1. Улгуржи раҳбарлик киладиган чакана сотувчиларнинг кунгилли бирлашмалари. Улгуржи мустақил чакана сотувчилар фаолияти учун ягона дастур эса уларнинг йирик таксимот тармоклари билан ракобат курашида уз кучларини бирлаштиришга ёрдам беради (масалан, АКШ да “Мустақил баколлар уюшмаси” бор).

2. Чакана сотувчилар ширкати. Чакана сотувчилар хамкорликда янги мустақил хўжалик бирлашмаси тузишлари мумкин, бу бирлашма улгуржи савдо ишлари билан, айрим ҳолларда ишлаб. Бирлашма иштирокчилари узларининг асосий харидини ширкат орқали ўтказади, реклама ишлари хам биргаликда ташкил этади. Олинган фойда кооператив аъзолари ўртасида уларнинг қилган харидларига мутаносиб равища таксимланади.

3. Шартнома асосида ВМТнинг уч информацион типи имтиёз хукукига эга бўлганларнинг ташкилотидир. Имтиёзлар эгаси деб номланадиган аъзо ишлаб чиқариш ва таксимот жараёнларининг катор кетма - кет босқичларини уз кулида туплаши мумкин. Уз навбатида бундай ташкилотларнинг уч куриниши бор.

Биринчиси - ишлаб чиқарувчи хомийлигига чакана имтиёз эгалари тизими. Масалан, Америкада “Форд” фирмаси мустақил дилерларга уз автомиллари билан савдо қилиш хукуки учун лицензия беради, улар эса сотишда муаян шартларга риоя қилиш ва хизмат кўрсатиши ташкил этиш ишларига рози бўладилар.

Иккинчиси - ишлаб чиқарувчи хомийларнинг улгуржи имтиёз эгалари тизими. Масалан, “Кока - кола” фирмаси ияймлик куйиш заводлари эгаларига (улгуржиларга) турли бозорларда савдо қилиш хукуки учун лицензиялар беради. Бу заводлар фирмадан ичимлик концентрати сотиб олади, сунгра унга газ билан кушимча ишлов беради, ичимликни шишаларга куяди ва маҳаллий чакана сотувчиларга сотади.

Учинчи - хизмат кўрсатадиган фирма хомийлигига чакана имтиёз эгалари тизими. Бу ҳолда хизмат кўрсатиши фирмалари истеъмолчиларга хизматини энг самарали усулларда етказиб бериш мақсадида комплекс тизим ташкил этади. Масалан, “Макдональдс” фирмасининг фаолияти.

Товарларнинг тўғридан - тўғри ишлаб чиқарувчи томонидан сотишининг яхши томонлари ва камчиликлари хам бор. Фирма уз маҳсулоти савдосини тула назорат килади.

Бундай усул билан оддий ассортиментли товарлардан кумир, утин, нефть маҳсулотлари, тез бузилувчи нон, сут, гушт ва хоказолар сотилиши афзалрок хисобланади. Аммо колган товарларни сотишида мустақил улгуржи ва чакана савдо фирмаларининг катнашиши жаҳон тажрибасида синалган самарали йўлди.

Фирма товар ҳаракатини “Маркетинг микс” жараёнида режалаштиришда қуидагиларга ахамият беради:

- сотиш сиёсатини товар ҳаракатига боғланган ҳолда аниқлаш;
- товар ҳаракати усулларидан ва турларидан барча товарлар ва бозор сегментларига мосини танлаш;
- товар ҳаракати бўғинлари ва умумий масофани топиш;
- товар ҳаракати занжирида катнашувчилар - мустақил воситачиларни аниқлаш;
- товар ҳаракати раҳбарлик тизимини яратиш;
- товар ҳаракатини ташкил этувчи бош бўғинни топиш;
- товар ҳаракати турларидан энг самаралисини танлашда турли хилини боғлаб, бир - бирини тулдиришни кузда тутиш.

Маҳсулотнинг юқ сифатида ишлаб чиқариш жараёнида истеъмолчига етиб келишигача - ташиш, саклаш ва күшимча (кадоклаш, ураш, тамгалаш каби) ишларини бажариш билан юоглик бўлган жараён товар ҳаракати дейилади. Уни ташкил этишда фирманинг асосий мақсади, биринчидан, маҳсулотни тезда, якин масофа орқали ва самарали усул билан уз харидорига етказиш; иккинчидан, товарнинг харидори билан”учрашишга энг кулагай шароит яратишдан иборат бўлиши шарт”. Товар ҳаракатини режалаштиришда, корхона танлаган товар сотиши услубларига асосланилади. Улар қуидаги уч услубдан бири бўлиши мумкин:

- товар ишлаб чиқарувчи воситачиларсиз, тўғридан - тўғри узининг истеъмолчиси билан боғланиши;
- товарларни мустақил воситачи(фирмалар) орқали сотиш;
- аралаш усул, ишлаб чиқарувчи фирма ва воситачи савдо ташкилоти сармоялари катнашиши орқали.

Товар ҳаракатини катнашувчилари қуидаги вазифаларни бажаради. Ишлаб чиқарилган маҳсулотни таксимлаш ва сотиш; ишлаб чиқаришга керакли хом ашё ва материаллар тайёрлаш; маркетинг тадқиқотлари ўтказиш; товарлар истеъмолчилари билан тўғридан - тўғри алоқа ўрнатиш; олди - сотди қилиш учун шартномалар тузиш жараёнини тайёрлаш; товарнинг истеъмолчига етиб боришини рағбатлантирувчи сиёсат юргизиш; товар ассортиментини режалаштиришда катнашиш ва ёрдамлашиш, товар ҳаракатини молиявий таъминлаш; сотилган товарларга күшимча хизмат уюштириш; товарларни ташиш; товарларни омборларга жойлаш ва саклаш; товарларни сортларга ажратиш, кичик урамаларга кадоклаш, уз савдо битимиши тузишга таваккал қилиш, сотилган товар баҳосини аниқлашда катнашишва бошқалар. Ана шу кун киррали вазифаларни маҳсус савдо фирмаларининг бажариши, товар ҳаракатидаги сарф - ҳаражатларининг анча юқори самара беришини таъминалайди.

Чакана савдо, улгуржи савдо, воситачини танлаш ва сотиш тармогини шакллантирувчи омиллар

Чакана савдо аҳолига тўғридан - тўғри товар сотиш ва хизмат қилиш билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик фаолиятини уз ичига олади. Чакана савдо товарлар ассортиментининг шаклланишида катнашади. Харидорларга товарлар сифат кўрсаткичлари тўғрисида ахборотлар беради. Товарларни саклаш, күшимча ишлаш, нархларни ўрнатиш ва бошқа вазифаларини бажаради. Натижада товарларнинг охирги истеъмолчилари билан олди - сотди шартномасини бажаради. Чакана савдо мулкчилик шакли, усули ва хизмат кўрсатишлари билан турланади. Хусусий хиссадорлар, ижара ва

кушма мулкларга асосланган чакана савдо хозир барча мамлакатларда, шу жумладан, бизда хам фаолият кўрсатмокда. Чакана савдонинг моодий техника асосини дуконлар, универмаглар, махсуслашган дуконлар, супермаркетлар, ошхоналар ва кўпчилик майда шахобчалар ташкил этади.

Чакана савдо фирмаларининг турлари 4 та мезон билан фарк килади:

1. дуконнинг жихозлари
2. мижозга хизмат кўрсатиш даражаси
3. товар ассортименти
4. савдода хизмат кўрсатиш характеристига кура фаркланди.

Боғлиқ булмаган дуконлар одатда бир киши мулкчилигига бўлади. Бу коидага кура, кичик дуконлар бўлиб, хизмат кўрсатишни юқори даражси билан фарк қилиб, савдо масалаларини хужайнинг узи хал килади.

Корпоратив тармоқ ўз ичига катта дуконлар сонини олади. Мулқдор бўлиб битта фирма хисобланади. Чакана савдо ташкилотининг бу турини афзаллиги – йирик партия товарларигабуюртма бериш имконияти орқали транспорт харажатларини иқтисод қилиш ва сони бўйича чегиртма олиш; ташкил этишни юқори даражаси; сотишни рафбатлантириш ва башорат қилиш имконияти; товар захиралари ва нархларни бошқариш.

Истемол кооперативи – бу чакана савдо дуконлари бўлиб, истемолчиларни узи бошқаради (кўпроқ озик-овкат бозорида).

Савдо кооперативлари – бу боғлиқ булмаган дкуонлар тармоги бўлиб, одатда битта таъминотчидан битта ва ушандан харид килинади. Унинг афзаллиги – харидорлар куз унгига йирик савдо тармоги имиджини яратиш (паст нархлари билан жалб этувчи).

Хизмат кўрсатиш даражаси сотаётган товар турига боғлиқ. Куналик талабдаги товарлар учун уз-узига хизмат кўрсатиш; аввалдаги танлов товарлари учун чегараланган хизмат кўрсатиш; юқори товарларга тўлиқ хизмат кўрсатилади, бу уз ичига харидорга ёрдам сифатида ахтариш, солиштиришни, танлашни, турли саволлар билан маслаҳат беришни олади.

Товар харакатининг умумий ягона занжирида чакана савдонинг технология жараёнлари муҳим халка хисобланади. Чунки халк истемол товарларини ишлаб чиқариш корхонасидан истемолчиларга етказиб бериш жараёнида товарларни танлаш ва аҳолининг шу товарларга усib бораётган эҳтиёжларини кондириш учун энг зарур шартшароитлар худди ана шу чакана савдо корхоналарида яратилиши лозим. Аҳолига савдо хизмати кўрсатишнинг сифати, яъни савдо маданияти чакана савдодаги технология жараёнларини, айниска, товар сотишни ташкил этиш даражасига боғлиқидир, шу сабабли чакана савдо корхоналарининг бутун савдо оператив фаолияти шу вазифага буйсундирилади.

Улгуржи савдо умумлашган воситачи хисобланади ва кўпчилик вазифаларни бажаради. Улгуржи савдодан саноат корхоналари, тижорат фирмалари ва давлат муассасалари улгуржисига товар сотиб олишлари мумкин. Улгуржи савдо ахамияти қуидагичадир:

- чакана савдога ишлаб чиқариш фирмаларнинг тор ассортиментини кенгайтириб таклиф этади;
- катта ҳажмда товар сотиб олиб, муомала харажатларини камайтиради;
- юқори малакали товаршунос ва маркетологлар билан товарлар бозорини чукур урганади;
- товарларни саклайди ва керакли товар захираларини шакллантиради;
- ишлаб чиқарувчилар ва чакана савдо ўртасида мустахкам алоқа боягайди, уларга молиявий ёрдамлашади ва бошқалар.

Улгуржисига фаолият кўрсатиш товар ишлаб чиқарувчилар, тижоратчи фирмалар, агент ва брокерлар орқали амалга оширилиши мумкин.

Ишлаб чиқарувчи корхоналар улгуржи савдо фаолиятини махсус бўлим ёки фирмалар ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Улгуржи савдо билан шугулланувчи маҳсус тижорат фирмалари - улгуржи савдо базалари, омборлари ва товар биржалари шаклида, хусусий, хиссадорлик, кушма ва давлат мулкига асосланган бўлишлар мумкин.

Улгуржи савдо базаси мустақил фаолият кўрсатувчи, маҳсус омбор хужалигига ва малакали ходимларга эга бўлган фирма мавкеида ишлайди. У товар ассортиментларини қабул қилиш, саклаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнини ташкил этади. Улгуржи савдони ташкил этишда товарлар базалари орқали ёки уларнинг топшириги билан ишлаб чиқаришдан тўғридан - тўғри истеъмолчи фирмага (транзит усули) етказиб берилиши мумкин. Аммо улгуржи савдо базаларининг товар ҳаракатини ва сотилишини ташкил қилишдаги ахамияти бёкиёсdir. Уларнинг фаолият кўрсатишлари учун объектив заруриятлари мавжуд. Саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланиш конунияти маҳsusлаштирилиши туфайли товарлар кўп корхоналарда тор ассортиментли бўлади. Чакана савдо учун эса аҳолига мул-кул, универсал ассортиментли товарлар таклиф этиш замонавий маркетинг талабидир. Улгуржи савдо базалари ана шу тор ишлаб чиқариш ассортиментидан кенг универсал савдо ассортиментини шакллантиради. Товар биржаларини улгуржи савдо фаолиятининг базаларидан фарки, улар товарларни сотиб олиш ва кайта сотиш билан шугулланмайди, омбор хўжаликлари хам йук, улар факат воситачилик киладилар. Агент ва брокерлар воситачилик ишини бажарадилар, аммо моддий жавобгарликни буйинларига олмайдилар. Агентлар ишлаб чиқариш фирмаларида ва улгуржи савдо базаларида ишлашади. Брокерлар товар биржаларида асосий уринни эгаллайдилар. Брокерлар жойи биржада танлов асосида сотилади, улар бир томондан биржадан, иккинчи томондан, уз фаолиятлари учун хак оладилар.

Дилер – мустақил кичик воситачи тадбиркор бўлиб, олди-сотди ишларини бажаради ва моддий жавобгарликка эга.

Воситачи хамкорларни танлаш хамма товар ишлаб чиқарувчилар учун муҳим давр хисобланади. Энг аввало шунга ахамият бериш керакки, танлаб олинаётган воситачи бир вактнинг узида сизнинг фирманигининг бозоридаги рақобатчиси булмаслиги керак. Умумий холатда воситачи фирмалар ичидан сизнинг товарингизни сотиш бўйича маҳsusлашганини танлаш зарур. Яна воситачи фирманинг бозордаги обру - эътибори, мавкеи, молиявий ахволи кандай ва кайси банк билан ишлайди каби саволларга жавоб олиши керак. Унинг асосий белгиларидан савдо шахобчаларининг моодий техникаси, жойлашиши, сотувчи ходимларнинг малакаси ва бошқалар. Олдин синаш учун бирор йилга шартнома тузилади ва воситачи савдо фирма вакили, раҳбари - менежери воситачини шахсан урганади ва унинг шахобчаларига боради. Воситачилар иложи борича кўпроқ танланади ва уларнинг маркетинг - бозор дастурларига ахамият берилади.

Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилардан хукукий хамда хўжалик жихатларидан мустақил бўлган фирмалар воситачилар жумласига киради (саноат корхоналарининг шуъба савдо фирмалари ва филиаллари воситачиларга кирмайди). Воситачиларни ҳаракатга келтирадиган нарса фойдадир. Уларнинг фойдаси харид нархлари билан сотиш нархлари ўртасидаги фарқдан ёки бозорда товар ҳаракатини амалга оширишдаги хизматлари эвазига оладиган мукофотдан ташкил топади.

Хозирги шароитда воситачилар бажарадиган вазифалар ва кўрсатадиган хизмат турлари гоят кўп. Улар қўйидагилардан иборат:

- сотишни ташкил этиш ишларини бажариш - контрагентларни излаш, сотувчи номидан харидни расмийлаштириш, товар хаки учун пул туланишини харидор номидан кафолатлаш, реклама компанияларини ўтказиш ва бозорни тадқиқ қилиш;
- транспорт - ташиб ишлари, юкни сугўрталашни амалга ошириш, савдо ҳаракатларини молиялаш;
- техникавий хизмат, сотишдан кейинги техникавий хизмат кўрсатиш;
- бозор тўғрисидаги ахборот туплаш ва уни тақдим этиш.

Савдо қилишнинг янги турлари ва усуллари

Савдо қилишнинг янги турларига интернет, электрон почта, тўғри маркетинг, франчайзинг ва бошқаларни киритиш мумкин.

Интернет орқали савдо қилиш хозирги пайтда замонавий савдо қилиш тўғри хисобланади. Жуда кўп фирмалар интернетда маҳсулотларини таклиф киладилар. Истеъмолчилар узларига керакли маҳсулотни узларининг компьютери орқали буюртма бериб сотиб олишлари мумкин. Интернет орқали савдонинг устунлик томонлари бу биринчидан, вақт тежалади, иккинчидан воситачиларсиз тўғридан-тўғри иглаб чиқарувчидан олиш имконияти пайдо бўлади.

Тўғри маркетинг – бу харидор билан турли воситалар билан тўғридан-тўғри мулоқот бўлиб, харидорни маҳсулотни сотиб олишга ишонтиришдан иборатdir.

Франчайзинг – бу савдо қилиш усулининг замонавий шаклларидан бири бўлиб хисобланади. Бунда франчайзинг фирмаси франчайзер фирмасининг товар маркаси, номаланиши, ва рекламасидан фойдаланиб, товарни ишлаб чиқариш, таксимланиши, сотии ва таклиф этилишида бевосита катнашади. АКШда чакана савдонинг 50 % қисми франчайзинг тизими орқали амалга оширилади.

Хозирги вақтда чакана савдода товар сотишнинг қўйидаги усулари кулланилади:

- товарни пештахта орқали сотиш
- товарни харидор ўзига-ўзи хизмат қиладиган усулда сотиш
- товарни очик ёйиб қўйиб сотиш
- товар наъмуналарини кўрсатиб сотиш
- товарни аҳолининг буюртмасига мувофик сотиш.

Товарни пештахта орқали сотиш – товар сотишнинг одатдаги усули бўлиб, унда харидорларга хизмат қилиш жараёнининг деярли хамма асосий элементлари, чунончи: товарларни кўрсатиш ва унинг ассортименти билан таништириш, хисоб-китоб қилиш ва хаки туланган товарни топшириш ишларини пештахта ёнида турган сотувчи бажаради.

Харидорлар узига-узи хизмат қилиши асосида товар сотиш усулида савдо майдони деворлари ёнига ёки ўртасига териб куйилган хамма товарлар ёнига харидорлар bemalol бориб, мустақил танлаб олиб, инвентарь корзиналар ёки аравачаларга узлари солишлари мумкин, товарнинг хаки дукондан чикаверишдаги ягона хисоб-китоб жойида туланади.

Товарни очик ёйиб қўйиб сотишда харидорлар сотувчининг иш жойига bemalol бориб мустақил танишишлари, сотувчининг маслахати ва ёрдами билан узларига керакли товарни танлаб олишлари мумкин.

Харидорлар узига-узи хизмат қиладиган усулда бўлгани каби товарларни очик ёйиб қўйиб сотишда хам товарлар савдо залига сотиш учун тула тайёр ҳолда чиқарилади.

Товарларнинг наъмуналарини кўрсатиб сотиш усули шароитида харидор савдо майдонига куйилган наъмуналарга қараб узига керакли товарларни мустақил равишда ёки сотувчи ёрдамида танлайди, унинг хакини тулагандан кейин тегишли товарни бевосита дукондан олади ёки кушимча хак эвазига уйига элтиб беришга буюртма беради. Ана шу усулни катта ҳажмдаги – мебель, совутгич, кир ювиш машинаси, тикув машинаси, электр ёриткич, газламалар сотишда ташкил этиш мумкин.

Товарни аҳолининг буюртмасига мувофик сотиш усулида харидор узига керакли товарга дуконнинг буюртма бўлимида ёки саноат корхонаси, курилиш, муассаса, дала шийпони, истикомат жойида ташкил этилган буюртма қабул қилиш жойида олдиндан буюртма беради. Бу товар дукондан олинади ёки буюртмачининг уйига ёхуд буюртмада кўрсатилган бошқа жойга элтиб берилади. Барча озик-овкат маҳсулотларини сотишда хамда мураккаб ассортиментдаги товарларни ичкарилилдаги кишлок аҳоли пунктларида жойлашган ва кундалик талаб килинадиган товарлар билан савдо киладиган дуконлар орқали сотишда ана шу усулни қўллаш мумкин.

Савдонинг илгор усулларидан бири савдо автоматлари орқали савдо қилиш хисобланади. Савдо автоматлари савдонинг ижтимоий-иктисодий самарадорлигини

таъминлашда муҳим урин тутади, яъни савдода истеъмол харажатларини камайтириш, истеъмолчи хукмрон бўлган шароитда муҳим ахамиятга эгadir. Хозирги шароитда замонавий дзайнга эга бўлган савдо автоматларидан фойдаланиш муҳим масала хисобланади.

Хорижий мамлакатларда товарларни сотишда кулланилаётган қуидаги илгор усуллардан мамлакатимиз савдо корхоналари ва ташкилотларида фойдаланиш мумкин:

- чакана савдо корхоналарининг намойиш залида туширилган нархларда каталогларт бўйича ноозик-овкат товарларини сотиш;
- шахар марказида жойлашган ва кичик савдо майдонига катъий интеръер, унча кўп булмаган ходимларга эга бўлган чакана савдо корхоналарида нархи туширилган чекланган ассортиментдаги товарлар билан савдо қилиш;
- “кулай дуконлар”, чекланган ассортиментдаги товарлар асосан янги озик-овкат маҳсулотлари билан савдо килувчи хамда харидорларга бутун кун мобайнида хизмат кўрсатадиган савдо корхоналарида сотиш.

Хорижий мамлакатлар савдо корхоналарида товарларни сотишда кулланилаётган илгор усулларнинг муваффақиятини таъминловчи йўллар харидорга янада кўпроқ турли хил хизматларни кўрсатиш ва товарларга бўлган нархни тушириш бўлиб хисобланади. Булардан савдо корхоналарида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

КОММУНИКАЦИЯ СИЁСАТИ

Талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантиришнинг моҳияти

Товар сотилиши учун харидор тulos кобилиятига эга, товар эса унга зарур бўлиши керак. Шунинг учун талаб “Тulos кобилиятли эҳтиёж” хам деб аталади.

Товарни сотиб олишда инсонлар маълум эҳтиёжларини кондиришни назарда тутади. Шу сабабли товарнинг сифат кўрсаткичлари тўғрисида ахборот зарур. Бозорга кириш фирма учун масъулиятли давр, унинг товарлари ҳақида хали маълумотлар берилмаган. Булажак истеъмолчи қуидаги ахборотларни олиши шарт:

- товарнинг борлиги ва сотилиш жойи;
- кайси эҳтиёжларни кондиришга қаратилганлиги;
- истеъмол кийматининг асосий кўрсаткичлари;
- харидорларни кониқтирумай колган ҳолда уларнинг ҳимоя қилиш кафолатлари.

Булгуси харидорларга ахборотлар етказиш услублари қуидагилар:

1. Рекламалар (радио, телевидение, ёзма).
2. Кургазмалар ўтказиш,
3. Йигилишлар, анжуманлар ва фильмлар орқали етказиш ва бошқалар.

Ахборотга эга булмаган харидорларга мурожаат қилиш уларнинг талабини уйготади ва товарни сотиб олишга ундайдилар.

Талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантиришда тўғри маркетингнинг ахамияти каттадир.

Тўғри маркетинг – бу маркетингнинг диалогик тизимиdir, яъни сотувчи харидор билан сухбатлашиб, охири харидорни буюртма борлигига ишонтиради. Тўғри маркетингнинг афзаллик томони шундаки, сиз уз хизматингиз натижасини уз кузингиз билан куришингиз мумкин.

Телемаркетинг – бу тўғри маркетингнинг бир шакли бўлиб, бунда мижоз билан телефон орқали мулокот қилиш тушунилади. Телемаркетингдан фойдаланганда телефон қилиш вақтини тўғри танлаш керак. Мутахассисларнинг фикрича энг оптимал вақт кундузи соат 10 дан кейин ва тушдан кейин соат 14-17 хисобланади.

Сотишни рағбатлантириш – бу маълум бир муддатда сотиш ҳажмини ошириш мақсадида турли рағбатлантириш воситаларидан фойдаланиш хисобланади. Бу

рағбатлантириш воситалариға: мукофотлар, чегирмалар, кетма-кет товарни сотиб олгани учун совгалар, лотерея ва уйинлар ўтказиш, товар билан күшимчә нарсалар қўшиб бериш, бепул етказиб бериш ва ўрнатиш, маълум муддатда сотилган товарга бепул хизмат кўрсатиш ва бошқалар киради.

Сотиши рағбатлантиришда товар тўғрисида маълум даражада ахборотга эга булмаган истеъмолчиларга мурожаат килинади. Шунинг учун рағбатлантириш сиёсатининг вазифаси - уларда фирма товарларини кейинги вактда сотиб олишга иштиёк тугдириш хамда доимо алоқада бўлишга чиқаришдан иборат. Одатда талабни шакллантириш тадбирлари истеъмолчиларга ва сотувчиларга қаратилган бўлади. Истеъмолчиларни рағбатлантириш уларга сезиларли тижорат имтиёзлари беришни кузда тутади:

- товарни сотиб олиш ҳажмига ва доимий алоқада бўлиб туришга бериладиган имтиёз;
- ҳар хил шаклдаги карзларга товар сотиш;
- товарнинг кўп ҳажмда харид килинишини кўзлаб намуналарни бепул таркатиш;
- товарларни вақтинча ишлатиш учун бепул бериш;
- ишлатилган товарни маълум шартлар билан қабул қилиш;
- янги товарларни булажак харидорларга кўрсатиш;
- товар ишлаб чиқарувчи корхоналарда саёҳат уюштириш;
- янги товарларнинг бозорга киритилишига багишланган матбуот конференциялари ўтказиш;
- товар нархини кескин тушириш тўғрисидаги радио, телевидение ва матбуот орқали эълонлар.

Товарларга багишланган рағбатлантириш сиёсати уларнинг сотиб оловчи харидорлари турига боғлиқ. Воситачиларни рағбатлантириш, уларнинг фаоллигини ва ташаббускорлигини оширишга хамда истеъмолчилар доирасини кенгайтиришга мўлжалланади. Талабнинг шаклланиши ва сотиши рағбатлантириш сиёсати товарнинг бозордаги ҳаётий босқичларига мувофик келиши билан ҳар бирига мос мазмун багишлиши шарт.

Бозорга кириш даврида агар фирма биринчи маротаба бозорга кириб бораётган бўлса, унда алоҳида стратегия ишлаб чиқилади. Одатда, қуйидаги 4 хил маркетинг стратегиясидан фойдаланилади:

1. Жадал (шиддатли) маркетинг.

Буни кўпчилик харидорлар - товар тўғрисида маълумотга эга булмаган ёки бўлгани хам унинг юқори нархидан таъсирланмаган ҳолда ишлатади. Харидорларни жалб қилиш, уларнинг талабини шакллантириш тадбирлари ўтказишга катта маблаг ажратиш орқали уюштирилади. Товарнинг хам нархи юқори ўрнатилиб кўп фойда олиш назарда тутилади.

2. Бозорга танлов асосида кириш услуги.

Унинг ҳажми катта булмаган ҳолатда ишлатилади. Товар кўпчиликка ноаниқ, унга юқори нарх куйилса хам харидорлар сотиб олиш мумкин. Рақобатчилар бозорда жуда оз ва шунинг учун талабни рағбатлантиришга кам харажат қилиб кўпроқ фойдага эришиш мумкин.

3. Бозорга кенг кулямли кириб бориш услуги.

Бозорнинг ҳажми катта, товар ҳақида харидорлар кам таассуротга эга ва унинг нархи баландлигига рози булмаган даврда ишлатиладиган услуг. Ундан ташкари рақобат кучли, товар ишлаб чиқаришни қўпайтириш натижасида унинг таннархи пасаяди ва “нархлар жаги”га имкон яратади. Рағбатлантиришга кўпроқ маблаг ажратишга имконият яратилади.

4. Суст маркетинг услуги билан бозорнинг ҳажми катта бўлганда, харидорлар товарни яхши билсада, камрок харажатлар қилиб, пастрок нарх орқали, рақобат кам шароитда муваффақиятга эришилади.

Товар бозорининг ўсиш босқичида бозорга кирган товар билан истеъмолчилар қўпроқ танишгани туфайли рақобатчиларни сика бошлайди. Агар бозор катта бўлса, рақобатчилар хам бизнинг товарга ухшаш товар ишлаб чиқара бошлайди. Рақобатчиларга карши бозорга уша товарнинг янги-янги турлари ва янги харидорлари учун ишлаб чиқилади. Шу даврда, айрим товарларнинг моделини янгилаш ва талабни шакллантиришнинг хар хил тадбирлари ўтказилади.

Рекламада товарнинг амалиётдаги истеъмолчилар тажрибасида синалган хусусиятлари қўпроқ ёритилади, имтиёзлар ва нархни пасайтиришгача кулланилади.

Товар бозорининг етилиш (пишган) даврида товарнинг тула ассортименти бозорга киритилган ва 50 фоиздан ортик харидорларга керакли товар билан таъминланган бўлади. Энди товарни асосан консерватив дунёкарашли харидорлар сотиб олишади. Талабни рағбатлантириш тадбирлари асосан товарнинг фойдалигини ёритишга қаратилади.

Товар бозорининг туйиниши даврида товар асосан сотилиши, бозорда истеъмолчиларнинг кайтадан харид қилишлари хисобига амалга оширилади. Талабни рағбатлантириш сиёсати самара бермай колади. Шунинг учун бозорда яхши талабга эга товарлар колдирилади. Аммо реклама сусайтирилмай, аксинча кучайтирилади. Нарх пасайтирилиб, товар кўпчилик харидорларга якинлаштирилади.

Товар бозорининг тушкунлик даврида талабни ва сотишни рағбатлантириш тадбирлари шу товар учун тухтатилади. Сотувчиларга қаратилган рағбатлантириш тадбирлари, асосан товар сотилиши ҳажмини кўпайтириш мақсадида олиб борилади:

- пул мукофоти бериш;
- кушимча дам олиш кунлари, фирма хисобидан саёхатларга бориш;
- кимматбаҳо совгалар;
- маънавий рағбатлантириш;
- корхона фаолияти рекламаси;
- хайрия ишларида фаол катнашиш ва бошқалар.

Талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантирища “паблик рилейшнз” тадбирлари катта ёрдам беради. Бу атама “жамоатчилик билан муроса” маъносини беради, “паблик рилейшнз” нинг турли таърифлари бор, улардан энг муваффакиятли чиккани - бу атамани жамиятда товар ва firma ҳақида яхши таассуротлар яратиш мақсадларида ўтказиладиган тадбирлар мажмуи деб таъкидлайдилар. “Паблик рилейшнз” ва маркетинг бир бирини тулдиради. “Паблик рилейшнз” яширин шаклдаги рекламанинг бир тури бўлиб, мақсадга мувофиқлиги ва тадрижийлиги билан ажralиб туради. Агар пасайиб бораётган талаб шароитида реклама фаролияти тухтатиладиган бўлса, “Паблик рилейшнз” ни фирманинг бозорга урнашган кунидан бошлаб то унинг бозорда бўладиган охирги кунига кадар ўтказиш зарур.

Шунингдек, кургазма ва ярмаркалар маркетинг ва рекламининг самарали воситалари саналади.

Кургазма ва ярмаркаларнинг энг яхши томони - харидорларга товарни унинг ҳақиқий киёфасида тақдим этиш имконияти борлигидадир. Кургазма хам, ярмарка хам тижорат-томуша тадбирлари хисобланади. Уларнинг ўртасидаги фарк шундан иборатки, кургазма исталган шахарда хар хил сабаблар билан, хатто товарсиз ташкил этиш мумкин. Ярмарка эса катъий суръатда ва мунтазам равища бир жойда ўтказилади. Бундан ташкари, кургазма гарчи унда битишувлар ўтказилган бўлса хам уз рухига кура асосан маърифий-таргигибот йўналишига эга, кўп ҳолларда унда “келажак товарлари” хам намойиш килинади. Ярмарка эса биринчи навбатда тижорат йўналиши билан ажralиб туради, унда хали талабдан колмаган “Эски” товарлар хам бўлиши мумкин.

Шундай килиб, ярмарка - бу даврий фаолият килювчи, бозор ѿни белгиланган муддатларда бир жойда мунтазам тупланадиган бозордир. Ярмарканинг мақсади - унинг иштирокчиларига узлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар намуналарини кўрсатишга имконият яратиб бериш, савдо битимлари тузиш мақсадларида янги ютуклар ва техник

камолатни намойиш қилишдан иборат. Савдо-саноат кургазмалари бир ёки бир канча мамлакат ишлаб чиқаришнинг бир ёки бир неча соҳаларида, фан ва техника соҳасида эришган илмий-техника ютукларини кўрсатиш мақсадларида ташкил этилади. Уз иштирокчилари ва ташки иқтисодий алоқалардаги иқтисодий алоқалардаги иқтисодий ахамиятга кура, кургазма хамда ярмаркалар миллий ва халкаро турларга бўлинади. Уз мамлакатида ўтказиладиган миллий кургазма ва ярмаркаларда чет эл харидорлари хам куйилади, лёкин товар сотиш хукуки миллий фирмага катъий берилган бўлади.

Хозирги замон шароитларида бир мамлакатнинг хукумати ёки саноат бирлашмалари бошқа мамлакатда ташкил этадиган миллий кургазмаларда уз мамлакатининг ютуклари ва товар муносабатларининг ривожини намойиш килади. Ўтказиш муддати ва усулларига кура, улар қуидаги турларга бўлинади: қисқа муддатли кургазмалар, кучма кургазмалар, намуналар доимий кургазмаси, савдо марказлари, савдо хафталиклари.

Қисқа муддатли кургазмалар уч хафтадан ортик булмаган муддатда ўтказилади. Бундай кургазма ё умумий мазмунда, яъни уз мамлакатининг барча ишлаб чиқариш фаолияти соҳаларида ютукларини намойиш этади ёки ихтисослашган бўлиб, бирон бир тармок ютукларини кўрсатади.

Кучма кургазмалар турли транспорт воситаларидан фойдаланиб, томошабинлар доирасини кенгайтириш мақсадларида ташкил этади. Кейинги йилларда йирик кемаларда кургазмалар ташкил этиш тобора кенг расм булаётир. Япония, Англия, Швецияда бундай кургазмалар йирик кема бортларида ташкил этилади, кетма бир канча давлатларнинг савдо шахарларида бўлиб, куйилган товарларни намойиш этади, шунингдек савдо-сотик хам килади.

Намуналар доимий кургазмасининг аксарияти уз мамлакатининг чет эллардаги дипломатик консул хоналари ва бошқа ваколатхоналарида ташкил этилади, чет эллардаги эҳтимол тутилган харидорларга намуналар бўйича шартномалар тузиш учун экспорт маҳсулот намуналари намойиш этилади. Миллий ташкилотлар томонидан чет эллар ташкил килинадиган доимий савдо марказлари катта ахамият касб этади. Бундай марказлар узлари жойлашган мамлакатда ихтисослаштирилган кургазмалар ташкил этиш бўйича кенг фаолият олиб боради: экспоцент фирмаларга бепул кургазма майдонлари беради, уз хисобидан кургазмани лойихалаш ва расмийлаштириш, очишни амалга оширади, кургазма иштирокчиларига бозордаги ҳолатлар ҳақида ахборот етказиб беради.

Кургазма ва ярмаркаларнинг янги тури савдо хафталиклари номини олди. Бундай тадбирлар одатда йирик шахарлардаги универсал магазинларда истеъмол товарларини намойиш этиш ва сотиш учун ташкил этилади.

Халкаро кургазма ва ярмаркалар товар муомаласига хизмат кўрсатади. Уларда хар кандай мамлакат фирмалари хеч кандай чеклашларсиз иштирок этиши мумкин. Халкаро кургазма ва ярмарканинг энг афзал томони - уларда турли мамлактларда ишлаб чиқариладиган жуда кўп товарларнинг намуналари тупланади. Бу эса харидорга қисқа вақт давомида бозорда мавжуд таклифлар билан танишиб чиқиш, мутахассислардан керакли маслаҳатларни киёслаш, музоқаралар ўтказиш, тижорат шартларини келишиб олиш ва энг муҳими, контракт имзолаш имконини беради.

Намойиш этиладиган экспонатлар характеристига кура халкаро кургазма ва ярмаркалар универсал ва ихтисослашган турларга бўлинади. Универсал кургазма ва ярамаркаларда экспонатлар муайян товарлар гурухлари билан чегараланмайди. Уларда барча ёки кўпгина саноат тармоклари маҳсулотлари намойиш килиниши мумкин. Ихтисослашган кургазма ва ярмаркада эса факат бир ёки бир неча турдош саноат тармоклари товарлари, баъзан бирон бир амалий фан ютуклари намойиш килинади.

Харидорларга ва сотувчиларга таъсир этиш услублари

Сотувчи учун кургазма ва ярмарканинг ахамияти биринчи навбатда уз рақиблари товарларини ўрганиш имкониятига эга бўлиши ва турли реклама воситаларидан

фойдаланиб, уз товарларини кенг реклама воситаларидан фойдаланиб, уз товарларини кенг реклама қилиши билан белгиланади.

Реклама ва товар сотишни рағбатлантириш тадбирларини белгилаш, режалаштириш ва уни амалга ошириш, катта харажатлар сарфлашни талаб қилиш билан бир каторда юқори малакали мутахассисларни ишга жалб этишни таказо килади. Одатда саноат фирмалари бундай мутахассисларга эга эмас. Шу сабабли, коида тарзида, бу ишларни амалга ошириш ихтисослашган ташкилотларга буюрилади. Уларнинг уч тури-реклама агентлиги, умуммиллий реклама берувчилар, чакана реклама берувчилар мавжуд.

Реклама агентлиги тажрибали матнчилар, рассомлар, телевидение продюссерлари, тадқиқотчилар ва маъмурий ходимларни ягона ишбилармон корхонага бирлаштиради. Бу мутахассислар бошқа одамларга, шунингдек нозик мулокатларга мойиллиги, реклама ва бозор воситаларини яхши билиши билан ажралиб туради. Агентлик мутахассисларнинг хамкорликда ишлаши ва якка мижозлар билан самарали реклама яратиб беришлари учун куляй мухит тугдиради. Реклама агентлиги реклама берувчилар билан рекламани харидорларга етказувчи оммавий аҳборот воситалари ўргасида гуе воситачилик вазифасини бажаради. Агентлик таклф этадиган хизматлар айрим реклама берувчилар имкониятига караганда сифат жихатидан юксак, тури жихатидан гоят кенгdir.

Реклама агентликларини куйидаги принципларига кура тавсифлаш мумкин:

- кўрсатадиган хизматлари ҳажмига кура-универсал;
- муайян товар ва реклама воситаларига кура ихтисослашган;
- фаолияти соҳасига кура-ички бозорда иш курадиган ва ички хамда ташки бозорда иш курадиган турлари.

Хозирги шароитда “тўлиқ хизмат кўрсатиш” агентликлари тобора кенг таркалмокда. Улар савдо реклама сиесатининг умумий ва айрим масалалари бўйича уз мижозларига маслаҳатлар беради, у ёки бу товарни чиқаришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида саноат фирмаларига тавсиялар тайерлайди, реклама компаниясининг режаси ва сметасини тузади, уни ўтказишнинг муддатлари ва даврийлигини белгилайди, реклама компанияси режасига мувофик ҳолда уринлар ва хизматларни сотиб олади, тадбир ўтказиш вақтини белгилайди, рекламани тайерлашни амалга оширади. Шундай қилиб, “тўлиқ хизмат кўрсатиш” агентлиги реклама компаниясини ишлаб чиқиши билан бирга маркетинг билан боғлиқ кўпгина хизматларни бажаради.

АКШда беш мингдан ортик фирма реклама агентлиги тарзида иш олиб боради. Аммо асосий иш бир неча йирик ташкилот хиссасига тўғри келади. Йирик агентликлар йирик реклама берувчиларга хизмат кўрсатади. Йирик реклама берувчилар эса нисбатан катта булмаган товарлар гурухи: озик-овкат маҳсулотлари, дори-дармонлар, касметика воситалари, автомобиллар, тамаки маҳсулотлари ва шунга ухшашлар доирасида иш олиб боради. Ишлаб чиқарувчилар кенг кулемли умуммиллий реклама ердамида истеъмолчига товарни илгарирок сотишга ва харидорларда уз маркасига мансуб товарлар ихлос ўйготишга ҳаракат киладилар.

Бундай ҳолларда реклама маркетинг комплексида етакчи таркибий қисмга айлданади.

Коммуникация сиёсатининг моҳияти, мазмуни ва мақсадлари

Маркетингда коммуникация деб биз хар аудиториялар адресига, шу жумладан, харидорлар, сотувчилар, таъминотчилар, акционерлар, бошқарув органларига фирмадан юбориладиган сигналлар мажмуини тушунамиз.

Коммуникация сиёсати (promotion mix) – бу товарни бозорга силжитиш усуллари йигиндисидир. Коммуникациянинг асосий воситалари бўлиб паблик рилейшнз – жамоат билан алоқа; реклама; сотишни рағбатлантириш; маҳсус кургазмалар; шахсий сотув хисобланади.

Реклама- бир томонлама оммавий коммуникациянинг туловли тури бўлиб, у аниқ бир хзомийдан чикиб, фирма фаолиятини бевосита ёки билвосита куллаб-кувватлашга хизмат килади.

Шахсий сотув- бу “улчалик” коммуникация якка икки томонлама бўлиб (диалог) мақсади мизожни тухтовсиз тарзда ҳаракатга келтиришга ундаш. Бир вақтнинг узида фирма учун ахборот манбаи хамдир.

Савдони авж олдириш-шахсий реклама ва шахсий савдони тулдирувчи хамма товарни сотишини тезлаштириш ва маълум кенгайтиришга қаратилган вақтинча чораларни уз ичига олади.

Жамоатчилик билан алоқа-аниқ мақсадга қаратилган харажатлар ерадмида ташкилот ва унинг турли аудиториялари орасида, узаро бир-бирини тшуниш ва ишончли руҳий ҳолат яратишга хизмат килади. Бу ердаги коммуникациянинг мақсади факат сотишигина эмас, балки фирма фаолиятини куллаб-кувватлаш хамдир. Бу анъанавий мулокат воситаларидан ташкари қуидаги бевосита коммуникация турлари: салонлар, ярмаркалар, кургазмалар, почта орқали таркатиш, телемаркетинг, каталоглар орқали савдо хам мавжуд.

Коммуникация рақобат курашида муваффақият омили бўлиб хисобланади. Қуйида маркетинг коммуникациясининг босқичлари берилган.

Маркетинг коммуникациясининг босқичлари

Йиллар	Босқичнинг номи	Босқичнинг тавсифномаси
1950-1960	Тизимсиз коммуникация босқичи	Коммуникатив сиёsat катта роль уйнамайди, доимий талабни таъминлаш учун товар таклифи ҳажмига концентрация бош масала хисобланади
1960-1970	Товар коммуникацияси босқичи	Сотишини ташкил этишда корхона коммуникатив воси-талардан фойдаланади. Бирин-чи режага реклама ва сотишини рағбатлантириш чиқади
1970-1980	Мақсадли гурӯх коммуникация босқичи	Коммуникация фирмалар томонидан фойда олишга имкон берувчи мақсадли гурӯхлар билан узаро таъсирида мижозлар билан мулокот учун ишлатилади
1980-1990	Рақобатли коммуникация босқичи	Коммуникатив шароитни ўзгариши ва коммуникатив рақобат кўрсатишнинг ўсиши корхонадан коммуникацияни оптимал шакл ва воситаларини талаб килади
1990-2010	Рақобатли ва интеграцияланган коммуникация босқичи	Бозорни ривожланиш динамикаси реклама ташувчиларига медиа таркатишни шакллантиришга олиб келади. Интеграцияланган коммуникацияга утишини талаб килади

Корхона уз фирмасининг яхши имиджини яратиш учун кўплаб коммуникатив жаранлар билан узаро келишишга мажбурдир. Корхона товар билан рақобатлашиб коммуникатив рақобатга чукуррок, яъни бозорни мухимрок мақсадли сегменти ва харидорлари эътиборини эришишга курашиб жалб этилади.

Кейинги коммуникатив сиёsatда стратегик ва тактик чораларни ичига олувчи факат комплекс ёндошиши имконияти куйилади. Бунинг учун корхонадан тадбиркорликнинг интеграцияланган коммуникатив концепциясини яратиш ва ривожлантириш талаб килинади.

Интеграцияланган коммуникатив жараённинг хусусияти бўлиб коммуникация восита ва жараёни, ташувчилари, шаклларининг турли-туманлиги хисобланади.

Коммуникация қуидагича таснифланади: контакт тури бўйича шахсий ва шахсий булмаган; жадаллиги бўйича жадал ва таркор; қўллаш частотаси буйча ягона ва кўп маротабалик; таъсир натижасига кура самарали ва самарасиз.

Коммуникация ташувчилари сифатида менежмент(фирма бошқаруви); ходимлар; мижозлар; жамоат; бизнес бўйича шериклар.

Коммуникация жараени:

Хар кандай коммуникация узатувчи ва қабул қилиб оловчи орасидаги сигналларни езиш учун сигналларни кодлаш-декодлаштириш тизими ердамида, узаро сигнал алмашинувини назарда тутади. Бундан келиб чиқадики, коммуникация самарадорлигининг асосий шартлари келиб чиқади:

Коммуникация мақсади: Узатувчи кандай аудиторияга етиб бормокда экан ва кандай жавоб олмокчи эканини аниқ билиши лозим.

Маълумот тайерлаш. Пивбар, харидорларнинг тажрибасини ва кузда тутилган аудиториянинг маълумотларини декодлаш усулини хисобга олмок керак.

Каналларни режалаштириш. Узатувчи уз маълумотларини кўзлаган аудиторияга энг яхши етказиб бера оладиган каналлар орқали узатиш керак.

Маълумот самарадорлиги-узатувчининг акс алоқа сигналлари бўйича кўзланган аудиториянинг узатилган маълумотларга жавобини баҳолай олиши керак.

Юқорида санаб утилган самарадорлик шартлари хар кандай маркетинг коммуникация дастурига кирувчи қарорлар тўпламини белгилайди.

Маркетинг коммуникациясининг икки асосий восита-бу савдо ходимлари орқали шахсли мулокатлар ва реклама каналлари орқали шахссиз мулокатлардир.

Шахсий савдо самарадорлиги рекламадан анча кўпдир. Рекламанинг ютуғи унинг нархида: реклама ерадамида битта мулокат савдо агентининг визитидан анча арzon.

Реклама қисқа вақт оралигида кайта аудиториялар билан мулокат қилишга имкон берса, агент эса оз сондаги клиент (мижоз)ларга бера олади.

Тор доирадаги харидорга керак бўлган мураккаб ҳоли кейин ишлатиладиган товарга нисбатан умумий тарздаги соддалаштирилган рекламадан кура савдо агентининг тасвири кучлирок.

Агент бевосита таъсир этиб харидордан дарҳол буюртма олиши мумкин ҳолда, рекламаларнинг таниқлилиги ва имиджи орқали тавсир этиш натижаси анча вақтдан сунг олинади.

Шунинг учун коммуникациянинг шахсий таъсири иккинчи даражали бўлган ҳолларда иқтисод ва ишлаб чиқариши нуктаи назаридан рекламадан фойдаланиш мақсадга мувоффик.

Коммуникациянинг асосий шакли бу рекламадир.

Реклама агентлиги-бу реклама берувчилар учун ихтисослаштирилган хизмат турларини таклиф этувчи воситадир. Бошқача қилиб айтганда реклама агентлиги бу ижодий ходимлар ва тижоратчиларданг иборат, мустакил корхонадир. У уз товари учун харидор кидираетган буюртмачиларга реклама тайерлайди ва уни реклама воситаларида жойлаштиради.

Реклама воситалари-оммавий ахборот (телевизор, радио, рузнома, журнал), кайсики реклама мурожаатларини кенг тингловчилар оммасига етказувчи реклама мутахассислариdir. Журнал, рузномалар, телевидение ва радиостанциялар узларининг нореклама мазмунига керакли тингловчиларни жалб килади, реклама берувчилар эса уларга мурожаат этиш имкониятига эга бўлади.

Бошқа реклама воситалари эса маълум даражадаги кишиларни узига жалб этиш мақсадида реклама мурожаатларига (тўғри алоқа рекламаси, макетлар, жамоат транспортидаги турли езувлар, савдо биноларини реклама жихатидан безаш) таянадилар.

Реклама- бу омманы хабардор қилиш усулидир. Истеъмолчилар билан якин алоқа ўрнатишида оммавий ахборот воситалари унга ердам килади.

Савдо рекламасининг узига хос хусусияти харидорни чорлаш ва чакиришдан иборат. Шу билан бирга, савдо reklamasasi ахоли саломатлиги йўлида товарларнинг айrim турларини истеъмол қилишни кўпайтириш мақсадида уларга таъсир ўтказиш воситасидир.

Халкнинг турмуш даражаси оша бориши, савдога бўлган талаблар кучайиши ва кўпинча янги талаблар куйилиши реклама билан боғлиқдир, чунки савдо халк истеъмолини кондириш жараенидир.

Реклама савдо маданиятини оширишга кумаклашмоги лозим. Реклама яхши йўлга куйилган бўлса, харидорлар узларига зарур товарларни тез топиб, осон ва қўп вақт сарфламай сотиб оладиган бўладилар. Шу тарика товарни сотиш тезлашади, савдо ходимлари меҳнатининг самарадорлиги ортади, муомала чикимлари камаяди.

Савдо reklamasasi алохида хаммага маълум бўлган баъзи бир товарлар тўғрисида фойдали маълумотлар бериш, шу товарларнинг хусусиятлари, кимматли жихатлари, уларни ишлатиш усулларини тушунтириши керак.

Маркетинг коммуникацияси комплекси ва унда рекламанинг урни

Маркетингнинг коммуникатори қўйидаги масалаларни хал этиши лозим:

• мақсадли аудиторияни аниқлаш; мақсадли аудиторияни аниқлаш бу коммуникаторнинг энг асосий вазифаси хисобланади. Сиз ким учун товар ишлаб чиқарган бўлсангиз, уша сизнинг мақсадли аудиториянгиз хисобланади. Масалан, ахолининг маълум бир катлами, аёллар, ёшлар, бизнесменлар ва бошқалар.

• реклама қилишдан асосий мақсадни аниқлаш. Сиз турли максдларда товарингизни реклама қилишингиз мумкин. Бу мақсадларни қўйидаги турларга бўлиш мумкин:

а) товар ҳақида маълумот бериш – бунда харидорлар шундай товарлар борлиги, товарнинг номи, маркаси ҳақида маълумотларга эга бўладилар.

б) харидорларнинг товар ҳақидағи билимларини ошириш – бунда харидор товар ҳақида маълумотга эга бўлиши мумкин, лёкин бу маълумотлар етарли булмаслиги мумкин. Ушанда товар ҳақида тўлиқ маълумот берилади.

в) харидорни товарга бўлган муносабатини ижобий томнога ўзгартириш – бунда асосан харидорнинг товар ҳақидағи фикри ва товарга бўлган муносабати яхши булмаган холда фойдаланилади. Яъни коммуникатор харидорлар товарни ёқтирасликлари сабабини аниқлаб, реклама орқали уша камчиликларни бартараф этилганлигини кўрсатиб берishi керак.

г) харидорларни ишонтириш. Бунинг учун ишонтирувчи reklamaдан фойдаланилади. Бунда сизнинг товарингизнинг рақобатчилар товарларидан устунликлари ва унинг фойдалилиги кўрсатилади. Ишонтиришнинг асосий воситаларидан бири бу омма билан алоқа хисобланади.

д) сотиш ҳажмини ошириш мақсадида килинадиган реклама. Бунда товар ҳақида хамма етарли маълумотга эга, лёкин харидорларга товарни эслатиб туради.

• Ахборотни танлаш. Сиз, кандай мақсадда reklama қилишингизни аниқлаб олганингиздан кейин шундай reklama текстини тайёрлашингиз керакки, у мақсадли аудиторияга уз таъсирини ўтказсин.

• Ахборотлаштириш воситаларини танлаш. Коммуникатор маълумотни тайёрлагандан кейин уни кайси канал орқали етказишини аниқлаш керак. Маълумотларни етказишининг икки асосий тури фаркланади: шахсий (индивидуал) ва умумий.

- шахсий (индивидуал) каналга харидор билан алохида сухбат ўтказиш, телефон орқали алоқа қилиш, почта орқали мурожаат қилиш ва бошқалар киради;

- умумий каналга оммавий ахборот воситалари, турли чора-тадбирлар, конференциялар ва бошқалар киради.

Маркетинг коммуникациясида асосий уринни реклама эгаллайди. Бу бозор фаолиятининг кўп киррали куриниши бўлиб, у баъзан мустақил йўналишга ажратилади. Маркетинг ва реклама бир йирик жараённинг икки томоннини ташкил этади. Шу билан бир вактда реклама маркетинг тизимида узига хос уринни эгаллайди.

Мутахассислар фикрича, реклама коммуникация шакли деб каралади, кайсики, у, товар сифати ва хизмат кўрсатишни, шунингдек гояни истеъмолчининг талаб ва эҳтиёжига мувофик ташкил этишга интилади.

Рекламанинг моҳияти ишлаб чиқарувчи манфаатидан келиб чикиб харидорда товарни сотиб олиш тўғрисида тасаввур уйготиши зарур. Рекламага товар ишлаб чиқарувчи уз товари билан бозорга кираётгани тўғрисидаги ахборот деб караш лозим. Бунда суз товар истеъмолчининг эҳтиёжини маълум даражада кондираетгани ҳақида бораётганини тушуниш муҳим. Ишлаб чиқарувчи манфаати маҳсулотини бозорда сотишга, харидор манфаати эса уз эҳтиёжини кондиришга қаратилган бўлади.

Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги коммуникатив алоқа реклама хисобланади. Реклама корхона ва бозор ўртасидаги бутун алоқа тизимини уз ичига олади. Истеъмолчи реклама килинаётган товар тўғрисида малакали билимга, яъни тасаввурга эга бўлиши керак. Реклама хабарлари шундай бўлиши зарурки, у истеъмолчидага товарга нисбатан ижобий муносабат уйготиши ва уни сотиб олишга ишонч уйгота олиши лозим.

Реклама мазмунига келганда, унга товарларни ва уларнинг истеъмол қилиш хусусиятини ташвикот қилиш деб каралиши шарт. Айрим караш ва гояларнинг шаклланиши ташвикот қилиш рекламини ривожлантиришнинг янги имкониятларини очади.

Маркетинг фаолияти тажрибаси шуни тасдиклайди, рекламанинг таъсирчанлиги унга товарларни ишлаб чиқарувчидан тортиб истеъмолчига бўлган ҳаракат тизимидағи урнига нечогли ахамият берилишига боғликдир. Рекламанинг самадорлиги эса жамоатчилик фикрининг шаклланиши ва истеъмол нархларининг ўзгариши билан улчанади.

Рекламанинг фаолият доираси уз ичига:

- 1). Истеъмолчининг реклама килинаётган товар ва хизматга хамда бозорга бўлган эҳтиёжини ўрганиш;
- 2). Мақсадга эришишни стратегик режалаштириш, бозор чегарасини аниқлаш, реклама воситаларидан фойдаланиш режаларини ишлаб чиқариш ва уни моҳиятлаштириш юзасидан зарур тадбирлар ишлаб чикиш;
- 3). Реклама воситаларини танлаш бўйича харажатлар тизимини белгилашда тактик қарорлар қабул қилиш, матбуотда эълонларнинг еритилиши ва намойиш килиниши юзасидан тадбирлар ишлаб чикиш;
- 4). Матн езишни хисобга олган ҳолда эълон тузиш, макет тайерлаш, уни бадиий безаш ва уларни ишлаб чиқаришни уз ичига олади.

Реклама савдодаги технология жараенининг таркибий қисмидир. Модомики товар сотиши чакана савдодаги асосий технология жараени экан, реклама хам харидор билан учрашган пайтдан, унинг талаб ва эҳтиёжи аниқланган пайтдан, товарни окилона куз-куз қилишдан бошланади. Товарнинг хусусиятлари, сифати тўғрисида, уни ишлатиш, истеъмол қилиш усуллари тўғрисида уз вактида маслахати бериш, дуконлардаги технология жараенларини ташкил этишда муҳим урин тутади. Сунгра, бирор товарга қўшиб олинадиган товарларни тавсия этиш хам рекламанинг диккат марказида бўлиши керак.

Чакана савдодаги рекламани қўллаш жойига, вазифасига техниковий воситаларни қўллаш ва улардан фойдаланиш услубларига қараб бир-биридан фарқ килади.

Кулланиш жойига кура рекламалар дуконга кирувчи харидорларга мўлжалланган дукон ичидаги ва бутун аҳолига қаратилган дукон тўғрисидаги турларга бўлинади.

Вазифасига кура реклама воситалари аҳолининг муайян категориялари ва гурухларига (мактаб укувчилари ва уларнинг ота-оналарига, пахтакорларга, пархез таомга мухтож бўлган кишиларга ва шу кабиларга) мўлжалланган бўлади.

Техникавий воситаларни қўллаш ва улардан фойдаланиш услубларига кура реклама қўйидаги турларга бўлинади:

- а) Витрина-кургазма рекламаси (дераза ва дукон ичкарисига ўрнатилган витриналар, дуконлардаги ва бошқа жамоат жойларидаги товар кургазмалари);
- б) Тасвирий, фотографик еритилган рекламалар (дуконларнинг тамгалари, реклама езувлари, плакатлар, прейскурантлар, кўрсаткичлар, транспарантлар, эълонлар);
- в) Босма реклама (варакалар, каталоглар, проспектлар, газета ва журналлардаги эълонлар);
- г) Намойиш рекламаси (маҳсулотларни татиб куриш, кийим-кечакнинг янги моделларини намойиш қилиш ва шу кабилар);
- д) Кино- телевизион ва диапозитив рекламаси;
- е) Овозли реклама.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Эришган мэрраларимизни мустаҳкамлаб ислоҳотлар йўлидан изчил бориш - асосий вазифамиз// Тошкент оқшоми. – 2004. - 10 феврал
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Махкамаси мажлисидаги маъruzаси // Халқ сўзи. - 2006. - 11 феврал
3. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил харакат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Махкамаси мажлисидаги маъruzаси // Халқ сўзи. – 2007. - 13 феврал
4. Шарифхужаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: Дарслик. - Т.: Ўқитувчи, 2001
5. Шарифхужаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: 100 савол ва жавоб: Ўқув қўлланма. - Т.: Мехнат, 2000. - 8-15 бетлар.
6. Гуломов С.С. Менежмент асослари: Ўқув қўлланма. - Т.: Шарқ, 2002
7. Ахунова Г.Н., Йўлдошев Н.Қ. Иқтисодиёт ва менежмент. - Т.: 2005
8. Йўлдошев Н.Қ., Қозоков О.С. Менежмент. - Т.: Фан:2004
9. М. Мескон и другие. Основы менеджмента: Учебник / Мескон М., Альберт М., Хедоури Ф.: под. редак. М. Мескона. М.: Дело, 2000
10. Синяева И.М., Земляк С.В., Синяев В.В. Маркетинговая коммуникация: Учебник/ Под ред. проф. Л.П. Дашкова.-М.: Издательско-торговая корпорация "Дашкова и К", 2006-304с.
11. Багиев Г.Л., Тарасевич В.М., Анн Х. Маркетинг. З-изд./ Под общ. ред. Г.Л. Багиева- СПб.: Питер,2006, -736с.
12. Лебедева О.А., Лугина Н.И. Маркетинговые исследования рынка. Учеб.М.: ФОРУМ:ИНФРА-М, 2005.-192с.
13. Котлер Ф. Маркетинг по Коттеру.-2-изд. Как завоеват и удержат рынок.-М.: 2005.- 697с.
14. Абдуллаев О.М., Косимова М.С. ва бошк. Маркетинг. укув қулланма. акад. С.С. Гуломов таҳрири остида. -Т.: ТДИУ, 2006.-567с.
15. Қосимова С. ва бошқ. Маркетинг. Дарслик.-Т.: УЁУАЖН, 2005, 176 б.
16. Болтабоев М., Эргашхужаева Ш. Маркетинг. Дарслик.-Т.: УЁУАЖН, 2005, 165 б.

МУНДАРИЖА

Замонавий бошқарув асослари.....	2
Бозор иқтисодиёти шароитида менежмент жараёнини такомиллаштириш.....	5
Менежернинг касбий ва шахсий сифатлари.....	9
Ходимларни бошқариш.....	18
Замонавий маркетингнинг таркибий тузилиши ва уни бошқаришни ташкил этиш.....	26
Маркетинг дастури.....	30
Стратегик ва тактик режалаштириш.....	36
Бозор конъюнктурасини тадқиқ этиш ва башорат этиш.....	40
Бозор сегментацияси ва харидорлар турлари.....	42
Товар ва товар сиёсати.....	48
Нарх ва нарх сиёсати.....	55
Сотиш сиёсати.....	59
Коммуникация сиёсати.....	66
Адабиётлар рўйхати.....	76